



ҲАЗИНИЙГА АТАЛГАН ЗИЁ

Мумтоз адабиётимиз даҳолари орасида ҳазрат Алишер Навоий адабий меросидан таъсирланмаган туркий-забон ижодкор ул ҳазратдан кейинги даврларда топилмас - десак, муболаға бўлмайди. XIX аср ўзбек шоирлари ижодига ҳам Навоий асарлари ижобий ва салмоқли таъсир кўрсатган.

XIX аср ва XX аср бошлари мумтоз адабиётимиз вакилларининг улуг шоирга ва унинг ижодига муносабатларини уларнинг асарларидан ўрганиш мумкин. Шулардан бири Зиёвуддин Каттахожа ўғли Ҳазиний ижодига таъсири бекиёсдир. Мавлоно Ҳазиний шеърлярида Мир Алишер анъаналари, ўзига хос мумтоз лирика мактаби ўлароқ намоён бўлган. Хаттоки, ориф шоир Ҳазиний тўранинг сўфиёна талқиндаги ва мавъиза шаклидаги шеърлярида ҳам Навоийёна фикр ва бадийят зухур этган.

Ҳазинийнинг атоқли бастакор Мухторжон Муртозов куй басталаган маълум ва машҳур:

У жрон ўтига бағрим сўзона тонг отқунча....

дея бошланувчи ғазали халқимизга манзурдир. Бу ғазалга кўплаб шоирлар, жумладан, Ҳамза, Мирзо Хўқандий, Чархий кабилар назиралар битишган. Ғазалнинг радифи бўлмиш «тонг отқунча» сўз бирикмаси жуда чиройли ва дундалиги билан ажратиб туради. Хўш аслида «тонг отқунча» кимники?!

Ҳазинийгача бўлган кўпгина мумтоз шоирларимиз шеърлярида бу бирикмани кўриш мумкин. Аммо, айнан радиф ўлароқ баъзи шобирлардагина (масалан, Амирийда) учрайди. Алишер Навоий ғазалиётида эса «тонг отқунча» бирикмаси билан боғлиқ бир талай ўрнакларни кўриш мумкин. Шоирнинг «Ҳазойин ул-маоний» тўпламига мансуб тўртала девонида ҳам айнан шу радифдаги ғазал йўқ. Лекин, бу бирикма иштирок этган шеърларда бир неча қирралари билан намоён бўлиб, турфа маъноларда келган жиҳатлар мавжуд. Навоий девонларига назар таштайлик:

«Ғаройиб ус - сиғар»да:

1) *Эй Навоий, билки тонг отқунча йиғлар ҳар кеча,
Чархдек ҳар кимки, бир бадмехр саргардонидур.¹*
(188-ғазал)

2) *Ҳар кун оқшомгача ҳажрингда манга зорлиг иш,
Кеча тонг отқунча андуҳ ила бедорлиг иш....*
(260-ғазал)

«Бадоеъ ул - васат»да:

3) *Гар Навоийга даводур унинг, эй ёр ити,
Хординг эркинки, тонг отқунча ҳурарсен охир.*
(172-ғазал)

4) *Киши висол тунӣ ёри била ётқунча,*

Жамоли шамъига қилсун назар тонг отқунча...
(552-ғазал)

5) *Кеча келгумдур дебон ул сарви гулру келмади,
Кўзларимга кеча тонг отқунча уйқу келмади...*
(608-ғазал)

«Фавойид ул - кибар»да:

6) *Белинга то сочинг чирмашти, рашқдин анинг ҳар тун,
Димоғимда тонг отқунча хаёл эрмиш хаёл узра...*
(549-ғазал)

Кўриниб турибдики, Навоий мазкур бирикмани турли ўринларда мазмун ва моҳиятига кўра турфа маъноларда қўлламоқда. Ва бу ибора кўрсатилган мисолларнинг фақат биридагина қофия тарзида келмоқда. Навоийнинг юқорида келтирилган биринчи рақамли байти, Ҳазинийнинг:

*Ҳижрон ўтига бағрим сўзона тонг отқунча,
Ўртаб юрагим, чашимим гирёна тонг отқунча...
Эй шўхи жафопёша, бераҳм ситамгарсан,
Мандин хабар олмайсан пинҳона тонг отқунча...²*
(Девон, 88-бет)

мисралари ила ҳамдард, ҳамоҳанг бўлса; яна ҳазрат Навоийнинг юқоридаги тўртинчи рақамли байтининг мантиқий ва изчил давом сифатида Ҳазиний тўранинг куйидаги мисралари ўринлидир:

*Оқшомда жамолингни шамъини мунаввар қил,
Жонимни этай санга нарвона тонг отқунча...*
(Девон, ўша бет)

Бу қиёсдан шундай хулосалаш мумкинки, Навоийнинг турли ўринларда келган «тонг отқунча»ларини Мавлоно Ҳазиний яхлит, гоят раво ва бадий оригинал шаклда шўрга солган. Алоҳидалик касб этувчи «ё РАЪ», «чарх» радифи санъаткорона битилган ғазаллари маъни аҳли дилидан жой олган. Навоийнинг ҳам айнан шу радифлардаги ғазалларини девонларида кўрагимиз. Маъно, мазмун ва баъзиларнинг бадий муштараклиги бу асарлар Ҳазиний ижодининг илҳомчиси бўлганлигини тасдиқ этади. Навоийнинг машҳур бўлган:

*Очмагай эрдинг жамоли олам аро қошки,
Солмагай эрдинг бори оламда гавго қошки...*
(Наводир уш-шабоб, 625) ғазал

дея бошланувчи ғазали ўз даврида ва кейинчалик ҳам бошқа ижодкорларга илҳом бағишлаган. Жомий, Хусайний, Бобур, Убайлий, Муқимий каби шоирларнинг худди шу радифда назира тарзидаги шеърляри маълум. Хатто Навоийнинг ўзи бу ғазалига таҳмис ҳам қилган:

1. Мақоладаги ҳамма Навоий шеърляри, 20-йиллик мукаммал асарлар тўпламига мансуб 1988-1990 йилларда Тошкент, «Фан» нашриётида чоп этилган «Ҳазойин ул-маоний» (3, 4, 5, 6 томлардан) келтирилади.

2. Ҳазиний Девон. Т. Мазнавият. 1999. (Ҳазиний асарларидан намуналар шу манбадан келтирилади).

*Васли савдосида менким бастаи ҳам бўлмишам,
Ўйлаким Мажнун бало хайлига ҳамдам бўлмишам,
Ваҳки, расволиққа оламда мусаллам бўлмишам,
Эмдики девонаю расвою олам бўлмишам,
Васл чун мумкин йўқ ўлтургай бу савдо кошки...*

(Наводир уш-шабоб, 3-мухаммас)

Навоий мисраларига ҳавас ва зўр иштиёқ ила эргашиш Ҳазинийнинг «кошки» радифли ғазалида кўрилади:

*Мисли Мажнун Лайлидек девона бўлсам кошки,
Ёр учун олам аро афсона бўлсам кошки...
Мулку ашёдин кечиб кетсам, ёронлар, бенишон,
Эл кўзидин бир йўли пинҳона бўлсам кошки....*

(Девон, 100-бет)

Навоий шеърларидаги вазн ва радифлардаги ўхшашликни сақлаган ҳолда Ҳазиний мазмуний йўналиши ўзгачароқ асарлар ҳам битган. Ҳазиний ижодига асос хусусиятлардан бири бўлмиш диний - тасаввуфий талқин бунда кўпроқ намоян бўлади. Масалан, Навоийнинг:

— «*Оҳким, волиҳ мен ул сарви(ю) хиромондин жудо...*» дея бошланувчи мухаммасдаги «жудо» радифи Ҳазиний талқинида:

— «*Этмагил, ё РАБ, мани охирда иймондин жудо...*» каби мисралар билан битилган. Бир қараганда икки хил мазмунда бўлган Навоий ва Ҳазиний мухаммаслари, диққат этилса, асл маъноси бир, у ҳам бўлса, Ҳақиқий ЁР васлидан вақтинча жудолик ғамидир. Куйига разм солайлик:

Навоийда: - *Бенаводур жон даги ул ҳури ризвондин жудо...*

Ҳазинийда: - *Осий жофий бўлмасун жаннату ризвондин жудо....*

Навоийда: - *Жисм айларму фиғон бўлган нафас жондин жудо...*

Ҳазинийда: - *Мағфират қилгил, жасад бўлгонда бу жондин жудо....*

накадар яқин ва ҳамдард мисралар эканлиги ҳис қилиш унчалик қийин эмас.

Бу мисралардан ташқари ҳазрати пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо (С.А.В.) га наъб тарзидаги «муҳтож» радифли Ҳазиний ғазалида яна Навоийвор ёндошувни илғаймиз.

Навоий:

*Беҳишт сори киши тийра гўрдин бормас,
Шафоатинг алифи тутмайин йўлига сирож...
Навоий ўлди чу муҳтожинг, айла раҳм ангоким,
Ғаний қарим эса ибромга эмас муҳтож.*

(Наводир уш-шабоб, 92-ғазал)

Ҳазиний:

*Муҳаммад Мустафосиз ҳеч киши жаннатга кирмайдир,
Абулқосимнинг лутфиға вале ҳар авлиё муҳтож.
Ҳазиний, шуқр қил, шундоғ набийнинг уммати қилди,
Шу давлат санга, ҳазрат десалар: «Кел, бенаво муҳтож».*

(Девон, 20-бет)

Устоз Навоий мисраларини тўлдириб, ўзига хос изоҳлаб келатган Ҳазиний байтлари халқ тилига яқинлиги билан ажралиб туради. Яна бошқа пайғамбарлар, тарихий ва афсонавий шахсларга, ҳамда воқеа, ривоят, хикоя, афсоналарга ишоратлар мумтоз адабиётимизда, хусусан Навоий ижодида кўп ўринда келади ва албатта, Ҳазиний шеърятини ҳам бундан мустасно эмас. Лекин, бир қиссанинг ажиб ва жуда ҳам қизиқ ўрнига Ҳазиний асл Навоийёна ёндошадики, буни қуйидаги мисоллар орқали кўриш мумкин. Шоир Ҳазиний «эшит» радифли мухаммасининг иккинчи бандида шундай мисраларни тизади:

*...Юсуфим деб йиғласам чун Яъқуби Канъонийдек,
Аввалида қул бўлиб, охир Миср Султонидек,
Бир калоба ил билан бўлгон харидорим эшит....*

(Девон, 121-бет)

Навоий шеърятининг Ҳазиний ижодига таъсири масаласида яна бир муҳим жиҳат эътиборга моликдир. Бу мажозий ишқ ва унинг шеърдаги ифодаси.

Мажозий ишқ мумтоз адабиётимиздаги етакчи мавзулардан биридир. Навоий таърифи билан айтганда: - «мажоздин чу ҳақиқатқа йўл топар ошиқ». Мажоз - инсонга бўлган пок, самимий муҳаббат ниҳоясида ХАҚ ишқига восил бўлмоқ, турли рамзлар, ишоралар, воқеа ва ривоятлар орқали изоҳланади. Ҳақиқат сари бошловчи ишқ талқини Ҳазинийнинг алоҳида «айлади ишқи мажоз» радифли ғазалида ўз ифодасини топган.

*Неча доноларни подон айлади ишқи мажоз,
Ёрнинг қўйида сарсон айлади ишқи мажоз...
Эй Ҳазиний, Мавлавий Жомий била Ҳамдамни кўр,
Ул Хусайн Мирзони тугён айлади ишқи мажоз.*

(Девон, 31-бет)

Мазкур мисраларда Ҳазиний шарқда машҳур «Мавлавий Жомий ва Мирзо Ҳамдам қиссаси»га ишора этса, беш юз йил муқаддамги Навоийнинг:

*Ишқ азар комилдурур маъшукни маҳжум этар,
Бўлмайин Маҳмуд, бўлмоқ ис пама ёринг Аёз.
Ғар Навоий йиғласа, ишқинг мажозийдур дема
Ким, назар пок айлагач, айни ҳақиқатдадур мажоз.*

(Наводир уш-шабоб, 200-ғазал)

тарзидаги мисраларида Маҳмуд Ғазнавий ва Аёз қиссасига ишоратни кўраимиз. Бу қиссалар мажозий ишқни талқин ва тараннум этувчи энг машҳур қиссалар сирасига қиради. Мазмун ва моҳиятан ўзаро яқин юқоридаги икки шеърда ҳам «ишқи илоҳий»га етишишдан аввал «ишқи мажоз»ни ўтамоқ лозимлиги ва бунинг ўзи «айни ҳақиқатқа» улаштириши назарда тутилмоқда.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Мавлоно Ҳазиний Хўқандий XIX аср охири ва XX аср бошларидаги кизгин ижодида Мир Алишер Навоий ижодидан нафақат баҳраманд бўлган, балки, унинг ўлмас анъаналарини ҳам давом эттирган юксак истеъдодли шоирдир.

Отабек ЖҰРАБОЕВ,
Алишер Навоий номидаги Давлат
Адабиёт музейи илмий ходими

ИШҚА ҚИЛДИМ ИБОДАТ

Шойим ШЕРНАЗАР Навоий туманидан. Шоирлиги самимий. «Тун эртаги», «Соғинч даласи», «Сумбула» шеърый тўпламлари бунинг далили. Яна мусаввирлиги бор. Дилкаш. Рангда хаёлни кўришга, сўзда рангинликни илғашга интилаётган Кўнгилга омад ёр бўлсин.

ТАХРИРИЯТ

Ташна этдинг бунчалар,
Лаблари гулгунчалар.
Севмоқ бўлар шунчалар,
Ишққа қилдим ибодат.

Тунлар бедор ётганим,
Тонглари уйғотганим,
Исминг такрор айтганим -
Кўнглим бергин шаҳодат.

Ел ўйнабди сочларинг,
Менга оч қулочларинг.
Айтди сандовучларинг:
«Қилмиш ёр-ла сабо аҳд».

Ётган эдим дард ютиб,
Ногаҳон шарпанг кутиб,
Бир олам шодлик тутиб,
Дарчам чертди малоҳат,

Чорраҳа бўйида балакай
Тўрт томон қарайди жовдираб
Қай томон томон ёзилган қисмати

Қунжакда умидвор бир дарахт
Илдизи заминда - қўл чўзик.
Атрофи гиштинкор деворлар
Қумриска киролмас йўл тўсик.

Қимларга эргашса бўлади?!
Шамолга эргашса - алдоқчи,
Қушларнинг манзили ноаён,
Мағрибнинг йўллари лой, балчиқ
Тутсами машрикнинг қўлидан
Етақлаб кетади у қаён?!

Охири болакай илжайди,
Ва жиддий чиқарди хулоса.
Масрур бир хаёлга эргашиб
Кетворди тонготар томонга.

...Сўнгги армон, сўнгги ўй
Сўнгги орзу битмайди.
Дунёнинг ташвишига
Битта умр етмайди.

ҚИШЛОҚ КУЗИ

Кўкда тўрғайларнинг хазин овози,
Хайрлашув онлари яқинмикин?!
Тоғ ортидан «йилт» этади нимадир,
Бу осмоннинг қиличи - чакинмикин?!

Тийрамоҳнинг даласида бир мотам,
Дарахтларнинг дарди кўчмиш япроққа.
Ношпудидан барг тўкилар бир тутам,
Дайди шамол оралабди чорбоққа.

Кўкда саноксиз юлдуз
милтирашиб боқади,
Тош таним бунда қолар
руҳим осмон йўлида -



Мен топмаган фароғат
бир туш бўлиб оқади,
Ох, қайтадан тирилдим
фаришталар қўлида.

Варрақлар ортидан
Мустар боқар чол,
Болалар торқилаб
Кетишар олис.

Иплари чувалар -
Жумбоқди савол,
Кекса хаёлида
Орзиққан бир хис.



Нигоҳлар - бир нукта
Топган нимадир,
Атрофда кифт қоқиб
Уйғонар ҳамал.

Ху-у-ув, ўша адирлар
Азал кўхнадир,
Кечмишларин тўлиб
Сўзлашга маҳтал.

Варрақлар учади
Умрни хатлаб,
Турналар қайтади
Ўз уясига.

Чол топган - тутганим
Кафтда асраб,
Бойчечак узатар
Неварасига...



СЕНСИЗ

Кўзимга осмонлар тораяр,
Ташнаман меҳрга ютоқиб,
Кўнгилнинг бир чети қораяр,
Эритиб бўлмайди ўт ёқиб,
Сенсиз.

Асовдир хисларим тулпори,
Бўй эгмас, бетокат гижинглар,
Кўнгилда армоним - кўпқари,
Дилимни ғашлайди пичинглар,
Сенсиз.

Хувлаган боғимда хазонлар,
Лойларга қоришиб ётади,
Уйғониб кетаман азонлар,
Айрилик титали, —
Сенсиз.

Уйқумда йўқдир-ай халоват.
Йўллардан изингни излайман.
Сен қандай мўъжиза - муҳаббат,
Юрагим ҳовучлаб бўзлайман,
Сенсиз.

Ишққа қилдим ибодат,
Кўнглим, бергин шаҳодат,
Қилмиш ёр-ла сабо аҳд,
Дарчам чертди малоҳат.



Шукур ХОЛМИРЗАЕВ

Ш И М О Л Ё Ф Д У С И

Э с с е



Суратда: З. МАМАЖОНОВ

Муаллифдан: *Адабиётда бўлсин, ҳаётда бўлсин — умрим йўлида из қолдирган ШАХСлар ҳақида бир—бир эссе ёзиб қолдиришни илгаритдан ўйлаб юрардим. Унинг мавруди келдими дейман — узоқ йилдан бошлаб ёзишга тушдим. Чунончи, Одил Ёқубов, Шухрат ака, Абдуллажон Орипов, Ўлмас Умарбеков... Қурбон Амирқулов, Ҳимойиддин Шарафиддинов ва бошқалар ҳақида ёздим. Навбатда Менгзиё САФАРОВ бошлиқ бир қурум биродарларим туришибди.*

Ўзи шундоқ бўларкан: ҳикоя ёзсанг — ҳикоя ёзгинг келаверади, эссе ёзсанг — эссе... Кейин бир жойда тўхтайсан-да, бошқа ишга бош уриб кетаверасан.

Тутинган ишим, шогирд мақомидаги севиқли ёзувчим Зойир МАМАЖОНОВ ҳақидаям бир нима ёзишни дилимга тугиб юрардим. Мана, қозғозга тушиди.

Уни — марҳамат қилганлар — чоп этишар. Мен эсам ўз вазифамни бажардим.

Тошкент, 1999 август-сентябрь

— Зойир МАМАЖОНОВ билан таништираман.
— Деновлиқ Дон КИХОТни айтмаяпсиз-да...

1

Кунини кеча Олий Мажлиснинг Кенгаши тугаб, депутатлар тарқаб кетишди. Депутатлар... Ғалати одамлар-а булар? Халқ манфаатини ўйлашади: халқ билан ҳокимият ўртасида вакилдирларки, нуқул халқнинг эҳтиёжлари, дарди-хасрати, борингки, талаб-истакларини ҳокимиятга етказиши, уларнинг ижроси учун жон куйдиришади - агар шу ишнинг бирон бир жиҳати қутилганидек адо этилмаса, изтиробга тушадилар; халқнинг олдида уэр ҳам сўрайдилар, ҳатто буюртмалар мутлоқ бажарилмай қолса, вакилликдан воз кечадилар ҳам... Яна шуниси ғалатики, халқ депутати вакилидан мутлоқ норизо бўлса, ундан воз кечади ҳам... Чиндан ҳам ғалати одамлар-а булар?

Тагин денг, ушбу одамларнинг ўзлари ўша кийин - масжиддагидек таъмасиз ва беминнат хизматни гўёки, "сотиб оладилар": бу амалга эришмоқ учун кўп уринадилар - ўзлари каби эришмоқчилар билан рақобат қиладилар; шу асно халққа ваъдалар ҳам беришади, яъни, "сенинг оғирингни енгил қиламан", деб.

Булар қандай зотлар бўлди, а, биродари азиз? Ҳа, булар - истисно одамлар.

Қачондан бошлаб пайдо бўлди бундай одамлар? Хар ҳолда давлатчилик пайдо бўлганидан кейиндир-ов, ахир, давлат қонунларини яратиш ҳам шуларнинг вазифасига кирди-ку...

Антика зотлар!

Дарвоқе, ўтмишимизда - ҳали сайловлар урф бўлмаган замонларда буларнинг вазифасини "жебачилар" деган амалдорлар адо этишар экан: масалан, бир беклик-

ка тайинланган жевачи бекка эмас, балки амирга-хонга ва ...халққа ҳисоб берар экан: илло у халқнинг манфаатини ўйлар, халқнинг талабу истақларини, орзу армонларини ҳокимиятга етказувчи ягона шахс бўлар эканки, кези келганда, бекка ҳам бўйсунмас ва ундан-да тушган шикоятларни юқорига етказар экан.

Хўш, ушбу жевачилар ўшанда ўз вазифаларини қандоқ бажаришган ва бугунги кун Олий Мажлис депутатлари ўз вазифаларини қандай адо этганлари - бу бошқа масала...

Каминани шундай "истисно зот"ларнинг мавжудлиги кизиқтиради - каминга завқ-шавқ беради, одамзотнинг турфа-туманлиги ҳақида ҳаёлларга толдиради ва ўзи билган айрим "истисно инсон"ларни ҳам ёдига туширадики, ўшаларнинг ҳаётини-ижтимоий фаолиятлари ҳақида ўйлатиб, "Эй, ҳақиқатан, ҳам шундай одамлар ҳаётда бор. Тўғри, улар депутат эмас, бироқ бор-ку", деган хулосага етақлайди.

Мен ана шундай "истисно"лардан бири ҳақида фикр юритмоқчиман. Унинг исми - Зойир. Биз "Зойиржон", деймиз. Бобоси - Мамажон, отаси Фулом ака. Лекин у кишилар кўп йиллар муқаддам қазо қилиб кетганлар. Асли боғбон бўлганлар. Деновлиқларга хурмобоғ яратишни ўргатиб кетганларини нақл қилишади. Унгача хурмо жонивор Субтропик боғда етиштирилган... Мамажон бобо, Фулом аканинг бундай миришкорлигига сабаб - қатта боболари ҳам боғбонликка берилган, бунинг устига - Фарғона Ҳодийсининг бойваччаларидан бири бўлганлар. Демак, ҳу 30-йилларда жумҳурият оксоқоли Йўлдош Охунбобоевнинг фотиҳаси билан - сурхондарёликларга пахта экишни ўргатиш учун юборилган деҳқонлар сафида келиб қолганлар. Бироқ, тахмин



килиш мумкинки, “кулок” сифатида келганлар ва ерли халққа аралашиб, шу ердан уйланиб, том-тош қилиб қолганлар. У инсон оламдан ўтгач, Зойиржон синглиси Мавлуда ва укаси Зокир билан волидалари Ханифа аянинг кўлларида етимлик нималигини билиб-билмай вояга етишган. Хўш, Зойиржоннинг тоғасини биласизми - ким бўлади? Менгзиё Сафаров: ўша археолог - олим, журналист ва ёзувчи. Ха-ха, “Пайғамбар ороли” деган катта китоби ҳам бор.

2

Менгзиё Сафаров билан ТошДУда бирга ўқиганмиз, ўшанда дўстлашиб қолган эдик. Кейин у туғилган юртга кетиб, бир муддат мактабда муаллимлик қилди-ю, вилоятнинг “Илғор Сурхон учун” деган газетасига ишга ўтди; кейин унда маданият бўлимини бошқара бошлади. Ўшанда яна археология - қадимшуносликка шўнгиди ва Сурхондарёнинг мозийдаги тарихини энди бадий ва публицистик асарлар орқали вилоятдошларига, кейинроқ республика аҳлига ёя бошлади: биз - СССР тарихидан бошқа нарсани билмайдиганлар бу - Сурхон тупроғида икки минг йил бурун ўтган Юнон-Бақтрия подшоҳликлари ва Кушонлар империяси ҳақида ҳам дастлаб шу дўстимиздан эшитдик; бу масалада унинг “Она ер кўшиғи” номли илмий-оммабоп китоби ҳам Тошкентда чоп этилди; биз ана шундан кейин Массон, Пугаченкова, Сариянди каби қадимшунослар номларини билдик ва унинг-да асарларини ўқий бошладик...

Ана ўша кезларда камина Зойир Мамажонов билан танишган эдим.

3

Термизга бордим. Бу шаҳарга йўлим тушиши ҳамон Менгзиё билан Тиллани (Тилла Менглиевни) излаб кетардим. Менгзиёни редакциядан топдим. Ёнида ёшгина, келишган, коматини тик тутиб ўтирадиган, анча мағрур кўринишли йигит ҳам бор экан. Дўстим уни менга таништирди: “Ҳикоялар ёзади. Яхши ёзади. Қайсарлиги бор-у, “ничево”, ёш-да...” Теккина турган йигит қаҳқаҳлаб кулиб юборди... Кейин, уларнинг суҳбатидан билдимки, Шўрчи томонга қандайдир колхозга боришмоқчи эканлар: ўша колхоз еридаги бир тепаликни бульдозер билан суришганда, бульдозернинг тиши мрамар... хайкалга тегиб синиб кетган - ана шунинг хабари етган экан.

Жўрақулов деган акамиз газетага бош муҳаррир эдилар. Машина бердилар. Жўнадик... Ха, мен ҳам у юртни яхши кўраман! Бирок, Менгзиёнинг бу ўлкага муҳаббатини айрича эди: унинг ҳар қарич жойи ҳақида бир нарса дея олар, шимолдаги Боботоғ тизмаларининг анчайин чўққилари номини ҳам билар, у тоғ бағриларида жуда кўплаб танишлар орттирган эди. Ха, Менгзиё бу тупроқнинг нафақат мозийдаги тарихини, балки бу кунги киёфасини ҳам жонидан севарди: балки унинг бу йўридаги сезгилари ҳам бизга юққандир.

Биз Сурхон дарёсини ёқалаб кетиб борардик. Менгзиё бу дарёнинг асли номи Қизилсув бўлгани, илло юқори

ирмоқлари ҳамон шу номда аталиши, бу дарё Амуга қуйиладиган энг йирик сув экани, машхур Пайғамбар ороли эса Амударёнинг ўртасида жойлашгани, яқин кунларда у ерга боражагини айтиб кетмоқда эди.

- Ўша хайкал Бақтрия даврига тегишлими, Кушонлар давригами? - деб сўраб қолди Зойиржон.

У бемалол қулганидек, ўзаро суҳбатни ҳам бемалол буза олардики, мен унинг феълига кўника бошлагандим: умуман, ўзига ишончи кучли бўлган киши одамларнинг диққатини дарҳол торгади ва ўзига нисбатан бир ҳурмат ҳам уйғотадики, агар унинг мулоҳазалари жўяли бўлса, у билан ҳисоблашишга мажбурият сезасан.

Зойирнинг саволига жавоб мени ҳам қизиқтириб, Менгзиёга қарадим. Улар орқа ўриндикка ўтиришарди. Менгзиё менинг ҳурматим учунми, кўпроқ менга қараб тушунтирди:

- Чағониён... Чағониён подшоҳликлари даврига тегишли, Шукуржон! Афросиёб вайроналаридан чиққан деворий расмини кўргансиз. Тошкентда - Виставкада...

- Ҳа, ҳа, - дедим, девордаги оппоқ филлар ва ғозлар кўз олдимга келиб.

- Ана ўша суратда тасвирланган элчилар мана шу ерда ҳукм сурган Чағониён подшоҳлигидан боришган! Расмнинг пастиди оромий ёзувида битилган ҳам ҳам бор. Хатда шундай ёзилган: “Элчилар Афросиёбга соғва-саломлар олиб боришаётир...”

Менгзиё ҳамма вақт пафос билан - рухий кўтаринки пардаларда гапирар, гапларидаги теран ишонч кишида заррача шубҳа уйғотмас эди. Дарвоқе, Зойиржонда ҳам шундай ишонч мавжудга ўхшар, бироқ бу жиҳати ҳали намоён бўлмаган эди.

- Ифлослар, - деб бирдан сўкинди Зойир. - Бир парча бўлсам еримга ер кўшилсин, дейди-да! Пайкаллардаги тепаликларни бузмаслик тўғрисида юқори ташкилотларнинг ҳам кўрсатмаси бор, Шукур ака. Барибир бузишадди.

- Да. Бўлмасам ер етмаяптими де уларга, - деб пишанг берди Менгзиё.

- Ер мана шундан! - деб бўғзини кўрсатди Зокир менга. - Бари ўғринча ер. Алмашлаб экиш қоғозда... Менгзиё ака, шуни бир фельетон қилиб ёзайми?

- Шошилма. Олдин раис билан гаплашайлик, - деди Менгзиё. - Тузук одамга ўхшар эди... Шукуржон, Чағониён подшоҳларининг резиденцияси шу колхозда жойлашган. Реконструкция қилинган схемасини ҳам шу колхоз раисига берувдик. Бир мусулмонобод кунлар келса, ажабмас, тикланиб қолса, а? - Ўзининг хаёлпарастлигидан ўзи кулиб юборди. - Ҳазил. Лекин чем чўрт не шутить! Шукур, бу дунё ўзгармайди-я?

- Мустақиллик ҳақида гапиряпсизми?

- Ҳа!

- Менимча йўқ. Бунинг учун бир урушлар керак дейман...

- Да, - деди у яна. - Уруш ҳам ўлимга ўхшайди-я, қадрдон? Ҳамма нарсага нукта қўяди...

Раисни тополмадик. Аммо хайкални кўрдик. Сомон-

хонада ётган экан. Бир қўли синган Афродитага ўхшаб кетар, бироқ унинг Будда экани аниқ эди.

Мен ёмон таъсирланиб кетдим: “Тавба, бизнинг юртимизда шундай маданий ёдгорликлар бор-у, биз қандай қилиб Октябргача жоҳил ўтган халқ ҳисобланамиз?!”

Бу мавзуда Менгзиё билан кўп гаплашганимиз учун оғиз очмадим: биз энди осори-атиқаларни асраш-асраб қолиш ва келгучи авлодларга етказиш ҳақида гаплашардик: келажак авлод ўзи билади нима қилиши лозимлигини.

Зойир билан биринчи учрашувимиз шу тариха бўлган, кейин оилам билан келганимда - у уйига таклиф этган - катта ариқ устига қўйилган сўрида ўтириб Сурхоннинг қай бир ирмоғидан тутилган фарел - гулмои балиқларни егандик. (Ханифа ая балиқни саримсоқ эзилган сувга солиб қўйиб, кейин пиширарканлар: мен унақа ковр-ма балиқни ҳамон еганим йўқ). Кейин раҳматли Мамажон бобо ва Фулом ака экиб кетган хурмоларни томоша қилгандик.

Термизга кейинги келишимизда Вилоят Комсомол Қўмитасининг саркотиби бўлиб ишлаётган дўстим Тилла Менглиев айтдики: “Ҳайитбой ака сени Узунда - Нусратулла аканинг уйида кутаркан. Менгзиё Боботокқа кетган. Редакцияда Зойир бор. Хоҳласанг, ўшани ол. Сен билан ўтиришни яхши кўради”, деди.

Ҳайитбой ака Азимов - Вилоят Фирқўмининг Идеология қотиби ҳамда шеърпараст эдиларки, фалақнинг гардиши билан ака-укадек бўлиб кетгандик: у кишининг талабига биноан Термизга йўлим тушар бўлса, у одамга сим қоқиб қўйишим лозим эди: табиий, сим қоқиб қўйгандим. Нусратилла ака (Шоймарданов) эса - Сарносиё район Маориф бўлимнинг мудирини у киши ҳам бадиий ижодга дахлдор (ҳажвиялар ёзиб турар), инчунин бу киши билан ҳам оға-инидек бўлиб кетгандик. Хуллас, Зойиржон билан йўлга тушдик.

Нусратилла аканинг Узун кентдаги уйларида ўтирганимизда, шу ердаги “Янги рўзгор” қолхозининг раиси келиб қолди. У киши таги бойсунлик эканлар - дарров қаймоқлашиб қолдик. Бир маҳал уй эгаси қон чикармоқчи бўлдим, чиқиб кетди-ю, раис биз - Зойиржон икковни айланиб келишга таклиф этди.

У киши яқиндан бери раислик қилаётган қолхоз Тўпалангдарёнинг қирғоғида жойлашган, дарё ёйилиб - тармоқланиб оқаётган жойларда тўқайлар, ёввойи тоғзорлар бор, у ерда шақол ва тулкилар ҳам сероб экан; раис бизни ўша томонга бошлаб борарканлар, Зойир у кишига нимадир деди-ю, бизнинг юртдош:

- Ҳа, тўғри айтасиз. Чолди бир зиёрат қилиб чикайлик, - дедилар.

- Шукурвой, биздан олдин раислик қилган чол бор. Шу қолхозни ташкил қилганлардан. Кўп миришкор дехқон-да...

- Кирайлик, - дедим. - Бематол бўлса...

- Ҳа, малоли борми, - деди раис. - Лекин, Шукурвой, Тошкан сизга таъсир қилти. Парғоначилардай милойим бўлсиз.

- Ҳа, энди нуқси уради-да, - деб қулди Зойир.

“Москвич”ни бир баланд дарвозага буриб тўхтатдик. Тушдик. Ичкарига кирдик-у, Тошкентнингми, Фарғонанингми бир ҳовли-боғчасига киргандек бўлдим: ўнгда узун иморат, беш-олти қадам наридан кўтарилган ишқом томга чиқариб юборилган. Ишқомнинг у ёғи - анорзор... Айвонда барваста, суяги бузуқ бир чол хивич йўниб ўтирган экан. Бизни кўриб бақрайиб қолди-да, қандайдир жовдираб ва қалтираб ўрнидан турди. Бўйи икки метрлар келар, чўққайганроқ елкаси роса кенг, ишонинг-ишонманг, тасаввуримиздаги босмачи бошлиқларига ўхшаб кетарди: бу гапда ҳазил йўқ - ўша пайтларда йнгитлар чиндан ҳам йирик бўлган, дейишади. Аммо қариянинг ғарибона қиёфаси ва вужудидаги титроқ “ўзиникига ўхшамас” эди.

- Хўш, кўрдик (лаб), - қолди чол.

- Сизга язувчиларди апокелдим, - деди ёш раис.

- Қадамларига ҳасанот... - Айвондаги чорпоёга ўтириб, фотиҳа ўқиганимиздан кейин пастга тушиб, мунгайди. - Уйдагилар Термизга кетишган. Неварани олиб келишмоқчи...

- Ўқийётган неварангиздими? - деди раис.

- Шуни-да, - деди чол. - Қийналиб қолдим. Ўқимайман. Стипендиямни узиб қўйишди, деб хат ёзибди. Мен ўзимиздан орттириб бир нима юбора олмасам...

Мен ғоятда ҳайрон қолдим: ўзи шу қолхозни тузганлардан бири, ветеран бўлса, наҳотки йиғиб-териш қўйган нимарсаси йўқ бўларкан? Ёлғон гапирётганга ўхшаймади. Ажаб, бу ўйларимни Зойиржон фахрлаб тургандек тақрорлади:

- Э, одам ишонадиган гапни гапиринг, отахон, - деди.

- Раисликдан кетганингизга бир йил бўлгани йўғ-у, мундай деб ўтирибсиз? Нима, неварангиз ёмон ўқирмиди?

- Э, билмайман-е... - деди чол ва... кўзига ёш олди.

Кўпроқ менга қараб ҳасрат қила кетди: - Мана, ёш раис - ўзимнинг шогирдим. Агроном эди. Ўзим шуни жойимга раис бўлсин, дедим, ўғлим. Хафа бўлмасинлар-у, бир йилдан бери энди қадам қўйишлари... Бизни одамга ўхшатиб пенсияга узатишади, деб ўйлагандик. Йўқ, ундай бўлмади... Пенсия ҳам зўрға етади. Биз денг, айрим раисларга ўхшаб уни-бунини йиғмаган эканмиз. Қилганимиз шу уй, шу боғча. Анорларни ҳам Қувадан келтирганман. Биз яхши ниятлар билан иш бошлаган эдик. Ўша маҳалларда бу ерлар тўқайзор эди. Тўғғиз, тустовуқ кўп бўларди. Чивини ҳам жуда кўп эди. Ёзнинг иссиғида ҳам чопонни ечмай ўтирар эдик...

- Пирмат ота, сизга нима керак? Дардингизни айтинг, - деди раиси хотиржамлик билан. - Пенсияни кўпайтирамиз. Хўш, институтга телопон қиламиз, неварангизнинг стипендиясини тўғрилашади. Бошқа нима талаблар бор?

- Талаб йўғ-у, охирида хор бўлди-да, - деди чол.

- Э қизиқ гапларни айтаёсиз, отахон, - деб қулди ёш раис. - Гуриллаб кириб бормайсизми идорага? “Улим, гап шундай-шундай. Анову укағар менга салом бермай қўйди, яки гапимни икки қилди”, деб! Биз ундайларнинг бутини йиртиб қўймаймизми! Нима дедингиз, Шукурвой?.. У яғини сўрасангиз, бу ернинг эли ўзи - Пир-



мат отанинг эли. Нимасига хор бўлар эканлар? Тўй-ҳашамларда тўрда ўтирсалар...

- Э, энди, - деб мингирлади чол. - Одам қаригандан кейин иззатталаб бўлиб қолар эканми, ёки... кўнгли бўшашиб қолар эканми, ўғлим, ўзимам билмайман. Шу денг, - яна менга қаради, - уйдан кўчага чиқишга уялман. Бир замонлар от миниб чиқар эдик...

- Мен тушундим, - деб юборди шунда Зойиржон томдан тараша тушгандек қилиб. - Отанинг кўнглига қаралманти-да, раис бова! Хўп дезайеринг!

Раис тек қолди-да, менга зимдан қаради. Кейин мийиғида қулимсиради.

- Ха, энди, ўзбаки зўраки дегандай, биздан ҳам ўтган бўлуви мумкин.

- Бу - бошқа гап.

Раис энди Зойиржонга пастдан (унинг бўйи Зойирнинг бўйидан бироз пастроқ эди) қаради-да, яна мийиғида жилмайди.

- Сизниям бир томонингиз парғоначиларга кетади-я. Мамажонов? - деди.

Зойирнинг кўзи чакнаб кетди.

- Ха, сизга адабий тилни берганларга қараб кетади, - деди. Сўнг менга ўдағайлаб сўради: - Шукур ака, сизнинг хотинингиз - бизнинг янга қаерлик?

- Марғилон томондан, - дедим.

- Менгизия аканинг аяли Тошкандан, - деди у. - Шундай, раис бова. Мулоимларга қўшилган жойимиз кўп... - Кейин бирдан гижиниб, жаврай кетди: - Ха, ўзбекнинг шўри кўрисин. Шукур ака... Сизлар бу элнинг боши қачон бирикади, деб юрасизлар. Қачон бу юрт мустақил бўлар экан, деб орзу қиласизлар... Мана, битта рахбар раиснинг гапи. Муомаласи. Даражаси... Э, кетдик-э! - деб юборди кейин менга. - Тўқайзор керак бўлса ўзим кўрсатаман сизга... Пайгамбар оролига обораман! - Шундай деб қутилмаганда шундай қаҳ-қахлаб кулиб юбордики, бу кулгига жўр бўлмаслик мумкинмас эди. Кейин бирдан интилиб, қариянинг кифтини силади. - Хафа бўлманг, ота. Раислар сизни йўқламаса, биз ўзимиз йўқлаб турамыз. Омон бўлинг... Лекин кўнглингизни бўшаштирманг. Биласизми, ўзбекда қандай мақол бор? Дарахтнинг бўшини қурт ейди доим...

Мен томоқ кириб ва қовоғимни солиб, Зойирнинг гапини қувватладим:

- "Кўнгли бўш аёл ғар бўлади, кўнгли бўш эркак хор бўлади", деган мақол ҳам бор.

- Хе, мақол айтсак, мақол кўп, - деди раис. - Ха, майли, отахон... Биз ҳалига нақазларингизни бажарамиз. Институт, стипендия, пенсия...

Зойир-сира бўш келмас эди.

- Отанинг кўнглига қараш...

- Ха, шу ёғидан сал хато кетипиз. Тушундик ҳисоб... Кани, Тўпалангиди бўйига тушамиз, отабой?

- Ха, ўзларингиз яйрангизлар...

Чолнинг гапи оғзида қолди. Зойир ака кулиб юборди.

- Кўй сўйилди ҳисоб, раис бова! Ўпка-бовуриям қовурилиб бўлгандир. Шукур акамнинг қорни очди... Тўғрими, ака?

- Шундай десаям бўлади, - дедим. - Эса бу келишимиз ҳисоб эмас, отахон...

Чол, ниҳоят, илжайди.

- Бизниям бундай меҳмон қутганимиз ҳисобмас...

- Э, яшанг! - Зойир чолнинг яна елкасига қокди. Кейин бемалол дарвозага қараб юрди.

Ишонинг-ишонманг, менинг бу йигитга ҳавасим келиб кетди: ўзини туттишига қаранг. Ўзига ишончини кўринг-э. Амали - ниҳоят вилоят газетасида ходимлик...

Нима бало, тўғри сўз дегани одамни шунчалар кўтардимиз? Мағрур қиладимиз?

Вей кимдан - қачон ўрганган бу йигитча... мундай терс, мундай тикка муомала қилишни? Тагин кимга? Арбобга... Тавба, киприги пирпирамайди-я. Агар "кўпол" дейиш керак бўлса, "кўполликда" раис бувани қочирай экан бу...

Мен Зойирни беихтиёр суйиб кетдим ва унга ичичимдан суянишим лозимдек туюлди.

4

Кейинги йил эди шекилли, Зойирни яна бир кузатишимга тўғри келди.

"Термизга борсам...", "Термизга йўлим тушса...", деб гапиряпман-у, ушбу вилоят марказига "йўлим тушиши" хийла мушкул кечарди ўша вақтларда: Термиз - ёпик шаҳар саналар, унинг ёнгинасидаги қишлоқда яшовчи муңкиллаган кампирнинг ҳам "собес"га бориши учун ички ишлар маҳкамасидан рухсатномаси бўлиши керак эди; ичунин мен ҳам Тошкентда маъмурий идораларга югура-сла юртга боришга рухсатнома олардим.

Шунинг учун кўпинча Тошкентдан Душанбега - самолётда учиб бориб, у ёқдан автобус ила (Денов орқали) Бойсунга ўтиш - менга ўнғай ҳисобланарди.

Душанбеда самолётдан тушиб, автобуслар бекатига борсам, бир-иккита жуда яқин танишларим Деновгача такси заказ қилиб, нақ бир кишини излаштириб туришган экан. Ўша киши мен бўлиб чикдим, жўнадик. Ҳалемай Регардан (чегарадан) ўтиб, Сариосиёга, ундан Деновга етдик. Ўша ерда бир тамадди қилмоқчи бўлиб бозорга кирсак, шу ерлик ёзувчи Чори Ёкубовни учратиб қолдим. У билан ҳам яқинлигимиз бор эди. Бизни ошхонага таклиф қилди.

Эсимда: бир қўлтиқ равоч-чуқури олиб кириб, этини пўстидан ажратиб, тузга тегизиб олиб еяётгандек. Бир исқирт болакай тиланчилик қилиб келиб қолди. Жуда ҳам юпун, ялангоёк, башарасини чирк босиб кетган эди.

Менинг бундай зотларни кўришга тоқатим йўқ (баъзан соатлаб кузатишдан зерикмайман...) шунинг учун унинг тезроқ кетишини истаб чўнтак қовлагандим, дўстим Чори Ёкубов: "Шошманг, Шукур. Олдин битта шеър айтиб берсин", деди.

Болакай шеър айтиб беришга ўрганиб қолган экан шекилли, сира иккиланмай бақириб айта бошлади:

"Биз - бахтиёр пионер,

Қурашларда қўркмас эр..."

Этим жимирлашиб, ўз-ўзимдан уялиб кетдим: болакай пионер эканини, ундан бахтиёр инсон йўқлигини айтиб, қўлини... узатиб турарди. Шунда тепамизда бир зот пайдо бўлди-ку!

Зойир... Ха, Зойиржон экан.

- Ма, жўна бу ердан, - деб болага битта қизил ўн сўмликни берди-да, кетига уриб қўйди. Боланинг кўзлари ўйнаб кетган, пулни тутиб турарди.

Кейин Зойиржоннинг кўзи ёшга тўлгандай ғилтиллаб... бизни бу ердан қўзғатди.

- Туринглар, Шукур ака! Пашшага таланиб нима бор... Анавундай тойчоқларам настроенияни бузади... Юринглар. Тўғри Бойсунга кетасизларми ё келдингларми?.. А-а, бўлмасам бир йўла кузатиб қўямиз. Кетдик, Чори ака!

Бозордан чиқсак, Менгзиёнинг мактабдош дўсти, дўстимиз туфайли дўстлашиб қодганимиз Ўроқвой бир оқиш "волга"ни ҳадеб артаётган экан. Бизга кўзи тушиб, бақриб юборди:

- Кадрдонлар бу ерда экан-ку!

- Бўшмисиз? Капирниханни бўйига хайданг. Шукур акаларни кузатиб қўяйлик, - деди Зойир.

- Албатта кузатиб қўямиз-да! - деди Ўроқ, - Кани, мининглар!

Катта йўлга чиққунимизча уларнинг яна бир-иккита танишлари учради. Уларни ҳам машинага олишди.

Хуллас, дарёга яқин бир анҳор устига қурилган чойхонагами - ошхонагами бордик.

Емакхона мутасаддилари Зойирни танишар экан - дарҳол бир хос хонага бошлаб киришди. Иккита столни битта қилиб, ўтирдик. Шўрва, кейин тандир кабоб келди. Халигидан ҳам сузила бошланди... Бизлар боши очик хотин мақомида эдик: овқат ҳам, уям кетяпти... Зойир эшик томонда - пойгакда ўтирарди.

Бир замон сўриб-сўриб сигарет тортди-ю, кўзи яна алланечук ғилтиллаб, бозорда учратганимиз гадоёй боладан гап очди. Унинг эсимизда эканига иқроп бўлгач:

- Айтнинг-чи, Шукур ака, ўша бола қутилмаганда бир каттанинг ўғли бўлиб чиқса, н-нима... қилиш мумкин эди? - деб қолди.

- Мендан сўраяпсизми? - деб тайсалладим: мунақа қитмир саволларни хуш кўрмайман. Хусусан, Зойир айтдики, гашим ҳам келиб кетди. Зойир ҳолатимни сезди:

- Умуман савол, умумий, - деди. - Хўп, Чори акадан бошлайлик. Хўп, Чори ака?

Чори Ёқубовда табиатан ҳазилкашлик бор, аммо ҳазиллари тагида зили ҳам бўларди.

- Мен... мандан сўрасангиз, ука, мен сизга мурожаат қилар эдим, - деб юборди. - Ўша каттани битта фельетон қилинг, деб сўрардим. Жавоб қаноатланарлими?

- Отангизга раҳмат, - деди Зойир. - Хўп, мехмонлар, сизлар-чи?

У даб-дурустдан менинг бойсуғлик танишларимга мурожаат қилди. Уларнинг биттаси район газетасида ишлар, ўлгудек порахўр, саккизта фарзанди бор; бир нима десанг, "Болаларим оч!" деб бақриб юборарди-

да, шу билан ўзини оқларди.

Ана шу йигит жавоб берди:

- Менми, Зойиржон? Мен... сизга ўхшаб фельетон қилиб юрмасдим. Бошимга бало орттириб... Шунчаки, уйига қўнғироқ қилардим. "Акажон, гап шундай. Мен ўзим жўжабирдай жонман. Етимчаларни кўришга тоқатим йўқ. Шунинг учун сиздан илтмосим шу: менга ўнгина минг сўм пул берасиз-да, болангизни кўчадан йиғиштириб оласиз. Агар шундай қилмасангиз, акажон, Кўзибой жарчига беш сўм бериб, жар чақиртираман. Хой, эшитган борми! Фалон катта пистон ўйнашидан орттирган боласини кўчага ташлаб қўйибди..."

- Тушунарли, - деди Зойир. - Яна ким айтади?

- Э, ўзинг айт-да, - деди Ўроқ. - Бошни қотириб нима қиласан, Зойирбой!

- Ўзим айтсам... - деб ўйлашиб қолди Зойир. - Сизниям гапингиз тўғри... Шукур акам - биламан - биз қиладиган ишни қузатар эдилар. Шундайми, ака?

- Ха, энди, бир ҳисобда шундай... Хўш, бу гапни айтишдан муддао нима?

Зойиржон чаккасини қашиб:

- Муддао борлиги бошқа нарса, - деди. - Шуни айтмоқчиман, ака... Гап шундаки, ўзимизда Маматқул боғбон деган бир чол бор. Ўроқ ака билса керак. Чори ака, сиз ҳам... Ана, деновликлар билишади. Мана булар ҳам... Энди денг, ака, шу чол боғни қўриқлаб юрса, ўғри тушган экан, кўриб қолди. Маҳкам ушлабди. Додвойига қарамай колхоз идорасига судрабди. Ўғри - раиснинг яқин одами экан... - Чори Ёқубов ҳам, Ўроқ ҳам нимадалигини билишар экан: шама қилишди. Зойир менга қараб давом этди: - Раис жаноблари ўғрига чора кўрадиган бўлиб, чолни чиқариб юборибди-да, орқасидан бўшатибди. Пирказ чиқарибди... Чол ишсиз қолибди. Боғбон одамни биларсиз, боғдан айрилса мотам тутади. Чол ётиб қопти. Бир куни денг, дўхтирга бораётиб юраги безовта қилиб, шундай деворга суяниб қолибди. Шунда райкомнинг биринчи секретари ўтиб кетаётган экан, чолнинг аҳволини кўриб, мошинасидан тушибди-да, чолни суяб, "волга"сига ўтқазиб, бальнисага обориб ташлабди. Хўп, бу яхши иш. Олийжаноб иш... Чол уни дуо қилиб қолибди. Хурсанд бўпти, албатта. Кейин касалидан ҳам фориг бўлиб кетибди. Икки кундан кейин десангиз, уйига одам келиб раис чақираётганини айтибди. Маматқул чол идорага борса, бошқа приказ чиқиб турибди экан. Чол қоровуллигига вастанавить қилинган экан. Раис чолни ёнига ўтқазиб, қандайдир англашилмовчилик бўлгани, отделкадрдагилар ҳалиги приказни чиқарганини айтибди. Чол ҳам ўзида йўқ хурсанд бўлиб: "Ўзим ҳам ҳайрон эдим. Барака топинг", деб чиқиб кетмоқчи бўлибди. Шунда раис сўрай бошлабди: "Райком секретари ким бўлади сизга? Ростини айтнинг, ота. Нимага айтмасдан юрибсиз шу паллагача?.."

Бир ҳаммамиз қулиб юбордик: раиснинг сўроғиданоқ қарияни боғбонликка тикланиш сабаби аён бўлган эди. Аммо... Зойир қулмади. Йўқ - ундай эмас, мийиғида кинояли жилмайиб ўтирди-ўтирди-да:

- Мен шунини фельетон қилайми, хикоя қилиб ёзайми?

- деб мендан сўради: уни бошқаларнинг гапи қизиктирмас эди - бу кўриниб турардики, бошимга бир вазифа юкланди-ю, уни бажаришим шарт каби, ақлимни пешлаб:

- Менимча, ҳикоя қилиб ёзганингиз маъқул, - дедим.

- Мен ҳам шу фикрдаман - деди Зойир мендан кўз узмай, гўё атрофида ҳеч ким йўқдек. - Лекин, нима қилайки, ака, ўйласам, ичим ёниб кетади. У қандай раҳбарки - раисни айтаяпман - халқнинг отасики, бир ўзидан қолган фақир қоровулга ёрдами теккани учун нималарнидир таъма қилаяпти.

Шунда кимлардир нималардир дейишди. Зойир кескин рад этди:

- Бу ерда таъма бор: ўша райком секретарига яқинлашиш истаги бор. Унга суюмли бўлгиси келяпти... Бўлмасам чолни бир капейкага олмайди. Холбуки, ана шу чол ҳам - ўзининг фуқароси, а? Бунинг устига, ишонасизми, ўша раис - район ҳам эмас, область Советига депутат...

- Депутат, депутат, - деди Ўрок.

- Э, депутат бўлиб гўр қилармиди, - деб қўйди Чори Ёқуб.

- Хоҳласа, кўп ишни қилиши мумкин-е, - деб эътироз билдирган бўлди менинг райондошим.

- Ха, - деди Зойир. - Ана бу гапингиз тўғри... Хоҳласа! У хоҳламайди...

- Шунинг учун фельетон қилиб ёзсам-чи, ака? Ахир, халқ билсинда, раиснинг қандай одамлигини.

- Ихтиёр ўзингизда, - дедим. - Аммо яхши бир ҳикоя чиқар экан, Зойиржон.

- Биламан, сиз ҳамма вақт ёзувчи сифатида қарайсиз ҳаётга...

- Сиз-чи?

- Мен ҳам шундай-у...

Шунда менинг райондошим бирдан қизишиб, ўзини Зойиржонга жуда-жуда ҳам яқин олиб сўзлай кетди:

- Зойиржон. Биламиз, Шукурга яқин укаси. Шогирди десак ҳам бўлади. Сиз устозингизнинг айтганини қилинг... Фельетон ёзманг! - У бемалол столга мушт урди. - Ёзманг, ука! Биринчидан, фельетон ёзиш билан ҳеч ким ҳеч маҳал обрў топмаган. Охири хор бўлиб ўлиб кетганларни биламиз. Кечирасиз, ука... Ориф Юнус деган фельетончини эшитганмисиз? Яна Алиев дегани ҳам ўтган... Одамларни зириллатган. Охири вой бўлган...

- Менинг охири "вой! бўлмайди, - деди Зойир сира-сира иккиланмай. - Ўша фельетончиларингиз хор бўлишган бўлса, ўзлари иккиюзламачи бўлишган. Мен ҳам биламан уларнинг тақдирини... Улар, - Зойир ўрнидан туриб кетди, - заказ билан ёзишган. Халқ безиб қолган экан улардан... Шунинг учун халқ ҳам ҳорма демай қўйган... Тўғрими, Шукур ака?

- Тўғри, - дедим. - Лекин ҳар қандай нарсани ҳам, масалан, ҳикоя бўладиган нарсани ҳам фельетон қилмасангиз, ука...

У парда тортиғлик деразага қараб турди-да:

- Майли, бу гапингизни оламан. Аммо фельетон ёзавраман, - деб жойига ўтирди.

Йиқилган курашга рўймас деганларидек, ҳамшаҳар шеригим энди Зойирга табассум билан бокди.

- Зойиржон, сиз ажойиб йигитсиз, - деди. - Эшитиб юрардим. Лекин дуч бўлмагандик. Мана, дастурхонингиз устидамиз... Мен Шукур акангиз билан тенгман. Мен ҳам кўп фельетонлар ёзганман... Аммо бир нарсани билинг: бу билан ҳаётни тузата олмайсиз.

- Нима? - Зойир унга тикилиб қолди.

- Ҳаётни, одамларни фельетон ёзиш билан тузатиб бўлмайди, - деб такрорлади собиқ фельетончи.

- Бўмасам, газетадаям ишламай қўя қол денг, - деб ўдағайлади Зойир.

- Йўқ. Ишланг. Қаламингиз яхши, ўткир, - деб давом этди тажрибали газетчи. - Аммо, дўстим - укажон, яхши, ёқимли нарсаларни кўпроқ ёзинг, а? Ўша райком секретарининг ўша иши - зўр бир олийжаноблик-ку? Тўғрими?

- Тўғри эмас, - деб пўнғиллади Зойир.

- Нимага?

- Оддий, инсоний бурчини бажарган, холос... - Зойир энтикиб кетди. - Ҳатто "бурчини бажарганига" гумон қиламан, - деди. - Ахир, шопирига айтиши мумкин эди-ку: "Анави чолни кўтар. Опке бу ёққа!" деса, шофёр қилмасмиди...

- Э, гапни майдалаштириб юбордингиз-да, - деди бўлажак ҳамроҳим. Кейин менга қаради. - Бу одам ўзига келган гўзал бир шансни ҳам рад этапти. Тушундингиз-а?

- Райком секретарига яхши кўриниб қолишни айтаётисизми? - дедим.

- Шу-да, - кучаниб таъкидлади ҳамроҳим. - Мураса, мадора деган гаплар бор. Бунинг устига, у - раҳбар! - қўлини тепага кўтариб қўйди. - Арбоб...

- ...Ҳар боб билан уради дейсиз-да? - деди Зойир.

- Ха. Керак бўлса урадиям - қандайдир аччиқ шивирлаб деди шериги. - Халқ билмасдан бир нарсани айтмайди, ука... Сиз ёшсиз. Ўзингизни уйланг... Халқ сизсиз, менсиз ҳам яшайверади. Керак бўлса, халқнинг ўзи сизни қўйиб, ҳа-ҳа, сиздек тарафдорини қўйиб, анаву раҳбарнинг ёнини олади. Сиз ёлғиз коласиз... Мени айтди дерсиз! - деб хитоб қилди у. - Кўрганмиз бундай воқеаларни... Тавба, - деб майингина кулимсиради кейин. - Сиз ҳатто депутат ҳам эмассиз-а?

- Э, керак эмас менга депутатлиги! - деб юборди Зойир. - Мен... одам бўлиб яшашим керак! Билдингизми, ҳамкасб? - деб ўрнидан турди мезбон.

- Мана бу кўнғил оғримаслиги керак. Зиркираб оғримаслиги керак. Мени йиғлатмаслиги керак, эй, инсон! Мен бир ишни қиладиган бўлсам, халқ мени унутмайди, деб ўйлар эканманми? Қизиқ... Тушумга кирмаган гапларни гапиради бу киши! - Кейин бирдан шеригимнинг ёнидаги шеригимга, кейин бозор сиртидан қўшилган икки йигитга мурожаат қилди: - Сизларниям гапларинг борми? Айтиб қолинглар, мана Шукур акамиз ажрим қилиб берадилар кейин...

Улар бир менга қарашди, бир анави ҳамроҳимга, ҳамроҳим чуқур хўрсиниб бошини эгди. Кейин бир-бирига

гап бермасдан Зойирни инсофга чиқара бошлашди:

- Зойир жўра, баъзан ҳаддан ошириб юборасан... Душман орттираётганлигини биласанми ўзи? Начайлик мелиса пайинга тушиб юрганмиш... Бу меҳмон акамизнинг гапларида чуқур маъно бор, дўстим. Тушунадиган одам эканлар. Сени ўйлаб шу гапларни айтдилар...

- Бор гапларинг шуми? - деди Зойир ҳамон ўтирмасдан. Кейин бемалол сигарет тутатиб олди.

Унинг ҳовридан тушгандек кўриниши даврани вазмин торттирдими, улар энди шошмасдан фикр айтишди:

- Шу... Сен бизга кераксан, жўра... Э, халққаям кераксан, худо ҳаққи, сени одамлар яхши кўради. "Ҳақиқатчи", деб юришади... Энди бу ёғиға ўйлаб иш тут, Зойиржон.

- Мен Зойир учун ичаман, - деб ўрнидан турди шунда ҳамроҳим.

Зойир эса пинак бузмасдан:

- Мен сиз билан ичмайман, - деди. Кейин ўйланиб: - Ўтирмайман ҳам! - деди. - Қани, йўлдан кўшилганлар, сизлар ҳам туринглар. Бойсунлик акалар, сизлар ҳам... - Сўнг, бирдан тисланиб, кўлдини мен томонга чўзди. - Шу ердан шу ёқдагиларга жавоб! Хўш кепсизлар! Эшик очик!

Ҳамма қотиб ва писиб қолганди. Бу томонда ўтирган ўроқ билан Чори Ёқубга қарадим-да Зойирга бокдим. Шунда чап ёнимдагиларнинг секин кўзғалишаётганларини кўрдим. Гангиб қолдим-да, ўзимни босиб олиб:

- Зойиржон, менга ям жавобми? - деб сўрадим.

- Нимага? - деб бақириб юборди у. - Сиз - менинг меҳмонимсиз, акамсиз. Булар - ўткинчилар-ку... Бўлди, иззати битди. Яхши маслаҳатларниям эшитдик. Энди йўлларида қолмасин. Айтганларидай яшайверсинлар. Бировнинг ҳаёти бировга андоза бўлар эканми? Шукур ака, ўтиринг. Бўлмаса мен ҳам кетаман.

- Йўк, сиз қолинг, қолинг, Шукур, - деди тажрибали мухбир - биз қоронғи тушмасдан астановкага етиб борсак...

- Сизларни ўроқ ака обориб ташлайди - деди Зойир. - Туринг, ўроқ ака. Бир марта хизмат қилсангиз қилибсиз-да...

- Э, майли. Бизга ҳеч қийин жойи йўк, - деб кўзғалди ўроқ. - Шукур, тез қайтаман! - Сўнг Зойирга айтди: - Пахта пунктига кўнғироқ қиламан. Жўралар келишган экан, дейман директорга. Мошинасини бир кеча минсак минибмиз-да...

- Шундай қилинг, - деди Зойир. Сўнг, четланиб, сигаретани чека бошлади.

Мен Зойирга кўз қисиб қўйиб, бойсунлик танишларимга эргашиб чиқдим.

Машина ёнида хайрлашарканмиз, танишим:

- Шогирдингизнинг келажаги порлоқ, - деб ҳиринглади. - Жуда ўсади. Илоий уни кўриш бизга насиб этсин... Эртага Бойсунга борасизми! Ёки Термизга...

- Билмайман, - дедим: чиндан ҳам билмас эдим, илло юртга келгандан кейин тўрт тарафинг қибла-да... Охири, уйга борсанг, дамингни олиб ўйласанг...

(Менинг бу одатим кейинчалик - машина мина бошлаганимдан кейин одатий ҳолга айланиб қолди. Тошкентдан, масалан, бугун йўлга чиқсам, бир, ҳафтадан кейин Бойсунга етиб борган пайтларим кўп бўларди).

Хужрага қайтиб кирдик. Уч ёзувчи қолган эдик. Бундан икки минут олдин кечган воқеа ҳақида гап кўзғамасликка ақлимиз етарди, албатта. Тилла Менглиев ҳақида, Хайитбой Азимов, Менгзиё ҳақида гаплашдик: уларнинг кайфиятларини сўрадим ва беихтиёр шу кеча Термизга кетадиган бўлдим. Термизда туғишган акам ҳам яшарди. Ўшанинг уйига бориб ётишимни айтдим.

Зойир изимдан акамнинг уйига кўнғироқ қилиб қўядиган бўлди... Ўроқ келди. Гуриллаб...

- Менгзия билан ҳам гаплашдим. Тўғри уйига обораман сизни, - деди.

Ташқарида - йўл бўйида хайрлашаётган чоғимиз (емакхона мутасаддилари ҳам ёнимизда) Зойир:

- Шукур ака, бир минутга, - дея мени яна-да четроққа тортиди. Кейин хўмрайиб ва бир хўрсиниб олиб: - Кечирасиз, землякларингизни ранжитдим, - деди.

Шунда унинг ҳам, ўзимнинг ҳам мутлақо хушёрлигимга хайрон бўлдим.

- Энди, ака...

- Ҳа, ранжишга ранжишди, - дедим мен. - На чора... Лекин, Зойиржон, сиз слишқом ҳақиқатпараст бўлиб кетяпсиз. Бу яхши.. Аммо "ҳақиқатни манаполиа қилиб" олманг-да.

- Нима-нима?

- Ҳақиқатни... Уларнинг ҳам гапларида жон бор, ука. Мен, масалан, ука, умримда биттаям фельетон ёзмаганман... Ҳим, айтганингиздек "қузатишни" ҳам яхши кўраман. Аммо бу деганим - бетараф, холис қолишимни англатмайди. Биласиз...

- Сиз ёзганда ёнасиз...

- Раҳмат. Мен, ҳарқалай, ёзувчиликнинг энг муҳим қоидаларига амал қилгим келади.

- Ака, мен ҳам биламан, - деди Зойиржон бирдан қизишиб. - Шафқатсизлик билан тасвирлашнинг, жойи келганда, бетараф қолишим билан, ака. Ўргандим... Масалан, Менгзиё ака ҳам ўзи кўрган, билган, гувоҳ бўлган воқеалар ҳақида кўпроқ ёзади. Шунинг учун у кишиям воқеаларга аралашиб кетганини билмай қолади... Ишонинг, ака, бадиий асар ёзаётганда, одам бошқача бўлади...

Менга туйқус тикилиб қолди ва бирдан қувнаб, ҳатто жилмайди:

- Ҳалиги воқеани ҳикоя қилишни ўйлаб ўтирдим ҳали. Охирини топдим ҳам... Айтиб берайми?

- Менга ўша керак, - дедим.

У шундай айтиб берди:

- Чол ишга тайин бўлади. Яна боғбонлик қила бошлайди. Лекин раиснинг муомаласи сабабини ҳам яхши тушуниб олади. Хўп, райком секретарига қариндош бўлмагани учун яна ўша-ўша - Маматкул чол бўлиб қолганини тушунади. Демак, энди ўзига эҳтиёт бўлиши керак: раиснинг яқин одамлари билан муроса қилиши керак. Лекин... яна бир куни кўрадики, худди ўша йи-



гит боғдан бир машина ўтин билан чиқиб келаяпти. Шартта йўлини тўсади...

- У бу ишни билиб қиладими ёки.. олдинги сафаргидек беихтиёр қиладими? - деб сўрадим.

- Беихтиёр-да, ака, беихтиёр, - деди Зойир шовкин солгудек овоз билан. - У шундай одам-да. Табиатан... Халқнинг мулки деб биледи бу боғни. Ўзи - қоровул-боғбон.

- Табриклайман, - деб қўлимни узатдим. - Яхши... Чолингизни янаям яхши кўриб қолдим. Ха, у шундай қилиши керак... Ана шу ерда нукта қўйганингиз ҳам яхши. Бу - ҳикоя! - Кейин аста сўрадим: - Қанақа қилиб ёзасиз? Усулини сўраяпман. Хотиржамроқми ёки бир-ярмини ҳақорат ҳам қиласизми?

- Ҳе, нима қилса - китобхон қилади, - деб жавоб берди Зойир. - Мен четда қоламан...

- Бу бошқа гап. Зойир, барибир сиз ёзувчи бўласиз... Яхши ёзувчи маъносида. Аммо, жон ука, тезоблик қилманг. Тез кетманг. Сизнинг феълингизиям, дунёга қарашингизиям мана шу ўтиришдаги хатти-ҳаракатларингиз кўрсатиб қўйди. Мен аминманки, анавулар ўрнида бошқа кишилар бўлганида, бошқача хафа бўлишарди... Бошқача тушинишарди. Масалан, ичиб олса, меҳмонниям ҳақорат қиларкан, деб айтгучилариям чиқарди. Мен бунга ишонаман: одамни бадном қилиш учун уни арокхўр денг, ўтиришда тўполон қилди, денг. Аччиқ ҳақиқатни очик айтган бўсангиз ҳам, бизни ҳақорат қилди, деб туриб олишарди... Бунақа воқеалар бўлиб турибди-ку?

- Кў-ўп. Ҳар қадамда. - деди Зойир ва яна қувнаб сўради: - Ҳикоя маъқулми?

- Маъқул. Ёзинг.

- "Шарқ юлдузи"га обораман. Кейин ҳам фикр айтарсиз?

- Чиксин-чи.

(Ҳикоя "Муюлишдаги эшик" номи билан "Шарқ юлдузи"дамас, "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасида (1986 йил, 23 октябрь сонисида) босилиб чиқди ва келгуси йили - йиллик наср муҳокамасида яхши баҳо олди. Аммо унғача...)

5

Менгзиёнинг овозида "Қалай, кадрдон?" дейишидаёқ сезиладиган пафосдан асар ҳам йўқ, унинг ўрнини ботиний алам ва нафрат эгаллаган, худди бу кайфиятига мен ҳам айбдордек, зўриқиб:

- Зойирбой қамалиб қолди-ку! - деди. - Қамашди... Биз: "Бир-икки кунда чиқариб юборишар, дев уриптими", деб-кутиб юрдик. Сизгаям хабар бермадик, дўстим... Мана, бугунга келиб, суд бўлади. Прокурор сак-киз йил сўраб турибди...

Мен гўё тилдан қолгандим. Менгзиёнинг анчайин гаплари деновлик - дўстларнинг ҳолатини англашиб бўлган, аммо Зойирнинг... бу ёруғ оламдан ажратиб олиб, қандайдир қоронғу хужрага тикиб қўйилиши - сира ақлимга сизмасди: у қандай қилиб ўтирган экан? Чидаб... Дод деб бошини деворга ураётгандир-ов... У ахир, ўзи қиладиган ишларнинг ҳақлигига мутлақо ишонар, халққаям

ишонар эди... Шошма, балки бирон сабаб билан...

- Нима бўлди ўзи? - деб сўрадим.

- Нима бўларди... Фельетон-да, - жеркиброқ деди Менгзиё. - Амалдорларнинг нозик қалбларини ранжитган-да бу хумпар... Энди, Шукурвой, тезда етиб келмасангиз бўлмайди. Зойирдан ажралиб қоламиз. Ҳали ёш нарса...

"Ха, уни синдиришади", деган гап тилимга келди-ю, дарҳол ғойиб бўлди: у руҳан синмайди. Унинг қовурғаларини синдириш...

- Менгзиё, қачон етиб боришим керак? - деб сўрадим, илло Термизга кириш ташвиши эсимга тушиб кетган эди.

- Эртадан кечикманг, - деди у. - Билетни тўғри Сариосиёга оласиз. Денов билан ора бир қадам. Биз сизни аэропортда кутиб оламиз.

- Э, Сариосиёга самолёт учадими-я?

- Албатта.

- Бўпти. Биринчи рейс билан етиб бораман.

- Ўзи иккита рейс бўлади. Биринчиси соат ўнларга етиб келади. Биз аэропортда бўламиз.

- Кўришгунча...

Эрталаб биринчи рейс учиш ҳақидаги гапларим ўз-ўзидан оғзимдан чиқиб кетди: Менгзиёнинг гапини икки қилишим ёки унинг мен айтган гапини ерда қолдириш - орамизда истисно ҳоқиқа эди, афтидан, шу "истиснолик" менинг беихтиёр жавобимга биринчи сабаб бўлганди; иккинчи сабаб-табиий Зойирдан ташвиш эдики, унинг мушуқлини қандайдир (даражадами?) осон қилиш учун боражагим, ниҳоят, ўзимга англашиларли бўлиб, бу ишни қандай қилиб амалга ошириш ўйи борлигимни қамраб олди.

Худдики ўзим бемалол киришим мумкин бўлган мевали боғ ёнидаман-у боғ эшигини тополмасдан гангиб турганга ўхшардим.

Шунда "суд, прокурор..." сўзлари тилимга келиб, юрагим сиқилиб кетди: уларга нима деб қираман?

Нима мен - кимман ўзим... улар учун? Шунчаки Тошкентда яшаётган ёзувчи юртдошлари...

"Йўқ, уларга учрамайман", дедиму, Ҳайитбой ака кўз олдимга келдилар; аммо шу оннинг ўзида воҳада эгасиз қолган кимса ҳолига тушдим: Ҳайитбой Азимов менга қисман маълум сабаблар натижасида (уларни ҳеч кимга айтмайман...) Сурхондарёни тарк этган, шу кунларда Андижон биқинидаги Наманган шаҳрида "Горком секретари" бўлиб ишлаётган эдилар.

"Тилла бор-ку! Маслаҳат сўрайман! - Ўшанда Тилла Минглиев Сариосиё район партия комитетининг биринчи котиби бўлиб иш бошлаган кезлар эди. Ха, - Сариосиё - Деновга чегарадош район... Уни топаман, албатта".

Ана шу қарорга келганимдан кейин кўнглим, бироз жойига тушиб, миям равшан тортгандек бўлди: Нусратилла акаям эсимга тушдилар, тагин бир азиз одамим...

Эртаси Сариосиё аэропортига бориб тушсам, панжара тўсиқ ортида Менгзиё билан Чори Ёқуб туришибди. Кўришдек, ачомлашдик. Ва орамизда Зойиржоннинг

йўқлигини (Фофур Гулом урушда дом-дараксиз кетган ўлини эслаб, “дастурхон устида... излайман кимимни, аллаккимимни”, дегани каби) ҳис этиб, машиналар тура-диган йўлга чиқиб олдик-у, Менгзиёнинг эски, аммо жони каттиқ “Москвич”ини кўрдим. Қарасам, улар тўғри машинага боришаётибди: худди бир жойга но-нуштага мени оборишадигандек...

- Шошманг, Менгзиё, - дедим. - Ҳозир қаерга борамиз? Менга яхшилаб тушунтиринг.

Менгзиё менга қараб:

- Райкомга-да - деди. - Жаббор Чориевичнинг гап-гап... Биласиз-ку, кадрдон?

“Райкомга... Албатта райком ҳал қилади-да, ҳал бўлмайдиган масалаларни ҳам! Бу маълум-ку?..”

- Жаббор Чориевич... Ҳалиги кичкинагина одам-а? - деб сўрадим.

- Ўша киши! - хитоб қилди Менгзиё. Кичкина бўлсалар ҳам, о-о, Деновни ўтириб турғизади... Э, танийсиз. Яхши танийсиз! Ҳайитбой ака билан у одамнинг уйида ҳам ўтирган бўлишингиз керак.

- Эҳтимол.

- Ҳозир как раз кабинетида ўтирибди, - деди Чори Ёқубов.

Райком биноси яқинида тўхтадик. Гулзор ёқасидаги ўриндикда ўтирган бир келинчақ ўрнидан туриб, бизга пешвоз чиқди. У йиғлайвериш қовоқлари шишиб кетган эди.

- Хуш келибсиз, Шукур ака, - деди.

Мен уни танимасдим. Менгзиёга қарадим.

- Зойирнинг синглиси, - деди Менгзиё ва менга таниш оҳангда унга дўк қилди:

- Йиғлама, Мавлуда... Ўтир. Кут. Дунё бедарвоза эмас, ҳей! Ҳозир қириб чиқамиз... - Кейин Чори Ёқубга қаради. - Сиз ҳам шу ерда қоласиз энди, Чоривой.

- Ҳа, мен қоламан, - деди Чори. - Сизларнинг гурун-га бошқа кишининг аралашмагани маъқул.

Жаббор ака катта стол ортида кичкина бўлиб (худди Мирза Кенжабекча бўлиб) ўтирган эканлар. Биз, қабулхонада қотиба кўринмагани учун тўғри бош қотиб хонасига “бостириб” кирган эдик. Бош қотиб бизни кўриб, менга ёрқин жилмайганча ўрнидан турди. Стол ёнига ўтириб: “Э, Шукурбой кептилар-ку!” деб қўл узатдилар. Кўришдим-у, кайфиятим хийла кўтарилди.

Ахир, бу киши билан Ҳайитбой Азимнинг бир неча даврасида ўтириб турганмиз. Жаббор ака шўх-шўх қулиб ўтирганлар... Ҳамон қулогим остида турибди. Ҳайитбой аканинг бу арбоб ҳақидаги Қаҳҳорона бир гаплари: “Кичкина бўлсаям - бутун одам. Бунга суянса бўлади...” Ана ўша гаплар ҳам ёдимга тушиб, у киши кўрсатган стулга чўқдим. Менгзиё рўпарамдан жой олди.

Хол-аҳвол сўрашганимиздан кейин Жаббор ака шўхчан қулимсираб:

- Ҳайитбой ака кетгандан берман кўришмаб эдик, - дедилар. - Зойирбой учун келдингиз дейманов?

- Шу, шу, - деб мен учун жавоб берди Менгзиё. - Шукурвойнинг шогирди-да у...

- Биламиз. Биз ҳам хайронмиз, - деб столга термулиб

қолдиларда, шундоқ ўнг томонга қийшайиб, тортмадан бир картон попкани олдилар. Олдиларига қўйиб очдилар.

Мен Менгзиёга кўз отдим: “Зойирнинг ишимми?” Менгзиё “хаёт шунўқа,” дегандай оғир бош ирғади. Жуда-жуда хайрон бўлиб қолдим.

Қаранг-а: прокуратурада... йўқ, суд идорасида туриши лозим бўлган ҳужжатлар - шаҳар эгасининг тортмасида турибди! Улардан сўраб олганларми? Уларнинг ўзлари келтириб беришганми? Қизик: балки суд идорасида йўқолиб қолади деб...

- Лекин, барибир, Жаббор ака, ижодкорни қамаб юбориш - хунук иш... - дедим. - Ёмон таассуротлар туғдиради, Жаббор ака.

Жаббор ака иттифоқо менга тикилиб турарди. Мен яна-да журъат қасб этиб, давом этдим.

- Сиз - шу ернинг, шу халқнинг эгаси каби кишисиз. Кейинчалик сизнинг ҳам шаънингизга яхши гап бўлма-са керак, нима дедингиз?

- Ҳмм, - Жаббор Чориев вазмин бош ирғади. - Мен тушунаман. “Мухбирга ҳужум”, деган гаплар ҳам бўлган-а, бир замонлар?

- Худди шундай, - дедим. - Ўттизинчи йилларда... Ўшанда матбуотнинг обрўси жуда баланд эди. Ҳозир ҳам паст эмас-у...

- Ҳа, энди, унинг паст-баландлиги мухбирларга, редакторларгаям боғлиқ бўлар экан...

- Бу гапингиз ҳам жуда тўғри, - дедим.

- Хўп, - Жаббор ака полканинг устига кафтларини босиб, менга қарадилар. - Зойирбойга саккиз жилни бичиб-тикиб қўйибдилар. Шунини энди қисқартирасиз?

- Ҳа.

- Қ-қанчага?

- Майли. Олти жилидан кечишларини сўраймиз.

Жаббор ака ўйланиб қолди. Мен Менгзиёга қарадим. У “маъқул!” дегандай кескин бош ирғади. Менинг назаримда, Менгзиё ҳам “йўқ” деб туриши лозимдек эди. Жаббор ака бошини кўтармасдан давом этди:

- Демак, экик жил берилади.

- Икки йил... - Мен Жаббор акага тикилиб қолдим. - Йўғ-е, Жаббор ака, у қандай қилиб икки йил қамокда ўтиради? У ахир... Бир ўйлаб кўринг...

- Ўйлашнинг ҳожати йўқ, - деди Жаббор ака. - Мен тўрт жилга туширишди ўйлаб туриб эдим. Мана, сиз кебсиз, Менгзиёбой шу ерда... Экик жил бўлади. Шуниям бермасак, Шукурбой, биринчи бўлиб Қўшоқ Қаршиев қамалади. Омонлукмон ҳам.

- Ким у - Қўшоқ Қаршиев, Омонлукмон.

- Бирови начайлик милиса. Бирови прокурор. Кейин бошқалар ҳам тухматчига чиқади. Район расво бўлади. Кейин Жаббор аканингизди бир панада тошбўрон қилишади. - Жаббор ака қулиб юборди. - Тўғрими, Менгзиёбой?

Менгзиё салмоқ билан бош ирғади-ю:

- Шунисигаям раҳмат, Жаббор ака, - деди. Кейин, одатда, бундай пайтларда айбдор фарзандини қойиб гапирадиган айрим оталарнинг гапини қилди: - Зойир бу



фурсатда ўйлаб кўради. Ёш-да ҳали... Бослиқиб қолади. У яхши ёзувчи бўлиши керак... Нима дедингиз, Шукур? Мана, Шукурвойнинг шогирди...

Мен, ниҳоят, Жаббор акадан узр сўраб сигарет тутатдим. Зойир Мамажонов ҳақидаги гапга нукта қўйилган эди: демак, у икки йил ётиб келади: қанақа алфозда келар экан у?

Дунёсида ўзгариш... Балки кейинги курашлар учун тажрибаси ошиб келар...

Лекин “замонасоз” бўлмас-ов...

6

Мен ҳозир ўшандаги гапимни такрорладим: “Замонасоз бўлмас-ов...” (Бошқа бир жойда “Рухи синмас-ов, қобирғалари синсаям”, дедим). Кейин у қамокда ётганида ҳам, озодликка чиқиб келганидан кейин ҳам уч-тўрт йил давомида (бу борада Зойир билан кам учрашдик - кўпинча тузукроқ гурунглашишга ҳам улгурмасдик: унинг ўзи ҳам кам гап, бизни эса ўзга нарсалар кўпроқ қизиқтирарди...) Зойирнинг кайфияти, дунёси, тутган йўли ҳақида қандайдир гумонларга борган бўлишим мумкин. Ҳа, мумкин...

Ху, Кофирниҳон яқинидаги ўтиришдан “хайдалган” танишларимнинг кейинчалик Зойир номини истехзо билан тилга олган чоғларида, яна алланималар дея хиринглаган пайтларида ўзимни эшитмаганга солган пайтларим бўлиши мумкин...

Аммо унинг номила чиққан ҳар бир ҳикоясини ўқиганимда (“Муюлишдаги эшик” ҳам ўша йилларда чиққан ва Уюшманиянг Наср Кенгашида бош маърузачи ҳам ўзим эдим, унда Зойир ҳақида айтган фикр-мулоҳазаларим “Шарқ юлдузи”нинг 1988 йил 6-сонида босилган), суюмли жўра-укам кўз олдимда ярк этиб ўзгаришсиз кўринар, у ўзида бор куч-қудратини ва шижоатини адабиёт йўлига сарфлаётгандек туюлар ва ҳар гал катгароқ бир асар устида ишлаётган бўлса керак, деб ўйлардим ва чиндан-да хурсанд бўлардим: ахир, у мен истаган йўлга - “иштирокчи ва ҳолис кузатувчи”лик йўлига тушгандек эди-да. Ажабо, шу йўлга бемалол тушиб ҳам, ўз “феълү атвориға мутлоқ содик” қолиши мумкин эканки, унинг кейинги ҳаёт тарзию, ёзган асарлари бу ҳолни сўзсиз тасдиқлади, яъни исботлади.

Аммо бунга дебочани қутилмаганда эшитганимда, бирон дақиқа тонг қолдим дейман...

“Зойирнинг ўжар экан. Ўзини оқлаб олди... Ҳа, икки йил ётганининг ҳақиниям давлатдан ундириб олди... Менимча, унга энди матбуот соҳасида иш беришади...”

Бу гапни менга Тилла Менглиев айтган, ўшанда у - Вилоят Ижроя Қўмитасининг раиси эди (бундай одам билмасдан гапирмас, бизга етти ёт бегона бўлганида ҳам), мен ўзимда йўқ шодланиб кетиб. (“Тошкент” мехмонхонасида ресторанда ўтиргандик; машина ҳайдаб келганим учун шарбат суви ичаётгандим), графиндаги “фироқ”дан фужерга қуйиб: “Худога шукр!” дея ичворган, кейин бирон дақиқа тек ўтириб қолгандим.

Ўша куни Ёзувчилар боғидан (ўша ерда яшардим...) Сурхондарё вилоят ёзувчилар бўлимига кўнғироқ қил-

дим. Зойир ўша ерда оддий консультант бўлиб ишларди.

Хайрият, жойида экан, - овозини эшитдим:

- Ҳа? Зойир Мамажонов эшитади!

- Мен, Шукур акангизман, - дедим. - Табриклаймиз энди... Нимага мундай товуши чиқмай кетди десам, муҳим давлат ишлари билан банд экансиз-да?

Зойир қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборди: худди кечаги кулгиси - орадан икки йил эмас... э, нималар деяпман, уч-тўрт йил эмас, уч-тўрт кун ҳам ўтмагандек.

- Шундай бўлди, Шукур ака! - деб кейин бақириб айта бошлади: - Буткул оқлаб юборишди. Олий Суднинг раиси бор экан, Йигиталиев деган. Валламат йигит экан. Оқлаб юборди... Икки йиллик ҳақниям ундириб олдим...

- Ахир, рақибларингиз индамай туришдими? - таваккал сўрадим. - Уларнинг ҳукми бекор қилинса, хурсанд бўлишмасди-ку...

- Э, улар йўк! - деб хайқирди Зойир. - Бари ишдан кетди, ака! Кўпи бошини ушлаб кетди... Замон ўзгарди! Биласизми, вазият ўзгариб кетди...

- А-аа. Қайта қуриш...

- Шу-шу. Ошкоралик, демократия... Каримов ҳам ишдан кетди! А?.. Ота юртингиздан Абдуҳолик Қаримов-чи? Обком секретари... Ўша одам айтган экан-да: “Қамокдан чиқипти, майли-ю, матбуот соҳасида иш берманглар”, деб. Шунинг учун матбуотдан берирокда эдим-да... - Кейин овози пасайди. - Ака, ҳамма гапни сизгаям, Менгзия акагаям айтиб бўлмас экан. Сизлар бир вақтлар қўлларингиздан келганини қилгансизлар. Энди, бу ёғини - ўзим қилишим керак эди. Ҳе, қамок деганингиз мени анча нарсага ўргатди, ака. Тазйиқлар ҳам... Лекин, худога шукр, ўзгарганим йўк! Эшитяпсизми, ўзгармайдиган махлуқ эканман. Ҳа-ҳа-ҳа.

Дамим ичимга тушиб кетган, беҳол эдим... мамнунликдан, ички қаноатдан.

- Зойиржон, омон бўлинг, - дедим.

Шундан кейин қанча муддат ўтгани эсимда йўк. Бир куни Деновдан, деб телефонга чақиринди. Зойир экан.

- Эй, Шукур ака! Тагин табриклар қўйинг... Ишдаям ўзгариш бўп кетди!

- Хўш-хўш?

- Денов шаҳар газетасига редактор бўлдик.

- Ё, товба...

- Эшитяпсизми?

- Ҳа-ҳа.

- Ишни бошлаб юборай... Олти ойдан кейин газетанинг номини ўзгартирмаман. Менгзия акаям маъқуллади. Биласизми, нима деб ном қўяман?

- Нима деб?

- “Чағониён” деб. - Кейин завқ-шавқ билан кулиб юборди-да. Менгзиёнинг сўзлаш тарзини эсга соладиган бир тарзда тез-тез гапира кетди: - Чағониён нималигини яхши биласиз-ку? Хей, Будда ҳайкалини эсланг... Шукур ака, “чағониён” сўзининг луғавий маъносини ҳам билиб олдим. Бу ном ўқтин-ўқтин ўзгариб турган экан, оддий одамлар ҳам ўзларича айтишаркан: “Шаканиён, Саканиён”... Эшитяпсизми? “Ш, ч, с” харфлари туркий-

да ўрин алмаштириб туради-ку? Ўзимиз ҳам “соч”ни “чоч” деймиз, “сичқон”ни - “чичқон”... - У шу маънода хийла гапиргач, яна сўради: - Тўмарис, Широқлар эсингизга тушдимиз? Сак, шак қабилалари? Хе, зўр халқ эканмиз-да! - У яна завқ-шавқ билан кулди. - Ота-боболаримиз шундай бўлгандан кейин биз нимага зўр бўлмас эканмиз?

- Тўғри айтасиз, Зойиржон, - дедим.

- Мана шундай гаплар, ака! Бизга нима топшириқлар бор? Айтинг, ака!

- Топширик...

Алланималар дедим. Кейин, ишга - газетачиликка берилиб кетиб, адабиётни унутмасликни тайинладим, шекилли. Кейин Менгзиё ва бошқа дўстларга салом айтдим.

Ичимда эса: “Ну, Зойир, ну чўрт!” дер эдим ва табиий, энди бу халол ҳақиқатни топтайдиган зотларни аямайдиган бу Дон Кихотдек ўғлоннинг орқасидан “Ну, погоди!” деб тушадиган “бўрилар” бўлмаслигини Яратгандан тиладим.

Яратганининг ўз “дастури” бўларкан: бу оламда одамзодни “синаш” учун яратгани рост, шекилли, орадан тўрт-беш йил ўтиб яна эшитдимки, Зойир Мамажонов яна...

“Э, худо, мунча азоб бермасанг, - деб карахт бўлиб қолдим. Кейин хушёр тортиб кетдим: - Нахотки бу гал ҳам фельетоннинг устидан?.. Яна катталар билан рақиб бўлиб қолдимиз?..”

Шунда Президентнинг “МАТБУОТ - ТЎРТИНЧИ ХОКИМИЯТ”, деб эълон қилгани, эндиликда журналистларга нафақат ваколат кўп берилгани, балки улар - Давлатнинг энг ишончли “дастёр”лари сифатида ҳимоя қилинажаги эсимга тушиб, бироз енгил тортидим. Сўнгра қандайдир “англашилмовчилик бўлган-ов”, деб Денов туман ҳокимини телефонда “казак” қилдим-у (бу вақтда дўстим Тилла Менглиев ана ўша ҳокимнинг ўзи эди!), баттар хайратга тушдим тагин: “Тилланинг туманида шундай воқеа содир бўлса? Ахир, Тиллажон Зойирни ардоқлаб гапирар эди...” Кейин бўлса, хайратим баттар ошиб кетди: ахир, Зойир Мамажонов - шаҳар ҳокимининг ўз одами-ку?..

“Тилла Менглиевич Тошкентга, дам олишга кетган”, деб жавоб беришди ҳокимликдан.

Ана энди минг бир хаёлга борганимни кўринг... Бу ишдан Тилланинг хабари бўлиши керак. Атай у дам олишга чиққанда, бу ишни амалга оширишган...

Йўғ-е, Тилла нахотки... Қайсидир учрашувимизда Зойирни мақтовди-ку: “Газетанинг номи “Чағониён” бўлди. Зойир уканг ҳаммамизни убедить қилди. Тарихдан ҳам хабари бор экан-а?.. Ҳа-ҳа, Менгзианинг жияни-да...”

Кейин редакцияларга қўнғироқ қилиб, жанублик (Сурхондарёлик ва Қашқадарёлик) журналистлардан Зойир ҳақида суриштирдим. Улар ҳам менга қўнғироқ қилганлари, аммо телефоним банд бўлганини айтиб, шунчаки шундоқ-шундоқ деб эшитганларини баён қилишди ва янгилик бўлса, бир-биримизга етказишни ваъдалашиб, хайрлашдик...

Мен ишхонамда (Ёзувчилар боғидаги ҳужрамни аллақачон тарк этгандим: путёвка кимматлашиб кетгани учун...) гарангсиз ўтирар, кўлим машинкага бормай, нимани ўйлашни ҳам билмай ивирсир эканман, бир маҳал Зойиржон билан кейинги учрашувларимизни кўз олдимга келтириб, ўзимча кулимсираб ва укамиз билан ҳатто фахрланиб ўтирганимни сезиб қолдим.

Термиз. Хусусий меҳмонхона. Кичкина ҳужра. Четда - электропеч.

Хона ўртасида - пастак курсиларда қур тутиб ўтирибмиз: Зойир, унинг энг яқин биродари Бобораҳим бахши, мундай жойда - ўғлим Жаҳонгир, ундан берида - мен. Шолчага тўшалган дастурхонда Зойирлар келтирган кабоб, мева-чева, шарбат ва ичимлик...

(Мен муҳим бир иш билан Термизга келиб, ушбу меҳмонхонага қўнган эдим. Бирон ҳафтадан кейин термизлик ижодкорлар қатори Зойиржон ҳам шу ердалигимни эшитиб, кўргали келган экан).

Гурунгимиз бозор иқтисоди қийинчиликлари ҳақида кетган, кейин тикланаётган маънавиятимизга кўчиб, ўзимиз ҳам заминлан кўтарилиб кетар ва ҳозир айтиб турган қийинчиликларни унутардик: хуллас, калламизга келган гап оғзимиздан чиқар эди.

Гурунг мавзуи ўтмишга бурилди-ю, Бобораҳим бахши мендан сўраб қолди:

- Шукур ака, Саид Оталиқ мадрасасига кирибмидингиз? Унинг хароб аҳволини кўрибмидингиз?

Бахшининг нуқул қофиядош қилиб сўздашидан қулиб: “Кўрганман”, дедим-у, ўпкам тўлиб кетди: бир вақтлар мадрасанинг ўймакор эшиги оғзида тўхтаб қолгандим, чунки ичкарига киришга рағбат қилолмагандим.

Туркистонда (Бухорода) айни Кўкалдош мадрасаси билан бир нусхада бунёд этилган бу ноёб илм масканида Октябрь тўнтарилишидан олдин 400 нафар талаба ўқиган, уларга 33 нафар мударрис дарс берган; “Инқилобдан” кейин мадраса қизил аскарлар турадиган масканга айлантирилган, кейин у ер - ундаги ҳужралар - Россия томонлардан келиб қолган ҳар хил қаланғи-қасанғи, пиёниста ва бомжлар яшайдиган жой бўлиб қолган...

Мен ана шу чақирилмаган меҳмонларни кўриб, бу азиз асори-атиқага раҳмим келиб кетиб, тек туриб қолгандим: бу қандай бедодлик, бу қандай хўрлик!..

Менинг мискин бир ҳолга тушганимни кўрган Зойиржон:

- Кўрган бўлишингиз керак, - деди зуғум қилгандай. - Тарихиниям биласиз. Нақшбандий бобомизнинг куёвлари халифа Хожа Аловиддин Атторга бағишлаб қурилган. Аловиддин бованинг мозори бизнинг уйни ёнида. Униям кўргансиз...

Кейин у бирдан паришон тортиб, кўкси қабарганча қаергадир қараб гапира кетди:

- Шукур ака, сиз Деновга кам келасиз. Бу ердаги осори-атиқаларимизни туристдай кўриб кетасиз... Мен ишонаман, уларга ачинишгаям улгурмайсиз. Тўғри, биронтаси чин таъсир қилганда, ҳозиргидай мунгайиб қоласиз... Бизга қийин! - У жаҳл билан бахшигаям қараб



олди. - Тўғрими, бахши? Ака, баъзан эзилиб кетасану, шу дунёдан бош олиб чиқиб кетгинг келади. Ахир, бу ердаги кадимий кошоналаримиз - бугунги вайроналаримиз хар куни, хар соатда рўпарамизда "мана мен" деб туради-да! Мундан қочиб бўладими, ака? - Кейин хўрсиниб, Президентнинг бу борадаги саъй-ҳаракатлари ҳақида мингирлаб гапирди, гапирди-да: - Саид Оталиқ мадрасаси таъмирга биз ҳам 20000 сўм хайрия қилдик, - деди. - Лекин бу пул нима бўлади...

- Шошманг, - дедим. - Сиз редакция хисобидан қилдингизми ёки фирма?..

Зойир менга тикилиб қолди-да, қаҳ-қаҳлаб кулиб юборди.

- Бойсинди газетасиям ёпилармиш, деб эшитиб эдим... Кечирасиз. Аҳволни тушунаман, ака. Кўп жойларда газеталар ёпилди. Ҳатто республика миқёсида чиқадиган газеталар ҳам зўрға кун кўряпти. Биламиз, ака. Лекин, берсанг - ейман, урсанг - ўламан, деган замон ўтиб кетди. Тўғрими? Интилганга толе ёр... Ўзимизни у ёкка уриб - бу ёкка уриб, йўлимизни топиб олдик, ака. Мақтаниш эмас: биздаги иш системаси республиканинг биронта газетасида йўқ!

Мен газетада ишлаб кўрмаганман (ўзим журналистикани битирган бўлсам ҳам), бунинг устига ўнта одамга раҳбарлик қилиб, уларни оғирини енгил қилмаган одам бўлсам...

- Тушунолмадим, - дедим. - Лекин газеталаримиз қийналиб чиқяпти, мухбирларнинг қозони ҳам ҳадеганда қайнамайди...

- Бизнинг анчайин ходимимиз 20000, 25000 сўм маош олади, - деди Зойир. - Яхши ишлаганлари 30000 ҳам олади... Газетага обуна қилиш ҳам, газетани тарқатиш ҳам, шартномалар асосида, редакцияга пул тушириш ҳам шуларнинг бўйнида...

- Хе, бизнинг "Чағониён" анча бардам, - деб гап қўшди Бобораҳим бахши. - Хайрияниям қиб туради хардам. Шунинг учун худо буларга бериб турибди, булар худобехабарларни уриб турибди...

Сергак тортиб Зойиржонга бокдим.

- Яна фельетонми?

- Э, йў-ўқ, - деди-ю, ўша кулишида уйчани ёргудек бўлди. Кейин шифтларга қараб, мени хотиржам қилди: - Танкидий материални жуда кам бераямиз... Бахши, сиз ундай ўтирик гапни айтманг. Шукур акам ишониб қолади-да, кейин уйқулари қочади... - У тагин маза қилиб кулди. Мен ҳам қўшилиб кулдим.

Ўғлим Жаҳонгир Тошкентда туғилган. Сурхондарёни яхши билсин, деб кўпинча ёнимда олиб юраман: табиий, жанублик ижодкорлар ҳақида гапириб берардимки, Зойир акаси ҳақида мен билган нарсаларни деярли эшитган эди.

- Ишқилиб, душманийиз йўқми энди, Зойир ака? - деб сўраб қолди. Шунда у:

- Эй, менинг душманам йўқ, Жаҳонгирбой, - деб жавоб берди Зойиржон қандайдир тўлиқиб. - Мен одамларимизни яхши кўраман... Ишонасанми? Уларнинг зўр, мард танти, ҳалол бўлишларини яхши кўраман, жигар...

Жуда меҳнатқаш, камтар халқимиз бор, биласанми шунини? Хали билиб оласан... Лекин шу, қандай тушунтирсам экан, одамзоднинг феъли ўзгариши қийин, шекилли. Тўғрими, Шукур ака? - Мен сўзсиз бош ирғадим. - Ҳатто мана, Мустақиллик давридаям айрим одамларни ўн йил бурун кўрганга ўхшайман: одамларга муомаласиям, ўзини тутишиям, мечковлигиям, такаббурлигиям - ўша-ўша! Худди ўша одамлар бошқа киёфага киргандай...

Кейин у Жаҳонгирга баайни эртақлар айта бошладики, мен хурсанд бўлиб гап қўшмай ўтирдим.

Масалан, бир шофёр бўларкан, Этажда яшаркан. Камбағалгина. Ҳа, ҳалолдан-товуғи, харомдан-кучугиям йўқ экан. Лекин тўғри сўзли, ҳалолгина одам экан. Бировдан тили қисик эмас экан-да. Шу йигитнинг феъли корхона раҳбарига ёкмай қолади-да, уни шартта ишдан бўшатди. Йигит кўчада қолади. У ёкка югуради - бу ёкка югуради. Кўли ҳеч қаерга етмайди. Охири судга ариза беради. Суд ишни кўриб чиқиб, йигитни - ҳақ деб, ишга тиклансин, деб қарор чиқаради. Хукм бу.

Йигит бечора қарорни олиб корхона директорида боради. Директор қарор билан танишиб чиқиб: "Чепуха" дейди. Вассалом.

- Судди қарори "Чепуха" дейдими? - деди Жаҳон хайрон қолиб.

- Худди шундай!

- Сиз газетага урдингизми?

Зойиржон шарақлиб кулиб юборди-да, Жаҳонгирнинг қифтини кучиб қўйди.

- Сен одам бўласан... Ана шундай фақир-ҳақирларнинг ёнини олиш керак. Хали айтганимиз Нақшбандий бобомиз ҳам, у кишидан олдин ўтган Яссавий бобомиз ҳам шундай деганлар. Эзилганлар, ноҳақ изтироб чекканларни севиш керак... Чунки сен ҳам бир куни шундай ноҳақликка йўлиқishing мумкин, укам. Ҳаёт зўр нарса...

- Хўп, фельетон қилдийизми ўша "Чепуха" деганни? - қайта сўради Жаҳонгир.

Зойиржон яна баралла кулиб юборди-да, менга қия қараб қолди. Кейин:

- Йўқ, - деди. - Фельетон қилсам, у менга душман бўлиб қолади, тўғрими? - тагин ўғлимга қараб, қандайдир асабланиб давом этди: - У жуда қатта амалдор! Пули кўп. Жўралари кўп. Орган одамлари билан, айникса, апоқ-чапоқ... Мен билан ҳам дўстлиги бор-у, лекин мен уни танкид қилсам, раҳмат дейдими менга? Йўқ, албатта... - У боз кулиб юборади. - Шукур ака, одам бўлибманми?

Мен хўмрайиб турардим. Иттифоқо рухим тушиб, Зоир билан ўтиргим келмай қолди.

- Сиз жуда ўсибсиз, - дедим.

- Ҳаётнинг ўзи мажбур қилар экан-да, ака, - деди Зойир ва кулди. - Ҳатто сизга ёлғон гапиришга ҳам мажбур этади...

Кейин десангиз, Жаҳонгирга яна шунақа воқеалардан айта кетди: тагин бир ёшгина йигит амалдорга гап қайтарган экан, амалдор зўр-да, йигитчани уриб-тепки-

лаб иккинчи гуруҳ инвалиди қилиб қўйибди. Йигит шўрлик прокурорга шикоят қилибди. Ахир, прокурор адолат соқчиси-да! Унга ишониб, йиғлаб-сиқтаб мурожаат қилса, прокурор йигитнинг ўзини... айбдор қилибди.

- Йўғ-е, - дедим мен.

- Рост, - деди Бобораҳим. - Прокурорга ишончим қолмади паққос, деб йиғлиб юриб эди.

Ўғлим менга қаради, мен унга: ҳайронмиз... Аммо иччимда бир нима жунбуш қилди: "Бу уканг сени алдаяпти... Бу - сен билган Зойир эмас..."

А-а, "сизниям алдашга мажбурман" деди-ку? Нимани кўзда тутди шу гапи билан?

Ха, майли, гапираверсин-чи..."

7

Зойиржон яна қизишиб кетиб, шаҳарнинг аллақайси бекатидаги "муштумзўрлар"нинг қилгиликни қилиб бўлгач, ялло қилиб юришларию, қандайдир идора мудирунинг "қўполлиги"ю, қандайдир амалдорнинг ити кўчадан ўтган одамни таллаши, аммо биров унга "тур" дея олмаслигию... шунақа "ю-ю"лардан кўп айтиб, Жаҳонгирнинг елкасини силаркан:

- Ака, - деб бирдан менга мурожаат қилди. - Шуларни ёзсам... яхши бўлардим, сизнингча?

- Бўлмасам-чи, - дедим, ўғлимдан уялаётганим учун (унгаям ҳақиқат, адолат бобида нималарнидир уқтириб юраман-да...), унинг олдида ўзимни оқлаш имкони туғилганидан жонланиб кетиб. - Нега ёзмаслик керак экан?

- Ахир, улар... мени тинч қўядими кейин? - деб истеҳзоли табассум қилди Зойир.

- Агар тинчлигингизни ўйласангиз, ука... билмадим, нима дейишним...

- Денг, денг. Қайтарманг! - далда берди у. - Бошқа соҳанинг бошини тут, деган гап тилингизга келди-я?

- Тўғриси айтсам, ҳа, - дедим. - Умуман, мен сизда бундай, нима десам экан...

- ...Ўзгаришни кутмагансиз?

- Ҳа.

- Кечирасиз, сиз ҳам менга "муроса" ҳақида гапирардингиз, шекилли?

- Э, алам ўтиб кетганда, эҳтиёт бўлинг деган бўлсам дегандирман...

- Шукур ака, сизга яна бир савол: мана Мустақилликнинг шарофати билан демократик йўлга тушдик. Матбуот - тўртинчи ҳокимият, деб эълон қилинди...

- Ҳа-ҳа, - деб унинг гапини олдим. - Эндиям қўрқиш... Жаббор ака айтган арбобларнинг даври ўтди... Узр, янгиларнинг ҳам феълда ўзгариш кўринмас экан: бу гапга ишонаман. Одамнинг ўзгариши... Аммо масалаларга муносабати ўзгариши аниқ, деб ўйлайман... Ҳар ҳолда матбуот курсида ўтирган муштумзўрлардан ҳам ҳимоя қилинадиган бўлди-да...

- Илоий, айтганингиз келсин, - деди Зойир ва шишани олиб, пиёлаларга қуйди. - Жаҳон, сен ҳам ичасанми?

- Шошманг, - дедим. - Қуйинг, майли ичсин... Бунинг ёшида мен ҳам ичганман.

- Хўш-хўш?

- Гапингиз тўмтоқ чиқди. Гап тагида гап бордек-да, ука... Умуман, сиз мен билган Зойирга ҳам ўхшаб, ҳам ўхшамай гапиряпсиз. Ростини айтинг, нима бўлди?

- Ҳеч нарса бўлгани йўқ. Мени жин ҳам ургани йўқ, - деди Зойир ва ёнидан папкасини олиб, тиззасига қўйди. Очиб, бир даста газетани чиқарди-да, Жаҳонгирга берди. - Муни ҳу тоқчага қўй. Отанг кейин кўрадилар. Мана бу бўлса... - У бир даста қўлёмани менга узатди. - Ҳикоя...

- А-аа. Бу бошқа гап. Ҳажми катта-ку?

- Сиз романи - ҳикоя деганда, биз қиссани - ҳикоя десак, нима бўпти.

- Буни эрталаб ўқийман.

- Айтмоқчи, соат неча бўлди? - шундай деб ўзининг соатига қаради.

- Деновга етгунча иккидан ошади... - Кейин менга боқди. - Ака, эртага газет чиқиши керак.

- Бўлмасам, сизларга жавоб, - дедим.

- Бу ерда кўп бўласизми?

Жаҳонгир кулди.

- Эртага Бойсунга кетвобмиз... Лекин қайтиб келамиз. Келамиз, а, ада?

- Кўрамиз-да, улим.

- Мошина борми? - деб сўради Зойиржон. - Бўлмаса, шу кеча сизларни Бойсунга ташлаб, шу бўйи Деновга ўтиб кетамиз... Нима дедингиз, бахши?

- Нима дер эдик, яхши, - деди Бобораҳим.

Мен термизлик оғам - валинеъматларимдан бири Ҳимойиддин Шарафуддиновдан машина сўраб қўйган эдим. Чиқиб, у кишининг уйига кўнғироқ қилмоқчи бўлдим-у, бемаҳал бўп қолгани учун, яна хонамга қайтиб кирдим.

Ҳаш-паш дегунча йўлга шай бўлдик. Мен Зойиржонларнинг овора бўлишларини айтиб эдим, у қўл силтаб кулди: "Қўйинг бу гапларни. Ҳа-ҳа-ҳа..." Мен унинг кулгуси маъносини тушундим, албатта: "Сиполик сизга ярашмайди", дедим.

Хайрият, "жигули"нинг рулида Бобораҳим бахши экан. Ура жўнаб кетдик.

- Эшикни қулфлагингизми, Шукур ака?

- Шарт эмас... Мехмонхонанинг мутасаддилари таниш. Ҳимойиддин аканинг ўғли...

Жаҳонгир олдинда - бахшининг ёнида ўтирибди. Биз - Зойир икковимиз орқада. Ўртамизда ул-бул егулик ва ичгулик бор. Аммо Зойир ичкиликни аягандек (одатдагича) онда-сонда қуяди-да, роса тамадди қилади. Мен эсам туғилган тупрокка, ниҳоят, бораётганим учунми томоғимдан таом ўтмайди (одатдагича) ва нукул чекаман... Гурунгимиз ҳам ўз йўлида давом этарди:

- Бировлар сизларга хайрия қилса, сизлар бировларга қилар экансизларлар-да?

Зойир кулади.

- Унчалик эмас... Лекин, бахши, боғни обод қилганимиз зўр иш бўлди-я?... Шукур ака, шаҳарда "Ёшлар хиёбони" деган дарахтзор парк бўларди. Киргандирсиз?

- Эслолмайман.

- Бир борганингизда кўрсатаман... Жуд-да хароб бўлиб кетган эди-да! Дарахтлар қурий бошлаган, ёшлари ўтказилмаган. Шу бир... жуда хунук, кўримсиз бўп қолган эди. Қачон ўша ердан ўтсам, ичим эзилиб кетар эди. Дарахт - дарахт-да! Жонли табиат... У жонивор дод демаса, йиғлай олмаса, сув бер деб талаб қилмаса... Мунгайиб тураверади. Кейин ўлади.

- Ҳм, чин боғбонинг сўзини айтдингиз, - дедим: шунга ўхшаш ўйлар менинг ҳам хаёлимдан кечган эди... Кейин унга қарадим: - Нима, ўша боққаям хайрия...

- Қилдик-да! - деб қулди. - Бахши! Ярим миллионлар кетди-ёв? Ха, обод бўп қолди. - Кейин менга илиққина бокди. - Адабиёт бурчагям ташкил қилдик.

Мен мазза қилиб, завқимни кулги билан ифодаладим. "Раҳмат-е, - дейман ичимда. - Сендай йигитларнинг бори га шукур... Истикбол сендайларнинг қўлида... - Кейин истикбол ҳақида ўйлагим келади ва у - истикбол яшил бир боғ қиёфасида кўринади. Унинг ортидан улуғ мадраса пештоқлари кўриниб туради. Бу томонларда - хиёбонларда, бурчакларда... - Адабиёт ишқивозлари. - Шунда кўзим илиндими дейман, хиёбонда Менгзиёни кўриб қолдим. Тумонат одам. Бир боғбон чол билан бир инвалид йигит (унинг боғбонлигини қаёқдан билдинг денг!) Тилла... Менглиевни қўлтиқлаб, унга бир нмаларни уқтиряпти. Тилла бошини орқага солиб қуляпти. Мен қандайдир баланд минорага боқиб турганмишман, Биқинимда Нусратилла Шоймардонов билан бир азиз одамим... Байрамми, бир нарса бўлаяпти...

Уйғониб кетсам, Шерободнинг ҳалқа бекатидан айланиб ўтаётган эканмиз: Ўнг томондаги чойхонада одам гавжум, мусиқа... Шошиб сўрадим:

- Нима бўлаяпти у ерда?

- Тушамизми? - деди Зойир.

- Йўғ-е...

Барибир тушдик.

Бойсунда тонг пайти хайрлашдик. Зойиржонлар тўғри йўл билан кетишди.

Мен шу куни тушдан кейин Зойирнинг ҳикоясини ўқий бошладим. Номи: "Гулхан атрофидагилар".

Яхши.

Ўқиб чиқдим-да, сўнги саҳифа сиртига ёздим: "Битта мазмун икки йўналишда кетади: бири - ҳаётий воқеа сифатида баён этилади, иккинчиси ривоят сифатида; асарларда зўр бериб амалдор покиза бир инсонга хиёнат қилади, уни топтайди ва асар финалида жазосиз қолади: ривоятда эса хиёнаткор дорга тортилади..."

Дахшат! Илоий, ҳаётда шундай хиёнаткорлар тантана қилиб юрмасин. Афтидан, ёзувчи: "Ана, кўринглар. Улар тантана қуляпти... Наҳот унга лоқайд қарайсизлар?" дедимки бўлади.

Менимча ҳикоянинг мақсади ҳам шу: такаббур, муттаҳам тўраларга нафрат уйғотишдан иборат.

Яна шуниси ажойибки, муаллиф ўша муттаҳамни сўкмайди, унинг шаънига бир жумла ҳақоратомуз сўз битмайди: бу - холис ёзувчининг позициясидирки, ҳукми (сўқишни) китобхонга ҳавола қилади. Пироварди, ёзувчиликнинг мухбирликдан фарқи ҳам шунда..."

(Ушбу ҳикоя "Шарқ юлдузи" журналида менинг кириш сўзим билан босилиб чиқди).

Хуллас калом, ўша куни Бойсунда мен учун яна байрам бўлган эди: назаримда, Зойир мен орзу қилгандек ёзувчи бўлаётир... Унинг асар битишдаги хотиржамлиги (бирова билмайдиған ёнишлари) ва камрови шундан далолат бераётир...

Айтмоқчи, у чиқараётган газеталар... қани? Во, дариғ, шошилишда Термиздаги хужрада қолдириб келган эканмиз. Майли, Термизга қайтиб боргандан кейин ўқийман, дедим, Аммо борсам... уйчам - топ-тоза қилиб қўйилган экан.

Бироқ бундан унчалик ўксимадим: илло, Зойиржондан кўнглим тўқ, барча ишларидан хурсанд эдим.

... Шундай одамнинг яна "қамалди" дейилиши ўзи - унинг шаънига мислсиз ҳақорат эди: тухмат эди, назаримда. Аммо шамол бўлмаса, дарахт шохи кимирламаса...

Қолаверса, бошқалар ҳам эшитишибди-ку?!

8

Ёмғирли кун эди. Хонадан фақат овқатланишга чиқдим. Қўл ишга бормайди: миям берч...

"Бу ярамас туғишган инимдек бўлиб қолган экан-а, - дейман ўзимга-ўзим. - Қачон мунчалик меҳрим тушган эди... Аттанг, уни кам биламан-да: Фақат учрашганда - кўришамиз... Шу ҳолидаям у мен учун қандайдир тўғри-тўпори сўзли, дангал ва мард, айниқса, ўзидан қолганларга меҳри баланд - шафқатли бир ўғлон сиймосида шаклланиб бўлган экан, шекилли..."

Бундай одамларсиз, - мен сизга айтиб қўяй, - ёзувчининг яшаши қийин: у қалбидаги компас миллининг йўналишини кўролмамай қолади - ҳа, буюк шимолни кўролмамай қолади. Буюк шимол эса - нафақат оппоқ қору музликлар макони, балки у - нурлик, покизалик, гард кўнмаган маскан рамзи ҳамки, усиз - унга интилувсиз ҳаёт - орқага босилган қадамдек, қандайдир чоҳга қулашдек бир ҳол эмасми? Дунё шунинг учун тирикки, Буюк Шимолга интилади: нурга, покизаликка интилади... Акс ҳолда у мағлуб бўлади: ер билан битта бўлиб, зарраларга айланиб кетади: пайдо бўлган нимарсаларига айланади.

Айниқса - ёзувчи. Ахир, ёзувчиман - ман деган зотнинг ўша Буюк Шимолга интилишдан ўзга йўриғи йўқ-да: ўзи интилганидек ўзгаларни ҳам тортади.

Тортиш йўллари эса - турли-туман, минг бир хил...

Бироқ Тортиш учун шарт шулки - ён верида бўлсин, - орқа-олдида бўлсин, ўша Буюк Шимолнинг ўзига хос рамзий қиёфасидаги бор бўлган инсонлар бўлуви керак; тўғри, ундай инсонларни ҳадеб кўравериш-да шарт эмас; ҳа, уларнинг мавжудлигига ишонса, бас: у ёғини ўзи тўлдирди: ўзидан қўшади, ўзгалардан қўшади ва ёрқин бир сиймога айлантиради.

Ана ўша, ўша - Буюк Шимолни кўрсатувчи компас милидек товланиб туради...

Наҳотки бу Зойири тушмагур - бақириб қуладиган, хода ютгандек юрадиган; кўнгли тиниқ ва жойи келган-

да синикиб кетадиган, тагин: кайсар-у қайтмас бу ўғлон
- бу ҳалол ва танти журналист, ҳамда чин ёзувчиликка
даъвогар зот...

... менинг учун ўшандоқ рамзий сиймога (сиймолар-
дан бирига) айланиб қолган эди?

Йўғасам, нечун бунча куяяпман...? Нечун дунём қоро-
нги бўлиб кетяпти?

Тонг пайти эшигимни навбатчи қозоқ қизи тақиллат-
ди.

- Шукур оға, сизи шақираятир! Юртингиздан... Де-
новданман дейди...

Чопонимни кия солиб, пастга физиллаб тушдим. Дас-
такни олсам, Тилла... Тиллажоннинг бўғик ва ҳокимона
овози:

- Шукур, сенмисан?

- Э, мен, Тиллажон, овозингдан айланай... Деновдан
гапираяпсанми? Сени...

- Тошкентда эдим. Сени топмоқчи эдим. Кейин би-
роз дам олмоқчи эдим. Шунақа гап бўлди, деб кўнғи-
роқ қилишди... Эшитгандирсан? Ўтган куни қамашган
экан Зойирни. Мен жўнаган куним...

- Нима бўлди? Айби нима унинг?

- Ахир, шогирдингни айбини билмайсанми?

- Ахир, у фельетон ёзмапта дейман...

- Бекор айтибсан! Сени алдаганга ўхшайди... Термиз-
далигингда кўриб келганини айтувди...

- Тиллажон, нима бўлади энди?

- Нима бўлсин? - деб қулди у. - Жаббор аканинг
йўлини тутайинми, а? Нимага овозинг ўчиб қолди?..

- Йўғ-е...

- Зойир чикди.

- Чикди? Қамокдан?

- Ҳа. Бўшаттирдим... - Кейин гижиниб ва асабланиб
давом этди: - Бир ўтиришда ўзини қандай тутган, худо
билади. Буни текширишади ҳали... Лекин кўйилган айб
- чепуха... - Шундай деб кулиб юборди. - "Чепуха" де-
ган фельетонини ўқиганмисан?

Мен бўшашиб кетдим: Зойирнинг Термизда - меҳ-
монхона ҳужрасида ўғлимга айтган ҳикоялари ёдимга
туша кетди.

- Йўқ, - дедим. - Судди қарори "чепуха" деган...

- Инвалид бўлиб қолган бола...

- Шу-шу. Ўқиган экансан... Ўшанинг уйида бироз гап-
сўз бўлган. Туғилган кунида. Мен ҳам тақлиф этилган
эдим-у, жўнаворгандим... Органнинг раҳбарлариям бўлиш-
ган: суд раиси, прокурор, начальник мелиса. Кўпчилик
бўлишган...

- Зойир уларни сўкканми?

- Сўкканми-йўқми, бунинг аҳамияти йўқ эди... Сен
тушунгин-да: ўша даврда ўтирган одамларнинг деярли
ҳаммасини "Чағониён"га уриб чиққан. Бизнинг шаҳар
ҳокимиям ўша ерда экан... Аламзада одамлар - улар.
Баҳонаталаб бўлиб юришган: қилади-да... Сени газетага
уриб чиқсинлар-чи, қолган сочларингниям юларсан...

- Шошма, прокурор ҳақидаям фельетон чиққанми?

- Ҳа-да, "Прокурорга ишончим қолмади", деган мате-
риал чиққан. Жуда ўхшатган, ярамас...

- Шу-шу. Билар экансан... Эй, кўп талмовсирама,
Шукур.. Кўнглинг тинч бўлсин.

- Раҳмат, Тиллажон.

- Вилоят органларига топшириқ берилди. Текшири-
шади. Менимча, иш ижобий ҳал қилинади. Шунга қараб
мен ҳам баъзи ишларни қиламан... Нима? Ҳамма нарсани
сенга айтиш керакми? Баъзилар амалдан кетади-да
энди...

- Ҳа-а. Кечирасан, фалон йил берамиз, деб...

- Йўқ. Иш унгача бормаган... Лекин бориши мумкин
экан: шикоят - ариза тагига имзо чекканларнинг саксон
фоизи - маъмурий орган раҳбарлари. Улар билан ўйна-
шиш қийин-а? - деб ҳиринглаб қулди. - Жаббор Чориев
"Мени тошбўрон қилади", деган экан. Мен нима дейин,
хей? Кўз-қулоқ бўлиб тур: яқинда устимдан фельетон
боради...

- Нима?!

- Тек турадим аламзада одамлар... Бошқалар йўқми?
Э, дўстим, душмансиз раҳбар-раҳбар эмас-у, лекин, Де-
нов... оғир жой. Пулдор ҳам, пулсиз ҳам шу ерда, мутта-
хам ҳам, тухматчи-иғвогар ҳам... - Хўрсиниб қўйди. -
Зойиржонга ўхшаган йигитлар ҳам шу ерда... Энди бор,
ухла. Кечаси ишлагандирсан...

- Сен ҳам эрта уйғонар экансан...

- Жинни. Кун туш бўлди-ку... Соат олти ярим бўпти.
Хўп. Омон бўлгин. Саидага салом айт... Уйингатам бо-
риб тер. Саидани ёлғизлатмай...

- Хўп. Раҳмат. Сен ҳам келинни сўра... Тиллажон,
ростини айтсам, энди ухлайман.

- Э, дунё! - деди у ботиний ўқинч билан. - Одамзод-
нинг ўзгариши қийин бўлар экан-да.

- Ҳа, - дедим. - Лекин сен ўзгарма...

- Ўзгариб гўр бўлармидик энди... Лекин, Зойирга ай-
тиб қўй: сал-пал мундай орқа-ўнгига қараб... Нима? Мен
ҳам айтаман ахир... Лекин у менга ташланиб қолиш-
дан тоймайди... - Тиллажон кулиб, ёнидаги кимгадир
нимадир деди. Кейин: - Ҳа, Зойир ҳам ўзимиздай ўзгар-
майди... - деди.

- Рост айтасан.

- Хўп, хайр.

- Эй, биргина савол!

- Хўш?

- Об-ҳаво қалай?

- Зах босиб кетган... Айтмоқчи, Зойир сал бетоб.
Шамоллаган эканми, мазаси йўқ. Уккағар мелисалар
шундай пайтда обкетишибди. У касалхонага отланиб
турган экан. Ҳатто, "Тез ёрдам" ҳам етиб келган экан.
Ҳамширалар у ёкка тортармиш, мелисалар бу ёкка...
Бўпти-е! - деб юборди кейин. - Тафсилотини кейин
эшитарсан... Айтмоқчи, муҳбир жўраларинг бор-ку? Ре-
дакторлар сени танийди. Айт биронтасига: ана буни
ёзса бўлади...

- Раҳмат. Менимча, ёзишар, - дедим.

Трубкани жойига қўйдим. Сигарет тутатиб, ташқа-
рига чиқдим. Шундай пайтда қуёш чарақлаб турган бўлса,
қандоқ яхши-я! Аммо ҳавонинг қовоғи солиқ, ҳамон



эзиб ёмғир ёғарди. Лекин мен учун кўкда куёш бўлмаса ҳам ой чиққандек эди.

Чопонга ўраниб турарқанман, Зойирни кўргим келиб кетди: кўришсак, кейин менинг боғчамга ўтсак. Капам олдидаги диванда ўтириб, ёмғирни кузатиб гурунг қилсак...

Илова: Тилла айтганидай - орадан сал вақт ўтиб, "Халқ сўзи" газетамизнинг 1987 йил, 22 июл сониди хурматли журналистларимиздан Сафар Остоновнинг "Тазйик" деган каттакон мақоласи босилди: унда Зойиржоннинг, яъни "Чағониён" газетаси бош муҳаррирининг фавқуллодда қамокка олиниши ва мутлақо айбисизлиги исботлангач, уни қамокка олдирганларнинг айримлари лавозимларидан олингани, айримларига қаттиқ хайфсанлар берилгани батафсил ёзилган эди; ҳа, Зойирнинг қамалиши тафсилотларини мен ҳам ўша мақолани ўқиб билдим: "Хуррият" газетасининг 1998 йил 16 декабрь сониди босилган (муаллифлар: Б. Олломурад, М. Саъдий) "ЧАҒОНИЁН"ГА КЎЗ ТЕГМАСИН" мақоласидан эса ўша газетанинг Денов муҳитидаги ўрни ва вилоят миқёсидаги обрўи ҳақида талай янгиликларни ўқидим, Дарвоқе, ундан олдинроқ "Хуррият"нинг 1997 йил 30 июль сониди мен суйган журналистлардан Абдуқайом Йўлдошевнинг "ГАП БУҒДОЙДА..." деган мақоласини ўқиб, унинг кўпдан-кўп номдор журналистлардан гина қилгани, яъни, Зойир Мамажоновдан ибрат олиш ўрнига, уни "Шамол тегирмонига қарши қурашаётган Дон Кихот"га ўхшатиб юрганларини... ва "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасида босилган шоир Сирожиддин Саййиднинг "ЗОЙИР АКАНИНГ ГУЛХАНЛАРИ" номли гўзал мақоласидаги ёзувчи-журналист акасига нисбатан жўш урган самимий муҳаббатини... кўриб, ўзим-да ул инсон ҳақида бир нима ёзишни кўнглимдан ўтказган эдим. Фаришталар омин деган экан: ниҳоят, шу нарса - эссе ёзилди. Табиий, асарнинг шу кунларда ёзилишига сабаб...

... ёзилишига сабаб - Олий Мажлисимизнинг йиғини тугаб, депутатларнинг тарқаб кетишлари асноси бу "халқ вакиллари"нинг "истисно одамлар" эканлари ҳақида ўйга толиб қолишим бўлди. Ва улар вазифасини ўзга инсонлар вазифасига қиёслаш ўларок "депутат бўлмаган" истисно бир инсон ёдимга тушиб кетдики, қўл машинкага югурганини сезмай қолдим.

Мана, эссе тугади. Энди, уни бошдан охиригача кўриб чиқаман-да сарлавҳа топаман...

Сарлавҳа мана мен деб турган экан: "ЖЕБАЧИ". Ёки "Зойир ЖЕБАЧИ" бўлсинми?

Балки - ШИМОЛ ЁҒДУСИ...

Асаринг - "эссе" бўлсаям, уни тугатганингдан кейин ажралишинг қийин-а?

Яна нимани ёзсам экан?

ТОПДИМ:

Бундан беш-олти кун бурун Зойир билан телефонда

гаплашиб қолдик.

- Шуқур ака, бизни табрикланг, - деди у кулиб. - Газетачиликни билмас эканмиз. Президентимизнинг ТЎРТИНЧИ ҲОКИМИЯТ ҳақидаги сиёсатларини тушунмас эканмиз...

- Нималар деяпсиз? - дедим. - Яна нима бўлди?

- Тилла Менглиевнинг Қаҳҳоров деган ўринбосарлари катта бир мажлисда биз ҳақимизда шундай деб гапирдилар...

- Бекор гап.

- Ишонмайсиз-да!

- Мажлисида Тилла акангиз бормиди?

- Йўқ эдилар.

Эртаси куни Тилла Менглиевнинг уйига телефон қилдим. Тонг маҳали.

- Ха? Сен ҳам эрта туришни ўргандингми? - деди у.

- Ха, сендан юкди, - дедим. - Тиллажон, ўша Қаҳҳоров деган муовининг журналистми дейман?

Тилла кулиб юборди-да: -

- Э, топилмай кет сен ҳам, - деди. - Зойир айтдимми?

... Парво қилма. Муовиним кечирим сўради Зойирдан.

- Раҳмат, жўра.

- Сессия кунлари телефон қилиб сени тополмадим?

- Йўғимда телефон қилгансан-да.

- Бошқа гапинг йўқми?

- Йўқ.

- Тўхта... Зойир шу кузда 50 га қиради. Ўтиришга келарсан?

- Албатта...

Ана одамнинг умри. Кечаги ёшгина йигит - бугун элликка қиради. Ёшгина йигит эди. Бугун кимсан - республика танийдиган Зойир МАМАЖОНОВ бўлди. Бунгача қанча воқеалар ўтди унинг бошидан? Аллох "дастури"даги синовлардан ўтди; тобланди, етилди: каттакон қудратли куч қасб этди.

Инсоний қарашлари-эътиқодлари жилла ўзгармади: аксинча - мустаҳкамланди.

Мен хурсандман: шундай иним, ижодда - шогирдим борлигидан фахрланаман...

Унга бўлган муносабатимиз - меҳримни шу эсседа бир миқдор кўрсата олган бўлсам ҳам, инсоний - ёзувчилик бурчимни адо этган деб ҳисоблайман ўзимни.

Тошкент, 1999 й. август-сентябрь

Вафо ФАЙЗУЛЛО

МЕҲУҲТ ҚУҲУМ ҚЕЛАДУ

АРМОНСИЗ БУЛБУЛ

Ёш шоирга

Бедоғ умрим ўтиб, Тоғларга етдим,
Мен армонсиз булбул, ҳазонсиз баҳор!
Гуллар ўксинмаган кунларда битдим,
Ғусса мендан қочди, хуркди мендан зор.
Йўлсиз умрим хайр, ўзимни англай!
Масих шахидлар-да келар Навоий!..
Қўз очиб, кўзи юмук яшабман қандай?
Бетон ёрдан чиқди сўнгги Ёввойи.
Дилранг - яшил, сарик, сурх наво ўрлар,
Чўққидан чўққиларга ҳатлайди рухим.
Мен тўймадим сизга гизли чўққилар,
Менга термулади тўймасдан ўлим.
Букригина қирлар қобирғасида
Чипор илон билан ўйнар бинафша.
Мошалло, худовандо, елади садо:
- Яшасанг, фақатгина уйғониб яша!
Юпун саҳройининг хунук чечаги
Сенга интиламан айтмасдан алёр.
Қайғу эртаники, севинч кечаги,
Бошимни чакмоқ узса эдим бахтиёр!
Қоялар тепасида айланган бургут
Инсоний махлуқларни кўрар энг тубан.
Одамнинг дарди юксак - арабми, жухуд,
Итқитсанг, омон қолғум ғам-ғуссам билан!..
Шамол олдга солиб қувар риёни,
Теграмда ивирсийди ғўр, қора абр.
Мен расул эмасман-ку, соя дунёни
Йўқот кўзларимдан, менга нур зарур!

Тонгнинг елкасидан сув ичар асрор,
Гулнинг илдизи бор дилимда мани.
Жуда ҳам раҳмдилдир, жуда ҳам қаҳҳор
Куздан баҳор сари йўллаган мани.
Кесилган бошлар ётар сойликда тошлар -
Қулади қоялардан энг хур армоним.
Изланинг, кунда топинг фикртарошлар,
Барибир эрка ойдин эрк кабристони.
Ёруғ мўл, умидвор ўл, рухияти сил!
Ой чўқар чўққи титрар Ёр ифорида -
Бу нукта кўкларга-ю заминга манзил
Бок! Мени йиллаб кутган кўнгил дорида..
Мен армонсиз булбул, ҳазонсиз баҳор!..

АРАВА ОРТИДА...

1. Итман. Ўлигини кўрсатмайдиган
Улисам, оймомо боқмайди...
2. Ҳаммага ошқора, сенга эса сир,
Кўнгилдан Иблисни севдинг, билмасан,
Иймонли ғанимнинг нигоҳи дилгир,
Нафратхўр дўстларинг учун ўлгансан...
3. Баҳор - гуноҳимиз қочади,
Кўнгилга нечанчи кирган Сиз,
Ёз бизнинг қабримиз очади
Юзга солар ожизлигимиз.
4. Қувлик илми нораво,
Сурлик илми беимло.
Ё Обло! Ё обло!
5. Ҳамма жим
Даҳонинг ўлимин
Кутмоқда бетиним!..

ИККИ ТУШ

-1-

Отнинг ёлига ҳам оқ туши,
Юлдузни хуш кўрган отнинг ёлига
Юлдузнинг зулфига доғ туши...

-2-

Жийда бутасининг тагидан ўтдим
Тонготарга яқин
Энди кун бўйи мендан анқир телбалик
Айтмаслигим лозимлигин билсамда
хиёнатни гуллайман
Амалдор қул кулгимни кистатар
Йиғлатар ҳаёлимда қолган хур
Узр..
Мен айбдор эмасман
Тонготарда жийданинг тагидан
ўтганди сўкмоқ...

ҒУССАНИНГ КУНДАЛИГИ

1. Ҳали тонг отмаганди
Қиблага қарадим
Қаъба кўринди



2. Илтижомни қабул эт, Танграм
Ойдинлик бер
3. Ожизман
Залолат нафасим
Халокат-атиргул очилди
4. Шабнам гуноҳимнинг атвори
5. Илк сўзни айтмадим,
Охиргисин кутма
6. Ўйинқароқ ғояман
Етти марта исми эврилган
7. Кўрсат йўрғалайвераман
Йўлдир тўрт тараф
Кўзларим ҳам кўлдир
Ҳақиқатнинг кўзин ўйишга
8. Севганимдан олиб бер ғуссам
Туғ қиламан
9. Энди йўлсизликнинг ўзи етмайди
Ирода панд беришига ишонма!..

* * *

Тонгда туриб фол очириш
учун кетди.
ўзига мос
онаси учун
Нияти фолини изласин!
(омийн)

Шомда қайтди уйига
дебдираб
Азобдан маст эди.
Нуқул қийқирарди қаҳрдан
Кейин бир муқаддас нигоҳни
элади.
Йиғлади, йиғлади.
Маст ҳолда муножот қиларди:
Тутса Тангри қадах тутсин.
(омийн)

Ўсмир ўғлига термулиб уялди -

Гуноҳи

Бунча тарбиясиз

Фориғ бўлмаскан ғуссаси

Кўпайсин.

(омийн)

Нафратланар ўзидан.

Хатонинг бош бўғини деб

ўзига қарар.

Кўшк тиклади ўз ғазабидан

Ер билан яқсон эт бу кўшкни

(омийн)

Жодугар кўз сеҳри

Ўн йилни қаритди

Шу ўлатдан бошқа ҳеч вако йўқ.

Бир пайтлар овози бор эди ишқнинг

Хар қандай иштиёқдан юкори

Гулнинг чехраси

Шу қатл ва мактул ҳакки

Тирилтир! Тирилтир!

(омийн)

Уни севадиган ожизлик

Вафосиз бўл!

Вафосиз!

(омийн)

* * *

Ғуссамга йўқ бир эга,

Йўқ менинг ҳаққим сенга.

Дев оҳор, хуррам озор,

Сен учун таквим нега?

Нур ичсам хурдил баҳор

Ғул ечсам сенга, сенга...

Эгамас, 'Эга менга...

ИҚРОП

Балки шундан чиқмайди уним

Мен ўзимни ўзим камадим.

Энди менинг келмайди куним

Мен оралиқ йўлни танладим!..

* * *

Хаёл кўчасида югурдим

Жисмимга қарама,

Рухимни енгил эт!

Яшашга улгурай!

ЎЗИМИЗ ВА ЎЗГАЛАР

1. Ўзимиз хурмат қилмасак ўзимизни.

Ўзимиз ишонмасак ўзимизга,

Ўзимиз ўзимизни севмасак,

Ўзимиз йўл танламасак ўзимизга,

Ўзимизнинг йўлдан юрмасак ўзимиз,

Ўзимизга азоб бермасак ўзимиз,

Ўзимиз ўзимизни севинтирмасак,

Ўзимиз ўзимизга сўз бера олмасак,

Ўзимизни тинглай олмасак ўзимиз,

Ўзимиз ўзимизга ҳукмрон бўлмасак

Ўзимиз ўзимизга қуллик қилмасак,

Ўзимизни тушунмасак ўзимиз,

Ўзимизни тушунтира олмасак ўзимиз,

Ўзимизга рост демасак ўзимиз,

Ўзимиз ўзимизни алдай олмасак,

Ўзимизга қурбон қилмасак ўзимизни,

Ўзимиз ўзимизга ҳаёт бермасак,

Ўзимиз ўзимизга демасак салом,

Ўзимиз ўзимизга айтмасак вида,

Ўзимиз ўзимизга тутмасак Калом,

Ўзимиз ўзимизчун қилмасак нидо...

2. Ўзгалар ўзгаларга отар кўнглимиз,

Ўзгалар ўзгалардан сўрар: - биз киммиз?

Ўзгалар ўзгаларни қутқар: - ҳеч киммиз!

Ўзгалар ўзгалар деб тўқар хунимиз,

Ўзгалар ўзга ер деб Она-Еримиз

Ўзгалар ўзгаларни бошлаб келади,

Ўзгалар ўзгаларга дала-қиримиз

Ўзгадан ўзгачароқ мерос қилади,

Ўзгалар ўзгаларни этадир подшоҳ,

Ўзганинг юрагини юрак ўрнига,

Ўзгалар ўзгаларни этадир байроқ,

Тушамиз ўзгаларнинг тўрига,

Ўзгалар ўзгачароқ ишқни мактайти,

Ўзгадан ўзгачароқ ўзгарар тинмай алқайди,

Ўзга деб ўзимиз-ла бахтсизлик улфат,

Ўзгалар ўзгаларнинг ўтмас болтасин,

Ўзга қотил қолиб ўзга тутади,

Ўзгалар ўзгаларнинг ўғай отасин

Ўзимиз қарахт уйда кутади,

Ўзгалар ўзгаларчун ёкса туғимиз,

Ўзгалар фойдасига ҳар бир онимиз,

Ўзгалар ўзгаларча титса руҳимиз,

Ўзгалар ўзгалар деб олар жонимиз...

3. Ҳар замон ўламит, қачон биламит?

Дард кўпади қарзданда тубан!

Биз қачон келамит, қачон куламит?

Қаёққа борамиз ёруғ юз билан?..

Ўзимиз ўзимизни севмасак!..

КЎНГИЛ...

Ўзингдан ўзингни қаён хайдайсан?

Сен қачон ўзингни аён айлайсан?

Туғилгандан буён инсон сайлайсан,

Қани, севган дилинг - ғилмон, найлайсан,

Вале, кўрганингни ҳайвон, англайсан...

Кўнги, ким истайсан, ким истайсан ит?

Кет, десам келмадинг, кел, десам-эй, кет!

Ишқ деб ўйнаганинг рўёлар тўқди,

Юлдузга эврилиб, қабрга чўқди,

Сени ғар алдади, номардлар букди,

Фаришталар қарғаб, нур аҳли сўқди;

Қалайсан,

Қалайсан,

Қалайсан,

Кўнги, ким истайсан, кимга қарайсан?

Фикринга нил тортилган, яна тилгайсан!

Зикринга ўқ отилган, нега ўлмайсан?

Бўғзинга тонг тикилган, шомга сиғмайсан,

Кўнги, ким истайсан, ким истайсан зор,

Нега йўқ бўлмадинг, бўлмади туриб бор?!

Озурдажон аҳдлар қилганди нозинг,

Баҳоринг баҳмал киймай, ўрганди ёзинг,

Наҳот тийрамоҳдир ишонган қозинг?

Ахир бир телбага етмади розинг!

Кўнги, ким истайсан, ким истайсан кул?

Ярим дунё сағир, ярим дунё тул.

Кимда ҳаёнг қолди, кимда уятинг,

Кимда сийратинг бор, кимда сувратинг,

Мени ҳароб қилди сенинг хайратинг.

Нечун тамуқ сари фақат хижратинг?

Кўнги, ким истайсан, ким истайсан ОХ,

Оллоҳ кимни истар, кимни истар роҳ?..

Ўзингдан ўзингни қаён хайдайсан?

Сен қачон ўзингни аён айлайсан?

* * *

Баҳор ҳам қариди

Бир хил тушларим

Туйғу йўқ...

Рангларнинг ғуссаси қайрилмас

Юракнинг эгаси кимсасиз

Севги йўқ...

Яшамадим, кунлар ногирон

Юлдуздан қулайди хотира

Уйқу йўқ

Гулчекра МАТКАРИМОВА

БУ ҒАЛАТИ АЁЛ ЗОТИ...

... Европалик романтиклар мулоҳазасига кўра, эркак учун аёл хамиша ягона бўлиб келган ва шундай бўлиб қоладиям. Насронийликнинг дастлабки йилларида ўша пайтлари оддий турмуш тарзига айланиб кетган кўпни-коҳлик ва лаверат (бева қолган аёл эрининг укаси ёки акасига турмушга чиқишга мажбур эди) беқор қилинганни бежиз эмас. Эрамининг II асрида яшаб ўтган таниқли рим ёзувчиси киноя билан айтиб ўтганидай, агар Худо кўпхотинликни ёқламоқчи бўлганида эди, Одам Атонинг битта қовурғасидан битта хотин ясаб ўтирмасдан, унинг кўкрагидан бир неча қовурғани олардида, бирданига бир неча хотин ясаб қўяқоларди. Ҳаёти охирида бу ёзувчи монганчилар мазхаби ғояларига қизиқиб қолиб, охир замон ярқинлашиб қолганлигини, зоҳидона турмуш тарзини тарғиб қила бошлади. Энди унинг баҳосида аёл киши улкан ва тубсиз чуқурлик устида қад ростлаб турган гўзал ибодатхона тимсолида намоён бўла бошлади («Аёллар жиноятчилиги». Минск, 1996 й. 11-б.).

XIX асрнинг таниқли рус шоири Феофанов умрининг охирига қадар юксак туйғулар рицари-фавориси бўлиб қолди ва аёл ҳақида шундай тўлқинланиб ёзди:

Аёл - май ойида товланган шувъла,

Чирик саганалар узра тилла нур.

Аёл - беҳишт маскани сояси,

Аёл - бахт, муҳаббат ва кечиримлик.

Нега аёл образи ҳатто илҳом париси Муза хизматкорларида ҳам турлича талқин этилади? Нима учун, дейлик, ҳаддан ортиқ хиссиётларга берилувчан, бошқаларга ўхшамаган, қатъиятли аёлларга таъриф берилаётганда биз тез-тез у Мессалинага ўхшайди, Мессалинадай жазавакор, Мессалинадай айёр деган ўхшатишларни эшитиб турамыз?

Куртизанка, яъни юқори табақалар доирасида ўралашиб юривчи енгилроқ, бироқ эркин, оқила ва нозик табиатли аёл образи кўхна Римда қул олди-сотдиси авж олган даврлардаёқ кенг тарқалган эди. Айнан ўша пайтлари зеб-зийнатларга кўмилган улғувор саройларда миллат гуллари, маданият-санъат ва сиёсат оқсуяклари йиғилиб турардилар. Мессалина яшаган даврдан бери салкам икки минг йил ўтди. Рим ҳукмдори Клавдий уч хотин ва юзлаб жазманларни алмаштира-алмаштира, ниҳоят, бениҳоя соҳибжамол Валерия Мессалинани учратиш қолгандан сўнг танлашни бас қилди. Валерия эса империянинг биринчи хонимига айланган заҳоти ўзининг тийиқ бермас муҳаббат эҳтиросларига эрк берди. Маккора аёл ишқий саргузуштлари ҳақидаги гап-сўзлар кекса эри қулоғига етиб боришидан ҳам чўчимасди, зеро, ёзилмаган қонунга кўра ҳукмдор хотини шубҳадан холи бўлмоғи шарт эди: ҳукмдор оиласи шаъни ва гурурини топташга ҳеч кимга руҳсат берилмасди. Аёл мана шу имтиёздан роса фойдаланди! Ҳатто кўп нарсани қўрган, ахлокий жиҳатдан унчалик тоза бўлмаган римликлар ҳам аёлнинг маза-бемаза, инсон аклини тонт

қолдирадиган ишқ ўйинларига хайратланиб қараб ўтиришдан ўзга чора тополмадилар. Бешармлик шу даражага бориб етдики, Мессалина ёш, чиройли йигит Силий билан ўз тўйини очикдан-очик байрам қилишгача журъат этди. Энг қизиғи, у ўзининг мудом маст юривчи эрига ушбу тантананинг гувоҳи сифатида никоҳ шартномасини тутқазди. Бироқ ақли нокисроқ Клавдий ҳам охир-оқибат бағрига қандай илонни олганини сезиб қолди ва доғули Мессалинани ўлим жазосига мустаҳик этди (Минск, 1996 й. 50-57-б.б.).

Умуман, сал жиддийроқ мулоҳаза юритсак, руҳият оламида, юксак мақсадлар ҳукмронлигидаги улкан оламда жуда кўплаб жиноятлар айнан юксак ғоялар номидан амалга оширилади. Энг ажабланишли томони шундаки, бу ғоялар сохта ватанпарварлик, миллатчилик, сиёсий сўқирлик ва ҳоказо кўринишдаги турли гуруҳлар, партиялар, бирлашмалар учун фойдали бўлган шакл-шамойилга киритилади. Аёллар табиатан қурбонлик келтириш ғоясига тез берилувчан бўлганлиги учунми, никоҳдаги ниятларнинг камикадзеларига, ихтиёрий ва мутаассиб қурбонларига эвриладилар. Бундай ишонувчан аёлларга ортикча ўргатишнинг, уларни бошқариб туришнинг ҳам ҳолати йўқ. Бундай аёллар «ёрқин келажак», «ер юзидаги жаннат» учун ҳамма ишни ўзлари амалга оширадилар. Бундай аёллар аксар ҳолатда душман қиёфасини ўзлари излаб топадилар. Бу никоҳни ён-атрофдагиларга ўзлари ўлчаб кўрадилар ва айнан ўзлари бу никоҳга мос келган бандаларнинг жаллодига айланадилар. Булки шу сабаблидир, улкандан-улкан ғоялар таъсирига тушиб қолган мутаассиблар орасида жиноятчи аёллар ҳам, шунчаки соддалиги боис қурбонликка келтирилган аёллар ҳам кўп учрайди. Кристиан Лохтенинг эътирофи этишича (бу аёл ички хавфсизлик федерал агентлигида бошқарма бошлиғи): «Аёл киши иккиланиб ўтирмасдан отади, эркак эса аввал қочиб қолиш йўлини излашга мойил». Бу ўринда XVII асрнинг энг машҳур қароқчи аёлларидан бири бўлган Мэри Ридни эслаб ўтиш кифоя. 16 ёшида у эркак либосида эркакча Марк исми билан кавалерия полкига қўнғилли бўлиб қиради ва Фландрияда жанг қилади. Айнан шу ерда Мэри католикка йўл қўяди: ўз жанговар ўртоғини севиб қолади ва туйғуларини ортикча яшириб ўтирмасдан, унга ўз сирини очади. Жанжал-тўпалон кўтарилади: отлик аскарлар полкида аёл киши! Бироқ ҳаммаси босди-босди бўлиб кетади, Мэри ўз эри билан трактир очади. Бироқ худди шу маҳал уруш тугаб қолади. Полк ўз ватанига қайтади, Мэри ишсиз қолади. Шунда у ўзининг кўп йиллик орзусини амалга ошириб, Америкага бормоқчи бўлади. Мэри яна эркак қиёфасига қиради ва Америкага қараб йўл олаётган кемага матрос бўлиб ёлланади. Бироқ яна кизнинг омади келмайди: кемани денгиз қароқчилари қўлга олишади. Мэри узок ўйлаб ўтирмасдан қароқчилар томонига ўтади ва уларнинг командасида қолади. Орадан кўп вақт ўтмай ўлимни писанд қил

май жон-жаҳди билан кураш олиб борадиган, душманларни сира аямасдан чопиб ташлайверадиган ботир Марк Кид ҳақидаги афсоналар денгиз қароқчилари орасида оғиздан оғизга кўчиб юраверади. «Йигит»нинг обрўйи ошгандан ошиб бораверади. У қанчадан-қанча аскарлару матросларнинг қорнини ёриб ташлаган, дуэлларда кўплаб қизиган бошларнинг қатигини чиқарган. Аммо яна қахрамонимизга аёллик қалби панд беради: у кема дурадгорини севиб қолади. Қиз ўз туйғуларини яширишга уриниб, қийналиб юрган чоғда унинг пинҳоний севгилиси кеманинг энг кучли пахлавони билан жанжаллашиб қолади ва орага дуэл масаласи тушади. Ўз севгилисини қутқариш учун Мэри Рид бояғи пахлавонни улар белгилаган муддатдан бир соат олдин дуэлга қақиради ва ўлдирди. Шундай қилиб, суюкли йигитнинг ҳаёти сақлаб қолинади. Бироқ узок муддатга эмас. Қароқчилар кемасини ҳукумат кўшинлари асирга олади ва барча-барчани ўлим жазосига ҳукм қилишади. Ҳукм қилинганлар орасида бир аёл киши борлиги маълум бўлиб қолади. Бунинг устига ҳомиладор. Ўлим жазосини фарзанд тугилгандан кейин ижро этишга қарор қилинади. Мэрининг бундан кейинги тақдири ҳақида бирон-бир маълумот йўқ («100 машхур аёллар». Москва, 1999 й. 157-158-б.б.).

XIX асрнинг иккинчи ярмида соҳибжамол Сонька Олтин Кўл (Софья Блювштейн) исми Россияда афсонавий даражада машхур эди. Ўша пайтлардаги таникли журналист Влас Дорошевич уни деярли «Европага машхур» деб атаганиди. Чехов эса «Сахалин» китобида унга жой ажратган. Софья Блювштейннинг қизлик фамилияси Шейндля-Сура Лейбова Саломониак бўлиб, у эркиликда бор-йўғи қирк йилча яшади, холос. У қизлик чоғидан майда ўғирликлардан бошлаб, ўз фаолиятини узок Сахалинга қадар давом эттирди ва шу ерда қўлга тушди (1891 йили, навбатдаги қочишга урингани учун аёлни сахалинлик манфур жаллод Комлёв қўлига топширишди. Жаллод юзлаб маҳбуслар қуршовида Соньяни қип-яланғоч ҳолда очинтирди ва йигирмадан кўпроқ қамчи урди. Сонька Олтин Кўл тишини тишига босиб турди, миқ этиб овоз чиқармади. Сўнг у ўз хонасига амаллаб судралиб келди ва хушсиз қулади. Бир неча кундан кейин Олтин Кўл вафот этди. А. Чеховнинг ёзишича, у ўша пайтда 45 ёшда эди). Айёрлик-фирибгарликда тенги йўқ, мохир ўғри, истаса тағли-ғахтли оқсуяк аёлга, истаса монахиняга ёки оддий хизматкорга айлана оладиган

Сонька Олтин Кўл карта ўйинида бениҳоя уста бўлиб етишди. Истеъдод, хусн, айёрлик, ахлоқ қондаларини назар-писанд қилмаслик эса бу кишлоки аёлни алдам-қалдамлар даҳосига айлантирди. Хатто кўп нарсани кўрган миршаблар ҳам бу аёл фаолиятига нисбатан ўз хайратларини яширолмадилар. Миршаблар Сонькани ўзаро «юбка кийган шайтон», «кўзи сеҳр-жодулаб қўядиган даражада иблисона соҳибжамол» деб атардилар.

Криминал истеъдод ва машхурлик баросида Сонька Олтин Кўл ёнига яна бир афсонавий аёл Мата Харини (асл исми - Маргарета Гертруда Целе (1876-1917) қўйиш мумкиндир. Экзотик рақслар устаси, стриптизнинг дастлабки юлдузларидан бири бўлган бу аёл тез орада нафақат ишқий саргузаштлари билан донг чиқарди. Бу аёлни ўз томонига оғдириб олиш, унинг истеъдодидан самарали фойдаланиш учун дунёнинг илғор разведкалари вакиллари ташланишди. Биринчи жаҳон уруши даврида Мата Хари, афтидан, бир вақтнинг ўзида ҳам француз, ҳам герман разведкасига ишлаган. Халига довури тасдиқланмаган бўлса-да, 1917 йили у французлар томонидан суд қилинди ва Германия фойдасига жосуслик олиб борган деган айб билан отиб ташланди. Ўшанда Мата Хари 41, ёшга тўлган кун эди...



Бундай аёлларнинг яна бир ёркин вақиласи, собик совет фуқароси Мария Бергер (1956-?) ҳақида мухтасар гапириб ўтмоқчийдик. Бу аёлни яқиндан билганлар уни «Кора бева» деб атар-

дилар («Кора бева» - айниқса урғочилари ўта хавфли бўлган захарли ўргимчақлар тури, чакса ўлдирмай қўймайдди).

Эркак ўргимчак насл пайдо қилиш вазифасини бажариб бўлгандан сўнг урғочиси томонидан шафқатсиз тарзда еб қўйилади). Интерпол ва ФБР 11 йил унинг изидан юрди. Бир неча бор у албатта қўлга тушадигандек эди, аммо у хар сафар мўъжиза билан қутулиб қоларди. Холбуки, бу қобилиятли аёл ҳаёти тўлақонли бошланганди, зиёли оиласидаги ягона эркатой фарзанд, ҳеч нарсадан қамчилик йўқ, ота-онанинг меҳр-мухаббати, Москва консерваториясининг бообрў мусика мактабида фортепиано бўйича таълим... Буларнинг бариси бир дақиқада оёғи осмондан бўлди: ота-она автомобиль ҳалокатига учраб вафот этишди. Валерия таникли виолончел чалувчи бўлган оқсуяк хоним - онасининг синглиси қўлида таълим ола бошлайди. 1973 йили улар ўзларининг тарихий ватанларига кетишга қарор қилдилар.

Сафар олдида Мария ўзининг эски кадрони, таникли театр рассоми Тофик Байрамов хузурига хайрлашишга киради. Ўзи тавоб қилиб юрган аёлни бошқа кўрмаслигини ҳис қилган Байрамов унинг қадаҳидаги спиртли ичимликка кучли таъсир қилувчи уйку дорисини сепиб қўяди... Ярим кечаси ўзига келган Мария ўз номусига теккан эркакнинг бўйинини устарада кесади ва хонадан чиқиб кетади. Орадан уч кун ўтгач, хола-жиян Исроилга учиб кетишади. Бу ерда Марияни армияга чақиретишади ва хавфли участка бўлган исроил-сурия чегарасига юборишади. Бироқ бу пайтга келиб Мария ўзгариб бўлганди, энди у обрўли мусика мактабининг эркатой ўқувчиси эмасди. Биринчи қотилликдан сўнг кизнинг ҳаётга қарашлари кескин ўзгарди. Энди у оний лаҳзаларда мураккаб қарорларни қабул қила оларди. Тез орада у армиядан қочади ва Парижда пайдо бўлади. Мария янги танишлари билан банкни ўмармоқчи бўлади. Муваффақиятсизлик. Мария яна қотиллик қилади ва Париждан қочади. Шаҳардан-шаҳарга ўтган сайин кизнинг исми ҳам турли-туман бўла боради: Луиза Моро, Ирма Көх, Мария фон Штефенберг, Эльза Грюн... Ва ҳамма жойда бир хил манзара: наркотиклар, сўлрадикал гоғлар, фақир зиёлилар. Ва ҳамма жойда Мария бир хил даражада шафқатсизлик, дадиллик билан иш кўради. Энди уни ҳурмат қила бошлайдилар, ундан кўрқадилар. Мариянинг ҳаётида залворли гоғлар етишмаётгандек эди. Киз ўз излаганини тезда топади ҳам: баск террорчилик ташкилоти «ЭТА»га аъзо бўлади. Қатор шов-шувли қотилликлар ва қўпурувчилик актларидан кейин халқаро назарга тушиб қолган Марияга Интерпол ва АКШ федерал разведка бюроси қидирув эълон қилади. Бироқ Мария алақачон дунёнинг бошқа чеккасида: унинг излари Никарагуада кўрингандай бўлади. Сомос маъмуриятининг бир неча арбоблари ўлдирилади. Энди Марияни Клаудиа Рамирес номи билан билишади. У кокаин қироли Пабло Эскобара билан танишади ва унинг ишончли одамига айланиб, жанубий штатларга наркотик моддалар етказиб бериш билан машғул бўлади. 1984 йили ФБР ходими Мелвилл Стром Марияни ўз агентига айланттиришга муваффақ бўлади. Ташкилотдаги кетма-кет муваффақиятсизлик ва қама-камалар кокаин қиролини хушёр торгтиради. Унинг хавфсизлик хизмати аста-секин Марияга чиқади. Мана шунда ноилоҳ қолган Мария ўз ҳаётини сақлаб қолиш эвазига Эскобарага унинг ташкилотда федерал разведка бюроси агентларини топиб беришни ваъда қилади. Мариянинг фожиявий хатоси шундан иборат бўлдики, у агентлар исмларини Эскобара хавфсизлик хизматининг бошлиғи бўлган Дон исмли кишига айтади. Афсуски, сотқинлар рўйхатида Доннинг укасининг исми бор экан... Орадан бир неча кун ўтгач, Мария Бергер ва Мелвилл Стромнинг ярим қуйган жасади чуқур жарликдан, мажакланиб кетган «OPEL» енгил машинасидан топилди. Полиция ҳисоботида бу ҳол бахтсиз ҳодиса деб кўрсатилди...

Бизни ўқувчимиз танқид тиғи остига олмас, дея умид қиламиз. Ахир биз, эҳ-хе, қанчадан-қанча саргузашт ишқибозлари бўлган, қисмати ажойиб-ғаройиб кечган аёллар ҳақида мухтасар бўлса-да, тўхтала олмадик. Дейлик, Бьянко Капело (1548-1587), ўз даврида Венециянинг энг соҳибжамоли бўлган бу аёл саргузаштларини

деярли чорак аср мобайнида бутун маърифат аҳли кузатиб турди; Марина Мнишек - польшалик таваккални хуш кўрадиган соҳибжамол, сохта Дмитрий I ҳамда II ларнинг хотини бўлган, ўзини рус тахтининг маликаси деб билган; Мария Пти (1665-1720), дунё айланиб, ўзини Франция қироллиги элчихонасининг бошлиғи сифатида кўрсатиб келган; машҳур юракхўр Эмма Лайон; Неаполдаги Британия элчисининг хотини леди Гамильтон (1763-1815); ўз жанговар бандасини Хитой маҳфий ташкилотлари принципида ташкил этган, Хитой қароқчилари маликаси Вонг хоним... Дарвоқе, Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатлари тартиб посбонлари 1964 йилиёқ қароқчи аёлнинг биргина сурати учун 10 минг фунт стерлинг (ўша вақтлар бу миқдор улкан сармоя эди) мукофот ваъда қилишганди. Бироқ ҳаммаси бесамара бўлиб чиқди. Хозиргача Вонг хонимнинг юзини кўрган ва шундан сўнг тирик қолган бирон одам учрамаган.

Ўзимизнинг кўҳна, сирли Шарк-чи? Айтайлик, ростдан ҳам Спитаменнинг бошини ўзининг хотини олганми? Навоий учун Хадичабегим ким бўлган? Амир Темур тақдирда Сароймулкхоним қандай ўрин туган? Увайсийнинг ажойиб-ғаройиб тақдирдан бохабармисиз? Қурбонжон додхонинг мураккаб, фожиаларга тўла ҳаёти ҳақида ўқиганмисиз? Нурхон, Майна Ҳасанова, Зебо Ғаниева, Зарифа Саидносирова...

Ҳа, биз кўп, жуда кўп аёллар ҳақида, қисқа-қисқа бўлса-да, мақолалар битмок ниятида эдик. Афсуски, бунинг учун имкониятимиз етарли эмас, бунинг устига нашр саҳифалари ҳам чекланган.

Улуғ Будда айтган эди: «Ўзингга шундай дўстлар топишга ҳаракат қилгинки, токи улар ё сенга тенг, ёки сендан ҳам яхшироқ бўлсин; бундай дўстларга эга бўлганингдан кейин эса улар билан ўз қувончингни баҳам кўр; мабодо бундай дўстларни топишни удалай олмаган, сени ёлғизликда яшашга мажбур қилаётган ҳаётингга ҳам шукроналар айт» (Будда. «Ҳаёт. Таълимот. Фикрлар...» Минск, 1998 й. 33-101-бетлар.).

Азиз ўқувчи! Биз ўз мақоламыз билан бугун эътиборингизга ҳавола этилган мавзу уммонининг бир катрасинигина кўрсата олишга уриндик, холос. Ҳа, тарих чексиз баҳри уммон. Миллионлаб, миллиардлаб одамлар бу дорилбақога келиб кетдилар. Улар давлатлар бунёд этдилар, бу давлатлар инсонларнинг қалб кўри, юрак туйғулари боис янада юксалдилар, гуллаб-яшнадилар. Тарих улкан-улкан салтанатлар емирилишининг, парчаланишининг, бутун-бутун халқлар, элатлар сиғиниб келган эътиқодларнинг қуйиб қулга айланишининг шохиди бўлди. Ҳа, тарих - улуғ муаллим. Биз бениҳоя мамнун бўлардикки, агарда ушбу камтарона меҳнатимиз самараси бўлмиш бадиани мутолаа этгандан сўнг сиз мухтарам ўқувчимиз ўзингизнинг дунёга, Ватанингизга, атрофингизни ўраб турган одамларга, қариндош-уруғу дўст биродарларга, қолаверса, аёлларга муносабатингиз ҳақида андаккина бўлса-да мулоҳаза юритишга уриниб кўрсангиз. Бизнинг ишончимиз комил, сиз бу жараён асносида уларда ҳам, ўзингизда ҳам недир янгиликни кашф қиласиз. Демак, гурунгимиз самарали бўлди дея айтишга ҳаққимиз бор, илло, сизнинг ўша кичик кашфиётингизда бизнинг ҳам заррагина хиссамиз бордай.


ТУШЛАРИМГА КИРГИН, САМАРҚАНД

* * *

Туман ҳоким, туман ёсуман,
Гувуллаган теғирмон дара,
Хотир - темир қопқа остидан
Бузиб чиққан, кўпчиган яра.

Бу не қисмат, бу не оғудир,
Дилни кўркув босади факат.
Кўзлар намдир, хотир доғлидир,
Қай томонга юрмоқлик керак.

Алпомишнинг отлари қани?
Чорламайди нечун дупури?
Кулоқларим қар этди, ахир,
Уйғонётган майса шиври.



* * *

*Самарқанд - Бу Ўзбекистоннинг
Остонаси, биринчи сўқмоқ...*

Хуршид Даврон.

Бола эдим бўшанг, кишлоки,
Акамларга бир дард, «йиғлоки» -
Суратларинг севардим... Хайрат -
Тушларимга киргин Самарқанд.

Аврадиҳлар кўнгил қушларин,
Учар гилам тунлари учиб,
Телбавор ишқ йўқолган хушлар,
Дилда ўсди қайноқ ёш ичиб.

Хархашалар йилларда кетти,
Қайдасан эй, мен келдим Хайрат?!
Бибиҳоним ... бисотларидан,
Кўзларимга кўйилди ҳасрат.

Саволларда хаёл тентиди,
Регистоннинг рангларин олиб.
Бисотимда саналар эди,
Саналардай қолдимку қотиб.

Битикларда ингради тилсим.

* * *

Оёқларим тағларида ганч,
Хайратимга изладим исм,
Савол туғди савол, яна ранж.

Бола эдим бўшанг, кишлоки...
Қайга кетдинг болалик, Хайрат -
Маҳкам босгил қочоқларингга,
Эриб кетсин бағрингга тийрат.



* * *

Ёмғир ёғар изғирин,
Лой чаплайди арава.
Бедав измида тизгин,
Йўл чувалган калава.

Қора туман қаърида,
Сароблар милтирайди,
Хаста она бағрида,
Беш гўдак дилдирайди.

Ойи, қайга кетяпмиз,
Борми манзил адоғи?
Қорни оч беш гўдакнинг,
Тутамайди сўроғи.

Онанинг кўзларидан,
Ёшми, ёмғир томчилар.
Сўз - ёлғон, сукут - афғон.
Асаб отни қамчилар.

Ғичирлайди арава.
Ҳансираб борар бедав,
Зимистон, чексиз дала,
Қалбга солар минг буров.

Беш ўғлон беш томонга,
Ҳадик ила мўлтирар -
Дуч келган ҳар тепада,
Девми, юхо ўлтирар.

Қоронғулик кўйнига,
Шўнғир қорайиб нукта,
Илонсиз йўл бўйига,
Тушиб қолар нон ҳалта.



ЭШНИЁЗ ЁКИ АЛДАНГАНЛАР ФОЖИАСИ

Бугунги ўзбек насрига диққатни қаратсак, кўплаб ижобий ўзгаришларни кўриб қувонамиз. Хусусан, адибларимизнинг мавзу доираси кенгайганлиги эътиборга молик.

Таникли ёзувчи Шукур Холмирзаев истиқлолчилик ҳаракати мавзуидаги бир неча асарларнинг муаллифи бўлиб, у бу асарларнинг кўпини Ўзбекистон Республикаси ҳали мустақилликка эришмасидан олдин яратган. Шунинг учун адибнинг асарларида яқин ўтмиш доғларининг юки борлигини кўрамиз. Лекин бу ёзувчи асарларини қоралашга асос бўла олмайди. Ўша «шонли» йилларда истиқлолчилик ҳаракати мавзуида асар яратган адибларнинг ижоди билан солиштирилганда Шукур Холмирзаев ўз асарларида тарихий ҳақиқатга ҳаётий ёндашганини кўриш мумкин.

Ёзувчи ўзининг «Сўнмас ўт», «Абдулла Наби ўғлининг сўнгги кунлари», «Эсиз Эшнӣёз», «Қил кўприк», «Қора камар», «Олабўжи» асарларида истиқлолчилик ҳаракатини аниқ ва реал ёритиб бера олган.

Шукур Холмирзаевнинг асарларини, хусусан, «Эсиз Эшнӣёз» қиссасини ўқир эканмиз, ўзимизни ўша суронли йилларда юргандек ҳис қиламиз.

Қиссада адиб қахрамонининг исми нима учун Эшнӣёз қўйилишига ҳам алоҳида тўхталган. Буни қуйидаги парча мисолида ҳам кўришимиз мумкин: «Кўшбулоқнинг энг йирик бойи - Мамаражаб жебачи бўлиб... шу бойнинг хизматкорларидан бири Юнус обкашнинг... қапасида иккинчи ўғил туғилди. Боланинг боши ҳумдек, қоқ тепасида қафтдек нори бор, кўзлари аланг-жаланг қилиб туради.

Унинг чилласи чиқар қуни момоси Жанғил кампир «Нори бор, хосиятли бўлади. Кенгизлар, шу ниёзи умрига эш бўлсин», деб Эшнӣёз номини қўйди» (Шукур Холмирзаев, Тохир Усмонов. Кўчки. «Ёш гвардия» нашриёти, 1990 йил).

Шундай қилиб, Эшнӣёз эртақларда нақл қилинганидек, кўз очиб юмгунча ўқтам йигит бўлди. Ўзидаги бир қатор фазилатлари билан Хўжамшукур тўқсабодек кишининг эътиборини қозонади. Тўқсабо уни ўз фарзандидек кўриб, хаттоки Мамаражаб бойнинг вафотидан сўнг уни оқсоқол қилиб тайинланишига сабабчи бўлади.

Октябрь тўнтариши Эшнӣёзнинг ҳаётида ҳам тубдан тўнтариш ясади.

Аммо, Эшнӣёз бирданига шўрочилар томонига ўтгани йўқ. Қизил армиянинг Бойсунга бостириб келган қуни Бўри тўқсабонинг: «Эр йигитнинг юртини ёв олама? А? Мусулмонлар, айтинглар, қайси замонда ўрис бизга озодлик олиб келган эди? Оқлошшо тўралари эсларингда борми, жигарлар? Қазаклари-чи? Улар билан бу қизил аскарларнинг фарқи нимада? Қийим-бошида, холос! Эй, Бойсун эли», (ўша манба. 149-бет) деган гапидан сўнг Эшнӣёз ва бошқалар қўлларига қурол олиб юрт истиқлоли учун курашга отланишади.

Демак, Эшнӣёз дастлаб миллий-озодлик курашининг фаол иштирокчиси бўлгани. Лекин Шўро раҳбарларининг устамонлиги туфайли сафларига хоинлар аралашгач, улар кўпайгандан кўпайгач, истиқлолчилик ҳаракати қатнашчилари энгиллади, бироқ Салом, Эрмон ва бошқа кишилар курашни давом эттиришади. Эшнӣёз ва унинг сафдошлари эса ўзлари хоҳламаган ҳолда шўрочилар сафига ўтиб қолишади.

Бунга Шўро ҳукумати томонидан қўлга олинган пири Хўжамшукур тўқсабонинг «Дунё қўлдан кетибди!... Тақдирга тин бер энди, улим» (ўша манба, 155-бет), деган гапи ва фавқулодда Комиссия - ЧК раиси Гейзернинг галаён бостирилгандан сўнг халққа қарата айтган гаплари сабаб бўлади.

Аммо тақдирнинг аччиқ ҳазилига қарангки, адолат тантанаси ўрнига фожиа содир бўлиб, Эшнӣёз ўзи қарши курашган истиқлолчилардан бири Эрматбой билан бирга сургунда бўлади. Совуқ ўлкаларда беғуноҳдан беғуноҳ ўлим топади.


Тарихий ҳужжатлардан маълумки, Эшнӣёз каби Шўро давлатига садоқат билан хизмат қилганларнинг кўпчилигининг тақдири шундай яқун топган.

Қисса соф бадий асар эмас. Тарихий воқеалар бадийлаштирилган ҳужжатли асардир. Ёзувчи асарда Шўро давлати, ундаги раҳбарларнинг кирдикорлари, уларнинг қиёфасини ҳаққоний тасвирлаб, Бойсун табияти, ундаги одамларнинг ўзига хос характерини ишонарли акс эттириб бера олган. Бу эса асарнинг ўқимишли чикишини таъминлаган, ҳужжатлиликдан кўра бадийлигини оширган. Бу эса Шукур Холмирзаевнинг истеъдодли ёзувчи эканлигини кўрсатади.

Муҳайё ХАМИДОВА, аспирант

ҚИРЛАРДАГИ

МАЙСА КАБИ УНДУМ ЯНА



ИЛТИЖО

Хуррият шиддати гувлар долғали
Тошқин хайқириқлар чўзилмиш кўкка!
Исёнлар гупириб қалбда ёнади
Худойим, мангулик, шон бер ўзбекка.

Кўлловчи рух, ота-бобом зафари
Бу юртда яшайди боқий бир нусрат
Ўзбек - миллати бу - олам сарвари,
Худойим, сен унга қилгин мурувват!

Йўригингдан ўзга йўли йўқ борар,
Сендан ўзгага ҳам топинмас асло.
У бутун жон-жаҳди билан ёлборар,
Бизни энг юксак эт, Тангри таоло!

Дуолару жони фидолар ҳаққи
Келиб кетмас давлат айлагин нисор.
У сени жонидан севгучи халққи
Энг аввал ўзбекни сев, Парвардигор!

Қадимий миллатмиз миллион-милён
Ҳар юрак зарбида янграр хур нидо,
Бизлар шу бахт учун тикажакмиз жон
Энг буюк музаффар ҳаёт бер, худо!

* * *

Бир хушбўй, муаттар, ҳам истарали
Ҳам гулрўй, мунаввар, чирок сингари

О, қалб, ҳаётимнинг эй фариштаси
Сўлдингми, ярқираб, ёнмас ҳисларинг.

Сўлмагин! Юракда ишқ мўмиёсин,
Хофиз кўнгилларга тўлдириб сунган.
Келтиргин фалақдан аршнинг зиёсин,
Ҳисларда жаннатий озодлик унсин.

О қалб! Ҳаётимнинг эй фариштаси
Оллоҳ нури билан мангусан, ўлмас.
Ҳаётнинг шу қадар буюк ишваси
Мингта шоир бўлиб, севмасдан бўлмас.

Ҳаёт минг бор гўзал мен кўрганимдан
Мен кадр қилгандан минг бор кадрдон.
Меҳр ялов бўлган қудратим билан,
Қалб, минг бор ўтлироқ, фидойироқ ён!

* * *

То тугилдим, тарк этмади минг бир савол,
Ҳаёт нима, умр нима, ўзим кимман?
Кечагина бор эдим-у, мисли ҳаёл
Эртага бир тутун қолмас ҳаётимдан.

Мен ҳам севдим, бу дунёнинг шодликларин.
Чирой нима, хузур нима, нима баҳор.
Мангу қолсин дедим, меҳр тошқинларин,
Аммо бари кетди, ҳайрон боқдим абгор.

Қирлардаги майса каби униб, яна
Қовжираркан милён кўлин, кўкка чўзиб,
Шўрлик инсон излар мангу бор бошпана,
Нима кулфат йўлларини чикқай тўсиб.

Яшамоқни билолмасдан бўлиб сарсон
Ҳаёт йўлим ўргатувчи билмай ким бор.
Ғамгин бошим урдим сенга ушбу замон
Ёлғиз ўзинг устоз экан Парвардигор.

Сен - юракдан аламларни кетгазгучи,
Ҳаётнинг ҳам ҳаётлигин энди кўрдим.
Сен бор экан, мағлублий йўқ, ўргатувчи
Сен бор, ҳечдир, жаъми офат ва ё ўлим.

Сен бор энди ҳаётимда қодир эгам.
Ҳам йўлимга, ҳам кўнглимга келди мазмун.
Ҳам умримга, ҳам ўлимга, тақдирга ҳам,
Боқажакман энди голиб, энди мамнун.

ЎТИНЧ

Айт юрагим қайдасан, қайда юрибди ҳаёт?!
Рухим дайди етимдай, эгасизми ёввойи.
Менинг ўзлим гўё, ўзимга ҳам етти ёт,
Иродам ҳам жон берган, бўйсунмайди ҳавойи.

Қачон соврилдим ахир, ўзагимни ёв урди.
Қайси санчилган тигдан, беҳуд, беҳушман, лоқайд.
Нега менда карахтир Худонинг берган умри.
Бир кун Худо олдида, нима деяжакман айт?!
Дунё! сенинг қўлингда қум зарраси сингари
Балки одамлар жони беҳисобдир, бесанок.
Аммо биргина умрим, ўзимга, ўлдиргани
Бериб қўймасман токи, энг буюк бурч яшамок.

Эй, шуур, онг бергувчи, тасаввур ёғдусида
Ҳақ кўзила ҳаётимга сололсайдим бир назар.
Бир лаҳза англай токи, мавҳумат кутқусида
Ўз умримдан токи ўзим ўтганимни беҳабар.

Токи уммон қаърига, бир кун чўқар бўлсам.
Токи ҳаёт мени ҳам, бир кун кўрар бўлса кўп.
Мен қўлимни чўзганда, токи кутқармаса ҳам.
Ҳаётимда нимадир бўлсин уммондаги чўп...

* * *

Келар кундан йўқ умидимиз,
Лек керакмиз бир-биримизга.
Ковушмоқ-чун йўқ вужудимиз,
Биз юракмиз бир-биримизга.

Агар сени севмаган бўлсам,
Ўпар эдим қўлингдан бир бор.
Сен азизсан севинчимдан ҳам,
Етказмоқдан кўрқаман озор.

Биз севди-гу, юракларимиз
Учиб юрган икки фаришта
Оёғингга бош урай десам,
Оёғинг ҳам кўкнинг аршида.

Дунё бунча ёруғ севгимиз,
Нега бунча азиздир ҳаёт.
Чунки, бизга осмон бегона
Чунки, энди ер ҳам етти ёт.

Келар кундан йўқ умидимиз.
Ва эртага кетсак ҳам ажраб,
Севгимизни юракларимиз
Кўк токида юришар асраб.

Биз фалакнинг нурли аршида
Ҳали минг йил сурамыз даврон.
Юрагимиз икки фаришта
Фаришталар ўлмас ҳеч қачон.

* * *

Бари ўтар, бари энди тугар бўлди.
Менинг умрим жар томонга қулар бўлди.
Умримнинг энг сўнгги кунни сени кўрдим.
Сенсиз ўтган кунларимдан қулар бўлдим.

Яшамабман сени кўрмай шу чокқача
Юрагимни эзгилаган кийноққача.

Мен ҳаётнинг гўзаллигин билмас эдим.
Сен кўрк бердинг, хусн бўлдинг бу боғчага.
Бу боғчанинг назокатин кўриб нетай,
Кўзларимни сенга бериб, қайга кетай?
Жар тубида кутар мени бир зирхли тош
Сенга фақат оҳим етгай, додим етгай.

Эй, дунёнинг назокати кўзим сенда
Мен қолмасман, қолсин сўнгги сўзим сенга:
«Менинг учун энг ардоқли ўзим эди,
Олгин десам, арзимасман ўзим сенга».
Бари ўтди, бари энди тугар бўлди.

НОТЎҒРИ ХУЛОСА

Покиза эмасман. Айб қилмасам гар,
Ўзим ўз жонимдан тўйган бўлардим.
Ёинки олдинроқ, қасддан муқаррар,
Кимлардир ўлдириб қўйган бўларди.

* * *

Бўғзимда бир йиғи исмингни айтсам
Бахт деганлари ҳам аччиқ шаробми?
Дунёга севмасдан юрганлар хакам,
Севганларнинг холи мендай харобми?
Сен билан умрнинг гуллаб яшнаган
Ҳеч ким учолмаган токида учдим.
Аммо бугун тушкун, зор-зор қақшаган
Иложсиз қолганлар чоҳига тушдим.
Чопай десам энди оёқларим йўқ.
Сени топай десам, кўрмас кўзларим.
Сени чорлай десам, томоқларим йўқ.
Узилиб-узилиб инграр сўзларим.

Титроқ юрагига найза санчилган
Ўксик ва ташландиқ девонадайман.
Бир-бир чиқаверар жоним халқумдан
Ҳеч қачон келмайсан, даволамайсан.

Ҳаёт ёмон кўрмагани мени асло,
Балки бағри тўла ҳали мурувватга.
Ҳаёт билан хайрлашмоқ мумкин, аммо
Хайр дея айтолмайман муҳаббатга.

* * *

Мен-ку бир чилвирман,
Белларинг яхши
Лабингда бол тутган, тилларинг яхши.
На севги изҳори сўзимга келди,
На мендан сўрадинг, феълларинг яхши.

Танимда неки бор, барчаси кетди.
Дилнинг рутубати, зардаси кетди.
Бир маюс жилмайиб, кўзимни юмдим.
Орзунинг ушалган шарпаси кетди.



Усмон АЗИМ,
Ўзбекистон халқ шоири

АЛПОМИШНИНГ ҚАЙТИШИ

Муқаддима Ва ун
қисмдан иборат
драма



Қатнашувчилар:

Алпомиш - 25 ёшларда.
Ойбарчин - 25 ёшларда.
Ёдгор - уларнинг ўгли, 7 ёшда.
Бойбўри - Алпомишнинг отаси, 60 ёшларда.
Кунтуғмиш - Алпомишнинг онаси, 55-60 ёшларда.
Қалдирғоч - Алпомишнинг синглиси, 25 ёшларда.
Ҳаққул бахши - 20-25 ёшларда.
Қоражон - 25 ёшларда.
Култой - 65 ёшларда.
Ултонтоз - 35 ёшларда.
Сафар олакўз.
Эргаштоз.
Ордонакул.
Фовур.
Амирхожи мулла.
Ҳасан қоровулбоши.
Саид маҳрам.
Фармонкул.
Навкарлар, аёнлар, халқ ва бошқалар.

МУҚАДДИМА

*Дўмбира айрилиқдан айтиб бўзлашни бошлаган. Ба-
ҳорга кўмилган дашт. Бир тепанинг устида Алпомиш ва
Барчин.*

АЛПОМИШ. Хуш қол, Ойбарчин, кўришгунча...

БАРЧИН. Ой бориб, омон қайтинг, бий бобомнинг ули!

АЛПОМИШ. Барчин... Агар мабодо Қалмоқдан қайт-
масам...

БАРЧИН (*чўчиб тушиб*). Нега қайтмас экансиз?

АЛПОМИШ. Мабодо қайтмасам, улимнинг отини
ЁДГОР. қўй...

БАРЧИН (*кўзи жиққа ёшга тўлиб*). Нега қайтмас экан-
сиз?

АЛПОМИШ. Йиғлама! Айтганимни қил!..

БАРЧИН. Уллигини қаердан биласиз?

АЛПОМИШ. Тушимда аён бўлди.

БАРЧИН. Бий бобомнинг ули, қайтмаслигингиз ҳам аён
бўлдимиз?

АЛПОМИШ. Барчин, яхшилаб қулоқ сол!.. Чақалоқ
дунё юзини кўриб, фарзандимизга илк бор кўксингни
тутганинда, ҳозир айтадиган гапларимни вужуду рухин-
гни тўлғозиб такрорла: элингнинг оти - Кўнғирот, де!

БАРЧИН. Кўнғирот, дейман...

АЛПОМИШ. Туғилган юртинг Бойсин, де!

БАРЧИН. Бойсин, дейман...

АЛПОМИШ. Отангнинг оти Алпомиш де!

БАРЧИН. Алпомиш, дейман, бий бобомнинг ули, Ал-
помиш, дейман!

АЛПОМИШ. Эсингдан чиқарма!

БАРЧИН. Бий бобомнинг ули! Ичимда...

АЛПОМИШ. Ичингда?.. Нима бўлди?!

БАРЧИН. Болам... Боламиз... Қимирлагандай бўлди!..

АЛПОМИШ. Уч ойлик гумона ҳам қимирлайдимиз!

БАРЧИН. Назаримда, гапларимиз уни кўзғотди, бий
бобомнинг ули!

АЛПОМИШ. Агар етти ойда қайтмасам...

БАРЧИН. Етти йил кутаман!

АЛПОМИШ. Етти йилда қайтмасам...

БАРЧИН. Етти юз йил кутаман!

АЛПОМИШ. Етти юз йилда қайтмасам...

БАРЧИН. Етти дунё тургунча кутаман!

АЛПОМИШ. Етти дунё ҳам айрилиқ дарёсида оқиб-
оқиб адо бўлса-чи!

БАРЧИН. Барибир кутаман! Бир кунмас, бир кун кўзла-
римнинг ёшини аритгани келасиз, бий бобомнинг ули,
келасиз! Чунки...

АЛПОМИШ. Нима "чунки"?..

БАРЧИН. Алпомишсиз эл бўлмайди, бий бобомнинг
ули.

АЛПОМИШ. Хуш қол, Ойбарчин.

БАРЧИН. Сизни худога топширдим!..

АЛПОМИШ (*кета туриб*). Сени ҳам худога топширдим!
Айтган гапларим эсингдан чиқмасин!..

БАРЧИН (*Алломишнинг ортидан қичқириб*). Элингнинг оти - Кўнғирот, дейман!.. Турилган юртинг - Бойсин, дейман!.. Отанг - Алпомиш, дейман! Бий бобомнинг ули, Алпомиш дейман!..

АЛПОМИШ (*сахна ортидан*). Омонликда кўришгунча, Ойбарчин! Омонликда кўришгунча!..

Алпомиш чиқиб кетган сахнада унга толпинганча Ойбарчин қолади. Дўмбира оҳанги авжга чиқиб, йиғлайди...

1

Орадан етти йил ўтган. Бир тепаликнинг кунгай бети. Қултой чол, ёнида хуржини, хўнграб йиғлаб ўтирибди.

ҚУЛТОЙ. Воҳ, болам! Бедарак кетган болам! Элини излаб изсиз кетган, болам!..

Алпомиш кириб, бир четдан унга ҳайрон қараб туради.

На тиригини биламан сени, на ўлигини!.. Воҳ, болам!.. Армон билан фарзандимдан айрилдим!

АЛПОМИШ. Бобо... Нима бўлди?.. Нимага бўзлаяпсан? Қариганда фарзандингдан ажралдингми, бобо?

ҚУЛТОЙ (*чўчиб тушиб*). Сен кимсан?

АЛПОМИШ. Йўловчиман.

ҚУЛТОЙ. Алдама, сенларнинг жазирингдан боламини ҳам йўқлаб йиғлай олмайманми?

АЛПОМИШ. Йиғлайвер, бобо, йиғлайвер!..

ҚУЛТОЙ. Йиғлаб бўладима бошимда қаққайиб турсанг! Библи кўй, чўли биёбонда эрким ўзимда - хоҳласам йиғлайман, хоҳласам куламан!..

АЛПОМИШ. Хоҳлаган ишингни қилавер, бобо! Ихтиёр ўзингда!

ҚУЛТОЙ. Қаердан ой чиқди? Ҳа, айёр бўлмай!.. Ихтиёримга кўйиб, кейин бориб айтмоқчимисан? Теримни шилдирмоқчимисан?

АЛПОМИШ. Бобо, эсингни йиғ, мен бир йўловчи бўлсам... Кимга айтаман!

ҚУЛТОЙ. Сенга ўхшаганларнинг ўшагидан Бойсин-Кўнғиротнинг қанча қарчиғай йигитлари шахид кетди!

АЛПОМИШ. Қандай гўрсўхтасан, бобо! Мен йўловчиман! Қалмоқдан келаяпман...

ҚУЛТОЙ. Қаердан келаяпсан? Қайтариб айт, бўйингдан, қайтариб айт, қаердан келаяпсан?!..

АЛПОМИШ. Қалмоқдан келаяпман...

ҚУЛТОЙ. Бермон кел, бир кўзингга қарай, бермон кел!.. (*Алломишнинг кўзига термулиб.*) Айгоқчига ўхшаймансан, йўловчи... Қалмоқда... нима гап?

АЛПОМИШ. Хотиржамлик, тинчлик...

ҚУЛТОЙ. Сен у ёқда Алпомиш деганнинг дарагини эшитмадингми?

АЛПОМИШ. Эшитдим...

ҚУЛТОЙ. Садақанг кетай, йўловчи, айт, Алпомиш омонми, ё...

АЛПОМИШ. Айтаман, бобо, айтаман... Фақат сен йиғлаганинг сабабини тушинтирсанг берсанг...

ҚУЛТОЙ. Э йўловчи! Бўйингдан айланай, йўловчи! Мен ўзимнинг улим учун эмас, Бойбўрибийнинг ули Алпомиш учун йиғлаяпман. Икковимиз кўп ҳадрдон эдик - билмаган Алпомиш Қултойнинг ули дер эди, билганлар Қултой Алпомишнинг кули дер эди. Шундай алп йигит Қалмоққа бориб, йўқолиб кетди. Мамлақати кулларга қолиб кетди! Шунга чидай олмай, чўлу биёбонга чиқиб, йиғлаб туриб эдим.

АЛПОМИШ. Бобо, нега чўли биёбонга чиқиб йиғлаяпсан? Элнинг ичиде йиғласанг бўлмайдимми?

ҚУЛТОЙ. Бўлмайди, йўловчи, бўлмайди! Ким Бойбўрининг улини эсласа, кўздан ёши тизилади, боши шартга тизилади. Ҳозир Алпомишнинг ота-энаси ҳам унинг отини айтолмайди.

АЛПОМИШ. Нимага, бобо, нимага?

ҚУЛТОЙ. Яхши элнинг душмани кўп бўлади, ботир йўловчи! Бойсин-Кўнғиротга ўзи душманлик қилиб, ўзи асир тушганлар - куллар - Алпомиш Қалмоқда йўқ бўлиб кетгандан кейин, салтанатни қўлига олди. Элни қул қилди. Бош кўтарганининг бошини кесди. Дорга тортди. Эл азобда қолди, йўловчи! "Алпомиш" деганнинг тилини кўябер, дилини ҳам суғириб оламан дейди булар. Бойбўрининг чўри хотинидан бўлган Ултонтоз деган бир

чала қул ўзини Алпомиш деб эълон қилган. Алпомишни эслаганинг боши дорда, моли талонда!.. Ултонтоз Алпомишнинг хотини Ойбарчинга ўйланаман деб етти йилдан бермагон совчи кўйиб юриб эди. Энди эса... Вой, болам-а, Вой, эсиз Алпомиш-а! Эсиз Бойсин-Кўнғирот-а! Ер бўлдинг-а! Ердан ўтиб, қаро гўр бўлдинг-а!..

АЛПОМИШ. Тўхта, бобо! Йиғлама! Узингни бос!.. Кейин нима бўлди, бобо?!

ҚУЛТОЙ. Сенга савол бериш осон, йўловчи, мен қандай жавоб берай?!.

АЛПОМИШ. Бобо, айт, кейин нима бўлди? Тезроқ айт, бобо?

ҚУЛТОЙ. Сенга нима, йўловчи, сенга нима?! Куйган менинг жоним!.. Воҳ, болам! Воҳ, Алпомиш! Воҳ, эссиз Бойсин-Кўнғирот!..

АЛПОМИШ. Бобо, ўзингни бос-да энди!..

ҚУЛТОЙ. Нимасини айтай, йўловчи! Ултонтоз Ойбарчинга уйланаман деб тўй бошлаб юборди!

АЛПОМИШ. Барчин... Рози бўлдима, бобо?

ҚУЛТОЙ. Келган совчиларни қувиб ётибди!.. Аммо бир муштипарнинг қўлидан нима келади!..

АЛПОМИШ. Алпомишнинг Қоражон деган дўсти бор деб эшитганман!..

ҚУЛТОЙ. Гапирма!..

АЛПОМИШ. У Барчиннинг тарафида эмасми?

ҚУЛТОЙ. Гапирма!..

АЛПОМИШ. Алпомишнинг отаси Бойбўрибий-чи?

ҚУЛТОЙ. Гапирма деяпман! Унинг кўрган куни қулникдан баттар!

АЛПОМИШ. Алпомишни Алпомиш деб сийлаган беку бекваччалар, бою бойваччалар Барчинни ёлғизлатиб қўйдиларми?

ҚУЛТОЙ. Гапирма! Гапирма!.. Ҳаммаси Ултонтознинг хизматида қўл қовуштириб туришибди! Ҳаммаси!..

АЛПОМИШ. Бойсин-Кўнғирот-чи, бобо?.. Элу юрт-чи?!

ҚУЛТОЙ. Бойсин-Кўнғирот? Элу юрт?.. Элу юрт!.. Элу юрт менман, йўловчи, менман! Кўраяпсан-ку, чўлу биёбонда йиғлаб юрганимни, кўраяпсан-ку!.. Энди кет, бўйингдан айланай йўловчи, энди кет!.. Яхши одам бўлсанг, дардимни эшитганинг учун куллуқ, агар ёмон одам бўлсанг, Ултонтозга бориб айтавер! Нима қилса қилсин! Ўзи жонимдан тўйиб кетдим, йўловчи! Кет деяпман!.. Йўлингдан қолма!

АЛПОМИШ. Бобо!..

ҚУЛТОЙ. Йўлингдан қолма!..

АЛПОМИШ. Бобо! Алпомиш тирик!..

ҚУЛТОЙ. Нима дединг?! Тилингдан айланай йўловчи, ҳайтар, нима дединг?!.

АЛПОМИШ. Алпомишни тўрик, дедим бобо, Алпомиш-ни тирик дедим!

ҚУЛТОЙ. Алдама, йўловчи, алдама! Қалмоққа бориб, ўз кўзи билан кўриб келганлар айтди - Алпомиш ўлган...

АЛПОМИШ. Ёлғон айтибди, бобо, ёлғон айтибди! Алпомиш тирик!

ҚУЛТОЙ. Йўловчи, Алпомишнинг дўсти Қоражон айтди! Қоражон алдамайди!

АЛПОМИШ. Қоражон? ҚОРАЖОН.. ўлган деб айтди-ми?

ҚУЛТОЙ. Айтди! Айтди!

АЛПОМИШ. Қоражон қозир қаерда!..

ҚУЛТОЙ. Очиқ гўрда! Ултонтозга ясовуллик қилиб юрибди!.. Йўловчи, ростини айт, АЛПОМИШ!..

АЛПОМИШ. Тирик, бобо, тирик!..

ҚУЛТОЙ. Тирик бўлса...

АЛПОМИШ. Тириклигини билдирсам, нима берасан, бобо!

ҚУЛТОЙ. Нима тиласанг, сеники!.. Нима тиласанг, сеники! Тилингдан айланай, тезроқ айт!

АЛПОМИШ. Мен кимга ўхшайман, бобо!

ҚУЛТОЙ. Паст кетдинг, йўловчи, паст кетдинг!.. Мол керак экан, алдамасдан сўрай бермайсанми? Алдамасанг ҳам бир серка бошингдан садақа эди...

АЛПОМИШ. Алпомишнинг белгиси бор эдимми?

ҚУЛТОЙ. Алпомишнинг ўнг эгинда Шохимардон пирининг беш панжаси доғи бор эди.

АЛПОМИШ. Бобо, эгимни бир кўрасанми?



КУЛТОЙ. Садағанг кетай, йўловчи, нималар деяпсан, садағанг кетай, йўловчи...

У бир доврираган умид ичра бориб Алпомишнинг елкасини силайди...

Култой (ҳали Алпомишнинг елкасидан қўлини олмай). Кўрар кўзим!.. Юрт эгаси!.. Ҳакимбек! Алпомишим! Бор-мисан! Келдингма?!

У Алпомишни елкасига осилган қўйи йиғлайди. Алпомиш уни авайлаб, меҳр билан бағрига босади.

АЛПОМИШ. Бобо! Элим бўлган бобом! Юртим бўлиб, йўлимга пешвоз чиққан бобом!..

КУЛТОЙ. Бунча қолиб кетдинг, болам! Бу Қалмоқнинг йўли шунча олис эканма? Кулларга қолган юртингга эгалик қил, юрт эгаси! Мен Қалмоққа излаб боролмадим... Бороладиганларни Ултонтоз дорга осди... Қолганлар уни хизматига ўтди. Пастларнинг оёғи тагида хор бўлган Бойсин-Кўнғиротингга эгалик қил, Алпомишим!..

АЛПОМИШ. Бобро!.. Кўнғлимни бузма!.. Кўнғлимни бузма! Энди келдим! Мана - мен! Алпомишман!.. Бойсин-Кўнғирот пастларга хор бўлмайди!.. Мен ўлганим йўқ!.. Мен тирикман! Бобо! Қара!.. Тирикман!..

Култой бирдан Алпомишни қўйиб юборади-да, тараддудга тушади.

КУЛТОЙ. Ҳакимбек! Алпомиш! Бўл тезроқ!.. Тез элга етайлик!.. Ултонтознинг тўйини бузайлик! Жазосини берайлик!..

АЛПОМИШ. Шошма, бобо! Шошма...

КУЛТОЙ. Нимага шошмайман! Хорликнинг бир дақиқасини ҳам бировга кўрсатмасин! Тезроқ бўл! Юртингни кулларнинг дастидан озод эт!

АЛПОМИШ. Бобо! Ўзимнинг паҳлавон Култой бобом! Шошма! Бир иш қилайлик!.. Кел, бобо, сен менинг кийимларимни кий, мен сенинг кийимларингни кияй!.. Бойчиборнинг белига ўтир! Ултонтознинг тўйига сен бир бекзода мўйсафид бўлиб, мен эсам Култой бўлиб борай!

КУЛТОЙ. Э!.. Доим ишни чалкаштирасан! Тикка бораверамиз! Довруғ солиб борамиз!

АЛПОМИШ. Душман нима бўлади!

КУЛТОЙ. Душман ўлиб кетади-да!..

АЛПОМИШ. Ҳа, ўзимнинг тўғри бобом! Йўқ, менинг гапимга кир! Мен бориб дўст-душманимни кўрай-билай! Бировнинг чоригига биров тойиб ўлиб кетмасин!

КУЛТОЙ. Шуйтамизма? (Йўлаб қолади.) Майлинг, шуйтсанг шуйт!

Улар кийим алмаштира бошлайдилар.

КУЛТОЙ. Тезроқ бўл! Болам, тезроқ бўл, биров келаяпти.

АЛПОМИШ. Бўлмаса, гап бундай, бобо: сен Бойчиборни миниб тўйга бора бер! Мен ортингдан сенинг отингни миниб бораман...

КУЛТОЙ. Ҳамма гап кийимда экан-да! Менинг ўзим бўлдинг қолдинг!

АЛПОМИШ. Сен ҳам худди бекзодасан, бобо! Тезроқ кетавер!..

КУЛТОЙ. Товба! Кароматингдан! Келаётган Қоражон экан!.. Дўстинг экан!.. Ҳа, кароматингдан парвардигор! Икковини учраштирган жойингни ҳара!..

АЛПОМИШ. Жўна, бобо, тезроқ, жўна!

КУЛТОЙ. Худонинг панойига! Бойсинда - соғ-омон юртга эгалик қилганингда кўришайлик!

Култой чиқиб кетади. От дуқури эшитилади. Қоражон киради.

ҚОРАЖОН Култой! Хўв, Култой, бобо!

АЛПОМИШ. Лаббай, Қоражон ясовул!

ҚОРАЖОН Чўллаб келдим. Бир коса қимиз бер.

Алпомиш Култой қолдириб кетган хуржунни кавлаб, ичидан меш ва коса чиқаради-да, қимиз қуйиб, Қора-

жонга узатади.

ҚОРАЖОН (ичиб бўлиб). Алпомишбий тўй қилаётганидан хабаринг борми?

АЛПОМИШ. Алпомиш Қалмоқда зиндонда ётибди. Ултонтозни тўй қилаётганидан хабарим бор. Барчин "тегмайман" деб, совчиларини қайтариб ётганидан ҳам хабарим бор...

ҚОРАЖОН Жим!.. Жим!.. Тилинг кесилгур мияси чайқалган чол!.. Жим! Ҳаммани балого кўясан!.. Чўлиқларингга айт, сўқимга сўйгани бир сурув қўйни хайдаб тўйга борсин! Сен бўлса, укағар Култой, ҳаддингдан ошмай, жим юр!

АЛПОМИШ. Жим юриб чарчадим!..

ҚОРАЖОН Библиб қўй. Қалмоқда бориб, кимдир ўлиб кетган бўлса, кетгандир, аммо бугун Бойсин-Кўнғиротга бош бўлиб турган бий - ҳақиқий Алпомиш. Уқдингми, мияси айниган?..

АЛПОМИШ. Уқмадим. Бу гапларни сенга менгзаган...лар билади, Қоражон ясовул!

ҚОРАЖОН Култой, гапни сакратиб сўйлама!... Менга менгзаган кимлар билади?

АЛПОМИШ. Ҳафа бўлмайсанма, ясовул! Биз дашт юрган бир чўпонмиз, ростини айта берамиз.

ҚОРАЖОН Ростини айтавер...

АЛПОМИШ. Ростини айтсам, бу гапларга сенга ўхшаган кўрқоқлар ишонганга ўхшаб юра беради.

ҚОРАЖОН (қилич яланғочлаб). Укағаринг бобоси, жонингдан тўйганга ўхшайсан! Каллангни сапчадай узиб ташлайма?!

АЛПОМИШ. Узиб ташла...

ҚОРАЖОН Жонингдан тўйганинг рост экан!..

Қоражон қилич сермашга чоғланиб, аста-аста Алпомишга яқин келади. Икки алпнинг кўзи бир-бирига тикилган. Қоражон Алпомишнинг боши узра қилич кўтарди-да, қилични бироз баландда ушлаб тургач, шашти пасайиб, туширади.

АЛПОМИШ. Ўлдир.

ҚОРАЖОН (бир ички ўртанишда). Мен ноҳақ ўлдирилмас эканман. Сен ҳақсан, сассиқ чол! Ҳақсан!.. Мен кўрқоқмасману... Иложим қолмаса, ўзимдан кучлига итоат қилишга мажбур бўламан, Култой! Куч - дақшатли нарса!..

АЛПОМИШ. Йўқ, кўрқасан!.. Алп ҳам кўрқоқ бўлади-ми, Қоражон?

ҚОРАЖОН Ёв кучли бўлса, кўрҳади... Мен ҳамиша кучдан чўчидим... Ва ночорликда кучни дўст билдим...

АЛПОМИШ. Алпомиш билан ҳам...

ҚОРАЖОН (бақариб). Сўраб нима қиласан! Ҳа, Алпомиш билан ҳам зўрлиги учун дўст бўлганман! У зўр бўлгани учун ўз оғаларимга қарши борганман! Эшитдингми? Зиндонда Алпомишни ночор ётганини кўриб, ундан юз ўгирганман! Буниям эшитиб ол! Зўрлиги учун Ултонтозга хизматга ўтдим. Буниям ахшилаб эшитиб ол! Эшитдингми?! Эшитдингми, деяпман!.. Воҳ, юрагим!.. Бунча дардга тўлгансан! Парвардигор! Тошларинг фақат менинг бошимга ёғадими?..

АЛПОМИШ. Қоражон! Бу ерларда бундай қийналиб юрма, болам! Бир маслаҳатим бор. Ўзингни босиб олда, эшит!

ҚОРАЖОН Маслаҳат бер, бобо, маслаҳат бер!..

АЛПОМИШ. Сен Ултонтознинг мамлакатади абгор бўлиб юрма.

ҚОРАЖОН. У - Алпомиш...

АЛПОМИШ. Ултонтозлардан ҳеч ҳачон Алпомиш чиқмайди!.. Сенга дўстинг маслаҳатини берай... Қоражон, юртингга кет!

ҚОРАЖОН. Юртимга боролмайман. Акаларимнинг, жиғарларимнинг хуни бўйнимда...

АЛПОМИШ. Уларнинг ўлимига сен зомин бўлганинг йўқ, улар ўзлари ўлимни танлаганлар.

ҚОРАЖОН. Бошим гангиб қолди, Култой! Бошим гангиб қолди!..

АЛПОМИШ. Сен кўрқма...

ҚОРАЖОН. Айтишга осон... Бир ўзим бўлсам, на қардошим бор, на дўстим...

АЛПОМИШ. Кўрқмасанг, дўст топилади!

ҚОРАЖОН. Бойсин-Қўнғиротни биласан-ку! Еру осмонини кўрқув босиб ётибди... Сен кўп гапни тушинмайсан, бобо! Зўрдан фақат бош эгиб кутилиш мумкин! Мана, бошимни эгиб юрибман бу даштларда! Кўтаролмайман! Қара, елкамдан кўрқув босган...

АЛПОМИШ. Бир силкин! Елкандан тушиб кетади!.. Сен - зўрсан! Сен - алпсан!.. Бир силкин!..

ҚОРАЖОН. Силкинолмайман.. Оёқ-қўлимни кўрқув бойлаб ташлаган... Худо мени умр бўйи ўзимдан кучлига дуч қилди!..

АЛПОМИШ. Алпомиш билан ҳам шунинг учун дўст бўлганмисан?

ҚОРАЖОН (бирдан чўчиб тушиб). Қайси Алпомиш? АЛПОМИШ. Қайси Алпомиш бўларди, битта Алпомиш бор!

ҚОРАЖОН (кимлардир эшитиб тургандай баланд овозда). Ҳа, битта Алпомиш бор! Ултонтозбек ҳақиқий Алпомиш! (Овозини пасайтириб.) Бу ёққа қара, дардисар чол, атайлаб қимиз бериб, мени алжиратдинг... Агар мен гапирган гапларни бировдан эшитсам, каллангни оламан!..

Югуриб келаётган от дупири эшитилади. Қоражон ўзини четга олиб туради. Бир пастдан сўнг шашт билан - қўлида дўмбираси - Ҳаққул бахши киради. У ҳамма гапни ҳайрату завқ билан, ичидан тошиб гапирадиган йигит.

ҲАҚҚУЛ БАХШИ. Қултой бобо, олисдан қорангни кўриб бурилдим! Яхши юрибсанми, бобо?

АЛПОМИШ. Кўзим ўтмаяпти, қарилик курисин! Ўзингни танит болам!..

ҲАҚҚУЛ. Оббо! Ҳаққулман, бобо, Ҳаққулман!..

АЛПОМИШ. Ҳаққул! Ҳақнинг қули! Ҳақнинг шоири! Бойсин-Қўнғиротнинг пешонасига худо берган бахши! Соғомон юрибсанми?!

ҲАҚҚУЛ (Қоражонга ҳараб). Ясовулларнинг зўриям шу ерда-ку! Қоражон ясовул, ҳамма тўйда қимизхўрлиги гўштхўрлик қилаяпти, сиз бу ерда юрибсиз?

ҚОРАЖОН. Мен билан ишинг бўлмасин. Ўзинг нима қилиб юрибсан? Ҳалиям... ўша дostonни айтаяпсанми?

ҲАҚҚУЛ (ҳайрати танига сизмай). Айтаяпман!

ҚОРАЖОН. Нима деб айтаяпсан?

ҲАҚҚУЛ. Ўзим билгандай айтаяпман.

ҚОРАЖОН. Ўзинг билгандан қолсанг, яхши бўлар эди.

ҲАҚҚУЛ. Мен ҳақни айтаман, Ултон қулнинг ясовули, ҳақни айтаман! Сенга ҳам айтайми? (Бирдан қўшиқ бошлайди.)

Ҳа-а, ясовуллик пайтингда

кулсанг бўлар, Қоражон!

Гул шохига қаргадай,

қўнсанг бўлар, Қоражон,

Худо ҳалиям жонинг

олмадим, Қоражон,

Кулларга қул бўлгунча,

ўлсанг бўлар, ҚОРАЖОН

АЛПОМИШ. Ҳай, ҳай, Ҳаққул! Ясовулга ундай дема! Ўзингни ҳам ўйла!

ҲАҚҚУЛ. Ўзимни ўйлаб нима қиламан! Хўп, мен кетдим!

ҚОРАЖОН. Бу ўзини ўйламайди...

ҲАҚҚУЛ. Бобо, соғ бўл!.. Мен кетдим!..

АЛПОМИШ. Қаёққа кетаяпсан?

ҲАҚҚУЛ. Тўйга, бобо, тўйга!.. Сен ҳам бор! "Алпомиш"ни айтиб бераман!

АЛПОМИШ. "Алпомиш"? Нима у?

ҲАҚҚУЛ. Дoston! Эшитмаган эдингми? Эшитгани бор, бобо! Кўп нарсани эхитасан! Алпомишни Қалмоқдан ҳайтиб келганидан, сохта Алпомишларни енгиб юртга эга бўлганидан айтиб бераман! (У саҳнадан югургилаб чиқиб кета бошлайди.)

АЛПОМИШ (ортдан бақириб). Алпомиш қайтиб келгани йўқ-ку!

ҲАҚҚУЛ (ташқаридан). Қайтмаган бўлса, қайтиб келади, бобо! Мен айтгандан сўнг қайтиб келади!

Отнинг гусирлаб, жўнаб кетгани овози. Сукунат.

АЛПОМИШ. Энди биз ҳам тўйга борайлик, ясовул. ҚОРАЖОН (бирдан). Боргим келмаяпти! Боргим келмаяпти!.. Бобо, боргим келмаяпти!..

АЛПОМИШ. Ўзингни бос, ясовул, ўзингни бос!..

1.

Ултонтознинг шоҳона ўтови олдидаги сайхон. Тўй шовқини - "Меҳмонларга ҳара!", "Хўв бола, бобоннинг отини ушла!", "Тўрга ўтинг, тўрга ўтинг, бек ака!", "Хуш келибсиз! Хуш келибсиз!", "Совринни олинглар, совринни олинглар!", "Кўп ўқрайма, бир коса овқат есам, тўйларинг қуриб қолама!" "Кўпқарини кўрмагандай анрайма!", "Ҳалол! Ҳалол!" деган товушлар олисдан келиб турибди. Ажабтовур дастурхон. Даштликларга хос турли-туман нозу неъматлар - гўшт, қимиз... Бу дастурхон атрофидан ҳозиргина турилгани билиниб турибди. Саҳнанинг бир томонида ўтовнинг ёнида Ултонтоз яқинлари билан ошиқ ўйнаяпти. Ҳаммаси ширакайф. Бир четда Кунтуғмишбека улфатчиликка ишлатилган коса-товоқни юваяпти. Бойбўри эса Фармонкул ошпаз овқат пишираётган қозон бошига мешда сув ташиб турибди. У шу сабаб саҳнага кириб-чиқиб туради.

УЛТОНТОЗ. Фирромлик қилавериб жо! мга тегдиларинг! Сен, FOBYP кал! Уйнамайсан! Уйиндан чиқ!

FOBYP. Фирромлик қилганим йўқ.

УЛТОНТОЗ. Уйиндан чиқ, дедимми, чиқ! Э сени ва-зир қилгани!..

FOBYP. Ўларинг фирромлик қилиб, менга ағдараяпсизлар!

УЛТОНТОЗ. Гап қайтарма, энафар! Фирромлик қилмасанг ўласан-ку сен!.. (Юмшаб). Бор, тўйга қара! Ҳамманг атрофимга йигилиб ўтирасан!.. Тўй билан ишинг йўқ!.. Бор, бор! Келган-кетгандан хабар ол!..

FOBYP истар-истамас, оғриниб чиқиб кетади.

УЛТОНТОЗ. Энди шу - ким фирромлик қилса, ўйиндан чиқиб кета беради. Бўлдимми?

ОВОЗЛАР. Бўлди!.. Бўлди!.. Фирромлик қилмаймиз!..

УЛТОНТОЗ. Билиб қўйинглар! Тўйим бўлаяпти деб қараб турмайман!.. Ташла, Эргаш!..

Эргаш ошиқ ташлайди.

ЭРГАШТОЗ. Чикка тушди!

САФАР ОЛАКЎЗ. Номард! Номард!.. Кўлинг билан чикка қилиб қўйдинг!

ЭРГАШТОЗ. Э кўппакка ўхшаган! Аккиллама! Мен фирромликни билмайдиган Эргашман!

ОРДОНАҚУЛ. Эчкидай дингиллайсан-а, Эргаштоз! Калнинг соғи бўладима! Мен ҳам кўрдим, фирромлик қилдинг!

ЭРГАШТОЗ. Менми?.. Менми?.. ёлгон гапирма! Тепада худо турибди! Ана, Ултонтоз айтсин!

Унинг бу гапидан Ултонтознинг авзойи ўзгаради. Сафар Олакўз билан Ордонақул сергак тортадилар. Эргаштоз Ултонтоздаги ўзгаришни сезмай, қизиққонлик билан давом этади.

Ултонтоз, айт!..

Сафар Олакўз йўталади.

УЛТОНТОЗ. Эргаштоз, нима дединг?!

ЭРГАШТОЗ. Бу гала кал менга яна тўхмат қилаяпти, Ултонтоз!.. (Ултонтозга кўзи тушиб). Кечирадилар... Мен ошиққа қизиқиб...

УЛТОНТОЗ. Мен кимман деяпман!

ЭРГАШТОЗ. Алпомишсиз, Алпомишсиз!..



УЛТОНТОЗ. Бошингни дорга тортириб юборайми, ёки сўйдирайми!..

ЭРГАШТОЗ. Улуғ бий!.. Сиз Алпомишсиз!..

УЛТОНТОЗ. Яна бир марта адашсанг, тилгинангни суғриб олиб... Нима қиламан?

ЭРГАШТОЗ. Билганингизни қилинг... Билганингизни...

Ултонтоз (*чиндан ўйлаиб*). Им...

ОЛАКЎЗ. Ордонакулниг итига ташланг!

УЛТОНТОЗ. Ордонанинг ити - яхши ит... Бунинг тилини сенинг итинга ташлайман!

ОРДОНАКУЛ (*гапни буриб*). Энди бир бўзахўрлик қилиб, тўйни тўйдаи этиб ўтирайлик!..

УЛТОНТОЗ (*ҳовридан тушаркан*). Ошиқ ўйнамай, очиқ-мазор бўлгурлар!.. Бўза дедингми? Эски пайт бўлганда эди, таёқ билан бир уриб... Майли, тўй куни сизларни кечирдим. Бунинг устига кимсан, Бойсин-Кўнғирот улуғ бийининг куёвжўралари бўлсаларинг!.. Майли, бўзадан қуйинглар! (*Бориб дастурхон атрофига чўккалайди*.)

ЭРГАШТОЗ (*ўзида йўқ хурсанд, шокосаларга бўза қуяркан*). Ўзимиздан чиққан Алпомиш соғ-саломат бўлсинлар!

САФАР ОЛАКЎЗ. Ўзимизнинг Алпомишнинг давлатлари бундан ҳам зиёда бўлсин!

ОРДОНАКУЛ. Яна бир марта тўйингиз қутлуғ бўлсин, улуғ бий!

УЛТОНТОЗ. Ичдик...

УЧОВЛОН. Ичдик... (*Ичадилар*.)

ОРДОНАКУЛ. Бойсин-Кўнғирот сиз бий бўлгандан буён гуллаб-яшнади, улуғ бий.

УЛТОНТОЗ. Гуллаб-яшнади!.. Гуллаб яшнади! Чунки ҳақиқий Алпомиш элнинг кўнглини билади! Ҳақиқий Алпомиш эса - менман! Мен!..

ЭРГАШТОЗ. Сиз Алпомишдан ҳам зўр Алпомишсиз!

ОРДОНАКУЛ. Бошқа Алпомишлар тирноғингизга арзитайди!

ОЛАКЎЗ. Ҳалиги... бемаза Алпомиш ўлиб кетди! Зиндонда чириб, суягининг ҳам чанги қолмади!

Эргаштоз яна қуйиб, Ултонтозга узатади.

УЛТОНТОЗ. Шошма, расм-русимни билмаган! Алёр айтиб узат!

ЭРГАШТОЗ. Вазир бўлди мендай етим,

Бўза энди эмин-текин.

Буралиб бўза узатдим,

Хў, каллардан чиққан бегим -

Олинг, аллаёр, аллаёр,

Хоним, аллаёр, аллаёр.

Юзингиз кунчалик бордир,

Каллангиз хумчалик бордир,

Хў, каллардан чиққан бийим -

Бий бўлса, шунчалик бордир.

Олинг, аллаёр, аллаёр,

Хоним, аллаёр, аллаёр...

Уч вазир қилпиллаб-жилпиллаб, алёр айтиб турадилар... Қултой суратида Алпомиш киради.

АЛПОМИШ. Ассалом алайкум, Бойсин-Кўнғиротнинг эгаси, тўраларнинг тўраси, мана бу зўр вазирларнинг жўраси Алпомишбек! Салтанатингиз довуғи оламдан ўтиб, Кўйи Қофга етиб, қурғур неча париларни дириллатиб, менман деган девларни зириллатиб, замонга тор келиб, ёмонга ёр келиб юрибдима?!.

Ултонтоз ва кал вазирлар унга оғзи очилиб, гапни чала тушиниб, маҳлиёликда қараб турадилар.

АЛПОМИШ. Қўйнинг бошида эдим, бир чўпоннинг ошида эдим, аммо сен Алпомишни хотинини олаётганингни эшитиб, мана бу вазирларингдай эшилиб...

УЛТОНТОЗ (*вазирларига*). Нима деяпти?

ЭРГАШТОЗ. Қултой, бунча кўп самирдайсан? Қулоғимиз қоматга келди! Тушинтириб гапир!..

АЛПОМИШ (*гапни келган жойидан олиб*). Тепалардан ошиб, ёмонлардан қочиб, дарёлардан кечиб - шо-

шиб, Алпомишнинг хотинини олаётганингни эшитиб, так-биримдан адашиб; нима бўлса бўлсин, душманлар битта қолмай ўлсин деб - тўйингни қуллуқ қилгани келдим, Алпомиш!

ОЛАКЎЗ. Бу Қултой, гапни чалкаштирмадим, Эргашбек ака?

ЭРГАШТОЗ. Ордонакул вазир, қурғур Қултойнинг гапи... тўғри чиқдимми?

ОРДОНАКУЛ. Ким билсин, вазирлар, ким билсин! Қултойга гап деҳқончилик экан, тўкиб ташлади...

УЛТОНТОЗ. Воҳ, эзмалар! Гапни мағзини тушинмаган, миясизлар!.. Қултой гапни индаллосини айтди! (*Ўзини кўрсатиб*.) Алпомишга "тўй қуллуқ бўлсин" қилди! (*Қултойга тиржайиб*). Қуллуқ, Қултой, қуллуқ!

АЛПОМИШ... Шўйтиб қўй бошида туролмадим! Алпомиш ҳам ўзимиздан чиққан чўпон эди, бунинг устига кал эди, ҳа, майли, каллиги сал эди, барибир замон ўзимизники бўлиб қолди деб, келавердимда-э!

УЛТОНТОЗ. Қултой, қариб сал бошинг айниб қолибди!..

АЛПОМИШ. Хуллас, Алпомишдан қолган ёрингиз билан қутлагани келдим, улуғ бий!

УЛТОНТОЗ. Укағар Қултой! Мен Алпомиш бўладиган бўлсам, яна қандай Алпомиш бўлади?

АЛПОМИШ (*овозини пасайтириб, махфий гапни айтаётгандай*). Қалмоққа бориб, зиндонда ўлган Алпомишни айтаяпман!..

ЭРГАШТОЗ. Улуғ бий, бир имо қилинг, бу укағар Қултойнинг бошини дорга тортайлик!

ОЛАКЎЗ. Кўпқарига ташлаб юборамиз, кўпқарига..

ОРДОНАКУЛ. Шундай қилайлик, шундай қилайлик!.. Тўйга келган тўйчилар ҳам тамоша қилиб, хурсанд бўлади!..

АЛПОМИШ. Сенлар ҳали тўйга келгани кўпқарига ташлайдиган бўлиб қолдиларингми? Хе, урф-одатни билмаган гала!.. Алпомиш; бу гала кал вазирларингга айтмайсанми?

УЛТОНТОЗ. Ким?

АЛПОМИШ. Ал-по-миш!

УЛТОНТОЗ. Баракалло, Қултой бобо! Энди бориб ош еб, қоринни тўйғозиб, тўйлайбер!

АЛПОМИШ. Ошни ёшлар ейди. Бизга хизматдан гапир! Шу бечораям неча йлдан буён хотин ололмай юриб эди, энди бевага бўлсаям ўйлаиб кўп яхши қилаяпти, шунинг тўйига бир хизмат қилай деб орзу қилиб келдим... Бизни хизматга буюр, Алпомиш!

УЛТОНТОЗ. Энанг гапириб тукқанма, қулоғимни қоқиб қўлимга бердинг, бобо! Агар шу сафар ҳам Алпомиш демаганингда, бир пасдан сўнг дорда чайқали-и-иб турар эдинг-да, Қултой! Майли, хизмат қилмоқчи бўлсанг, ана, Фармонқул баковулга кўмаклаш!

АЛПОМИШ. Энди гапни сенга айтсам, сенлар билан бир мириқиб гуриг қилмоқчи эдим...

УЛТОНТОЗ. Эзмаланма, бобо, эзмаланма, бор, хизматга бор!..

Алпомиш қозон бошига қараб юради, аммо нимадир эсига тушиб, орқасига қайтади.

АЛПОМИШ. Ҳа, қариллик қурисин! Қариллик қурисин!.. Кўришиш эсимдан чиқибди.

У шошқолоқлаб келиб, кучоқ очиб кўришмоққа тушади.

АЛПОМИШ (*қўл узатмоқчи бўлган Ултонтозга*). Бобонг билан ўзбакча расм-русумни жойига қўйиб кўриш! Расм-русумни бузма! (*У Ултонтозни белидан ушлаб маҳкам бағрига босган бўлади*.)

УЛТОНТОЗ. Воҳ!.. (*У белини ушлаганча қотиб қолади*.)

АЛПОМИШ. Белинг чиққан экан! Йигитсан-да, билмай юраберибсан! Кўришмоқ баҳона жойига тушди!

Алпомиш бошқалар билан ҳам кучоқлаб кўришишга тушади.

АЛПОМИШ. Яхшимисан!?.
ОРДОНАКУЛ (*кўриша туриб*). Во-ей! Энажон-эй!.. Ичим эзилиб кетди-ей!.. (*Инқиллаб ўтириб қолади.*)

АЛПОМИШ. Эсонмисан?..
ОЛАКЎЗ (*кўриша туриб*). У-у!.. Ўлдим! Укафар!.. Култой!.. Кўйиб юбор!.. Нафасим ичимга тушиб кетди!.. (*Алпомиш кўйиб юборган, ўлгандай гурсиллаб, йиқилиб тушади.*)

АЛПОМИШ (*Эргаштоз кучоқ очиб бораркан*). Соғ-омон бормисан?..

ЭРГАШТОЗ (*додиллаб*). Култой!.. Яқинлашма!.. Кўришининг куриб кетсин!.. Бўлди! Кўрганимиз кўришганимиз!..

АЛПОМИШ. Айниқса, сени соғинганман, жигарим! Айниқса, сени, калларнинг айёри!.. (*У Эргаштозни ушлаб олиб, маҳкам бағрига босади.*)

ЭРГАШТОЗ. Қасдинг борми, энафар!.. Ў-ў-ў!.. (*нафаси ўчиб, Алпомишнинг оёғи тагига йиқилади.*)

АЛПОМИШ. Ана энди Култойдан хизматни кўринг!..

У шаҳдам юриб, қозон бошига боради.

ФАРМОНҚУЛ. Кел, Култой, кел!.. (*Бурилиб ҳараб.*) Э, бекларга нима бўлди?

АЛПОМИШ. Қимизни кайфини суришяпти.

ФАРМОНҚУЛ. Майли, суришсин! Бундай бекларни дунё кўрмаган! Бойсин-Кўнғирот яйраб қолди шу Алпомишнинг кўлида!

АЛПОМИШ. Хизматга буюр, Фармонкул баковул! Хизматга келдим!

ФАРМОНҚУЛ. Қозоннинг тагига ўт ёқ эса, Култой бобо!

Ултонтоз ва вазирлари ўринларидан инқиллаб-синқиллаб тура бошлайди.

УЛТОНТОЗ (*ўзича*). Бу Култой бобо даштда юриб, сариқ мою қатиқ ейвериб, кучи кўпайиб кетган экан-а!.. (*Бошхаларга эшиттириб.*) Бўза ичавериб, кайфим сал ошганга ўхшайди!..

Уч кал вазир "Ҳа...зўр!.. Во-ей!.. Бўза зўр! Кайфимиз ошибди!" қабилда гапириниб ўзларига кела бошлайди.

УЛТОНТОЗ. Сафар Олакўз! Эргаштоз! Қаердасизлар? Ордонакул ўлдиларингми? Ошиқ келтиринглар!..

Улар "гардкам"лаб ошиқ ўйнашга тутинадилар. Фовур киради.

ФОВУР. Алпомишбек...

УЛТОНТОЗ. Халақит берма... Оббо! Чикка туришига озгина қолган эди-я!

ФОВУР. Алпомишбек...

УЛТОНТОЗ. Нима дейсан, нима? Ўйиндан қолдираяпсан! Гапир!

ФОВУР. Тўйни бузаяпти?

УЛТОНТОЗ (*хушёр тортиб*). Ким? Ким бузаяпти?

ФОВУР. ҲАҚҚУЛ. Ҳаққул бахши!..

УЛТОНТОЗ. Уни тўйга ким чақирди?

ФОВУР. Ҳеч ким чақирган йўқ. Ўзи келиб бир четда айтишга тушди. Олиш ҳам тўхтади, кўпқари ҳам... Ҳамма уни ўраб олган... Ҳалиги... дostonни айтаяпти...

УЛТОНТОЗ (*Чўчиб*). Қайси дostonни?

ФОВУР. "Алпомиш"ни-да! Зиндондан чиқариб, Бойсинга олиб келаяпти... Ҳозир Алпомишни тўйингиз устига кириб келганидан айтаяпти. Ҳамма йиғлаб- сиқтаб эшитаяпти...

УЛТОНТОЗ. У тентак бахшига бу дostonни айтма деган эдиларингми?

ЭРГАШТОЗ. Неча марта айтдик... Ўзининг билганидан қолмайди. Бир нарса қилайик десак, халқ кўзголади дедингиз...

ФОВУР (*Ултонтозга*). Сизни сохта Алпомиш деб устингиздан кулаяпти!..

УЛТОНТОЗ. Бориб бахшини бу ерга келтир, ФОВУР

вазир!

ФОВУР. Бош устига!

ОРДОНАКУЛ. Бу аблақ бахши ҳаддидан ошяпти!

ОЛАКЎЗ. Пошшоҳнинг тўйини бузганини қаранг!..

Сабр-тоқатнинг ҳам чегараси бор...

УЛТОНТОЗ. Аччиғим чиқаяпти! Гапни кўпайтирмай, ошиқ ташланглар!

Улар яна ошиқ ташлаб, ўйин бошлайдилар.

Кунтуғмишбека ювилган коса-товоқларни кўтариб, қозоннинг бошига келади. Фармонкул идишларга синчиклаб қарайди.

АЛПОМИШ. Чеча!

КУНТУҒМИШ (*ялт этиб ҳараб*). Култой қайнаға!

АЛПОМИШ. Чеча! Кўп пайтлардан буён кўрмадим!..

КУНТУҒМИШ. Кўргилигим қолмаган, Култой элликбоши, кўргилигим қолмаган!

АЛПОМИШ. Соғмисан, чеча? Сизларни кўргани, тўй баҳона келдим!..

КУНТУҒМИШ. Тўйлайбер, элликбоши, тўйлайбер...

АЛПОМИШ. Тўйламайман!.. Сиз билан Бойбўрибийни кўраман-да, кўйнинг бошига қайтиб кетаман!..

КУНТУҒМИШ. Култой!.. Яқинроқ кел! Энди гапир!

АЛПОМИШ (*яқинроқ бориб*). Нимани гапирай, чеча?

КУНТУҒМИШ. ҚУЛТОЙ... Гапиравер, Култой!.. Овозинг... Боламинг овозига ўхшади... Мен кўзимни юмиб тураман, сен гапиравер, Култой!

АЛПОМИШ. Чеча, мен Култойман! Култой!

КУНТУҒМИШ. Мана, кўзимни юмдим... Гапир, Култой!

АЛПОМИШ. Чеча... Эна... Эна...

КУНТУҒМИШ. Гапир, болам, гапир! Овозингни эшитар кун бор экан!

АЛПОМИШ. Эна, чоҳдан чикдим!

КУНТУҒМИШ. Гапир, болам, гапир! Овозларингни эшитиб, кўкрақларим сутга тўлди!

АЛПОМИШ. Эна!.. Сизларни соғиндим...

КУНТУҒМИШ. Гапир!..

АЛПОМИШ. Бойсин-Кўнғиротни соғиндим...

КУНТУҒМИШ. Тўхтама! Гапир, болам...

АЛПОМИШ. Бўлди, эна, бўлди!.. Кўзингни оч!..

КУНТУҒМИШ. Болам, энди кўзимни қандай очаман!

АЛПОМИШ. Эна, ёвлардан кўрган азобларинг энди унут бўлади!

КУНТУҒМИШ. Алпомишим! Алпоним!..

АЛПОМИШ. Эна!..

Кунтуғмишбека кўзини очолмай турибди. Алпомиш адо бўлган... Уларнинг бу ҳолини Фармонқулнинг ногоқ бақириси бузади.

ФАРМОНҚУЛ. Кўлинг синсин сени, момо, кўлинг синсин!

КУНТУҒМИШ (*ўзига келиб*). Вой! Култой элликбоши!.. Қайнаға, мендан кулма! Бошим айниб қолган шу кунларда!

ФАРМОНҚУЛ. Кулоғинг карма! Нега идишларни тузук ювмадинг деяпман! Ўв, кўп керилма! Кериладиган давринг ўди! Билиб қўй, энди Кунтуғмишбека эмас, Кунтуғмиш чўрисан! Нега индамайсан?!

Бойбўри меш кўтариб киради.

КУНТУҒМИШ. Нима дейин, Фармонқул, нима дейин? ФАРМОНҚУЛ. Гўр де, очик лаҳад де! Яна шундай бир иш қилсанг, аямай капгирни сермаб юбораман, момо!


БОЙБЎРИ (*муросага ҳаракат қилиб*). Жиркмай гапир, садағанг кетай, Фармон баковул! Жиркмай гапир! Бу момоннинг кўлидан кўп туз ичгансан!..

ФАРМОНҚУЛ. Сен нимага аралашаяпсан? Давронинг ўтди, билдингми! Сен ҳеч ким эмассан! Хизматкорсан!

БОЙБЎРИ. Мен Кўнғиротнинг улуғ бийи Бойбўриман!

Юрт эгаси Алпомишнинг отасиман! Бу момонг эса, унинг энаси бўлади. Эсингдан чикмасин, Фармонқул!

ФАРМОНҚУЛ. Отдан тушиб, эгардан тушмаган, даҳмарда чол! Билиб қўй, ўғлинг Қалмоқдан қайтмайди!



КУНТУФМИШ. Ундай дема, Фармонкул, қайтади. Худо хохла, болам ҳайтади...

ФАРМОНҚУЛ. Ўрлашма, чўри, ўрлашма! Ўлган қайтмайди.

КУНТУФМИШ. Фармонкул...

ФАРМОНҚУЛ. Сен кампирнинг бир тишингни қоқишим бор... Мен Фармонкул эмас, Фармон баковулман, чўрининг худо ургани...

БОЙБЎРИ. Тилингни тий, Фармон баковул! Худодан кўрк!

ФАРМОНҚУЛ (*бир чўп билан Бойбўрини уришга тушади*). Мана, сенга худодан кўрксам... Мана, сенга худодан кўрксам!..

КУНТУФМИШ (*ажратишдан ҳам чўчиб*). Урма! Отанг тенги одамни урма! Ўзи худо урганни нима қиласан уриб!..

Алпомиш югуриб келиб, Фармонкулнинг билагидан маҳкам туттади. Фармонкулнинг кўлидан чўп тушиб кетади.

ФАРМОНҚУЛ (*билагини уқаларкан*). Кўлимни синдирай дединг, Култой... Сен буларнинг тарафини ол-ма!

БОЙБЎРИ. Алпомиш! Болам! Овозимни эшитаяпсанми?! Қаерда бўлсанг ҳам кел, болам!

Фармонкул (*Бойбўрининг калласини қўли билан ғажирлатиб ушлаб, Ултонтоз тарафга бурганча*). Ана, Алпомиш, ана! Кўраяпсанми? Ана, Алпомиш!

БОЙБЎРИ. Биласан-ку, баковул, у Алпомиш эмас! Ҳамма билмас ҳам сен биласан-ку! Бандадан кўркмасанг, худодан кўрк...

Ултонтоз ва вазирларининг кўзи бу моҳарога тушади.

УЛТОНТОЗ. Фармон баковул! Нима тўполон бўлапти, Фармон баковул!

ФАРМОНҚУЛ. Мана, бу хизматкорларингиз яна ҳар хил гап қилаяпти...

УЛТОНТОЗ. Нима гап қилаяпти? Яна тили чиқиб қолдими буларнинг?.. Бу ёққа олиб келинглар!..

Эргаштоз, Олакўз, Ордонакул югуриб борадилар-да, Бойбўрини ва Кунтуғмишбекачани судираклаб келтириб, Ултонтозга рўбарў қиладилар. Фармонкул ҳам уларга фаол ёрдам беради.

УЛТОНТОЗ. Бойбўри...

БОЙБЎРИ. Мен - отангман...

УЛТОНТОЗ. Бойбўри... Неваранг қалай?

БОЙБЎРИ. Юрибди...

УЛТОНТОЗ. Қаерда?

БОЙБЎРИ. Чилвир чўлида. Аммаси билан... Туя боқиб...

УЛТОНТОЗ. Мен сенга нима дегандим? Эски гапларни қайтарсанг, неварангнинг қонини жайратаман, дегандимми?

Бойбўри жим.

УЛТОНТОЗ. Айт, дегандимми?! Шу гапимни эшитган эдингми?!

БОЙБЎРИ. Эшитган эдим...

УЛТОНТОЗ. Энди жайратаман! Сўйдираман! Сафар Олакўз вазир, бориб, жаллодларга буюр!

САФАР ОЛАКЎЗ. Ҳайдаб келишсинми?

УЛТОНТОЗ. Нима қилади Ҳайдаб келиб! Ушлаган жойларида бўғизлаб келаверсин!

КУНТУФМИШ (*зориллаб*). Сиз Алпомишсиз, болам, Алпомишнинг ишини қилинг!..

УЛТОНТОЗ. "Болам" дема, чўри!. "Болам" дема!

КУНТУФМИШ. Нима дейин?! Айт, нима дейин?! Фақат жаллодларингни тўхтат!

УЛТОНТОЗ. Сизлаб гапир!

КУНТУФМИШ. Тўхтатинг! Мени бу дунё чирқираганим етар! Аввал мени ўлдиринг, норасидага тегманг!

УЛТОНТОЗ (*Сафар Олакўзга "тўхта" ишорасини қилиб*). Энди айт-чи, чўри, мен кимман?

КУНТУФМИШ. Сиз улуг бийсиз! Бойсин-Кўнғиротнинг эгасисиз!

УЛТОНТОЗ. Менинг отим ким?

КУНТУФМИШ. Алпомиш... Сиз - Алпомишсиз!

УЛТОНТОЗ. Чўри, бошқа Алпомиш дунёда бўлганми?

Кўрганмисан?

КУНТУФМИШ. Кўрмаганман!.. (*Бирдан ўзини туюлмай*.)

Воҳ, болам!..

УЛТОНТОЗ. "Оҳ" урма! Жаҳлимни чихара берсанг!..

Чолинг нимага гапга қўшилмай турибди?

КУНТУФМИШ (*Бойбўрига*). Бир нарсга денг!.. Агар Ёдгрр.дан айрилиб қолсам!..

УЛТОНТОЗ. Жим тураверасанми?

КУНТУФМИШ (*бақириб*). Гапиринг!

БОЙБЎРИ. Ҳа, дунё! Ҳа, бевафо!.. (*Бақириб*.) Айтинглар, нима дейин?! Нима дейин?!

УЛТОНТОЗ. Менга таъзим қилиб, "сиз Бойсин-Кўнғиротнинг эгаси Алпомишсиз" де!

БОЙБЎРИ (*ўрнидан туриб, таъзим қиларкан*). Сиз... Бойсун-Кўнғиротнинг эгаси... Алпомишсиз...

УЛТОНТОЗ. "Менинг Алпомиш деган фарзандим йўқ" де...

БОЙБЎРИ. Улуғ бий! Худога ёқмаган ишни қилма!..

УЛТОНТОЗ. Йўқ, сен чолга неварга керак эмас экан!..

БОЙБЎРИ. Унга тегинма!.. (*Хўнграб*.) Менинг Алпомиш деган фарзандим... йўқ...

УЛТОНТОЗ. Чўри, сен ҳам айт!

КУНТУФМИШ. Йўқ.. Ундай фарзандим йўқ...

УЛТОНТОЗ. Баракалла! Бу гап яна қайтиб эсларингдан чиқса!.. Энди бориб, хизматларингни қилаверинглар! Фармонкул Баковул! Агар булар сал тайсалласа, аяб ўтирма, ўлгидай қилиб ур! Икки қари чўрининг хуни от билан туя бўлмайди! Ура бер! Хунини мен - Алпомиш тўлайман!

Бойбўри, Кунтуғмиш, Алпомиш ва Фармонкул қозон бошига ўтадилар.

ФАРМОНҚУЛ (*Бойбўри ва Кунтуғмишга*). Билиб қўйинглар! Энди ўлимларинг менинг кўлимда!

АЛПОМИШ (*Фармонкулга яқин келиб, яна унинг билагидан маҳкам ушлайди-да, кўзига термулади*). Фармонкул, агар бий бобо билан бекачга қўлингни тегизиш нари турсин, назаринг билан ёмон қарасанг ҳам, жонингни суғириб оламан!

ФАРМОНҚУЛ. Култой! Култой!.. Сенга нима бўлди! Қўйиб юбор! Менга нима! Улуғ бий айтгандан кейин, бир дўк қилдим, қўйдим-да! Қўйиб юбор!.. Суягимни кумдай эзиб юбординг! Булар сенинг ҳариндошинг эканлигини ҳайдан билай! Гапирмайман! Қўйиб юбор!..

Алпомиш унинг кўлини қўйиб юборади.

Шу пайт одамларнинг шовқини эшитилади. Саҳнага Фовур кал бошлиқ навкарлару ясовуллар ўровида - ҳамшаги учқур юришида Ҳаққул бахши киради. Бироздан сўнг Қоражон ҳам саҳнада пайдо бўлади.

ҲАҚҚУЛ. Сўраган экансан, Ултон, келдим!

УЛТОНТОЗ. Мен Алпомишман, Ҳаққул!

ҲАҚҚУЛ. Сени ўзи худо урибди, Ултон! Сендан қанақа Алпомиш чиқсин! Туришингни ҳара!..

УЛТОНТОЗ. Ҳаққул, ғазабимни кўзғотма! Нима деб дoston айтдинг!

ҲАҚҚУЛ. Ҳамиша айтиб юрганганимни айтдим!

УЛТОНТОЗ. Ҳамиша нима деб айтасан!

ҲАҚҚУЛ. Биласан-ку, нима деб айтишимни... Алпомиш эиндондан чиқиб келди, деб айтаман, Бойсин-Кўнғиротга эгалик қилди, деб айтаман! Душманларини қон ҳақшатди деб айтаман.

УЛТОНТОЗ. Сен ўтрикчисан!

ҲАҚҚУЛ. Мен ҳақиқатни айтаман!

УЛТОНТОЗ. Сен айтган Алпомиш аллақачонлар зиндонда чириб кетган!..

ҲАҚҚУЛ. Нодонлигинг шунда! Алпомиш ўлмайди! Алпомиш ҳеч қачон ўлмайди!

УЛТОНТОЗ. Келгани йўқ-ку!

ҲАҚҚУЛ. Келмаган бўлса, келади! Чунки Алпомишсиз халқ йўқ, Алпомишсиз ёруғ дунё йўқ!

УЛТОНТОЗ. Ўлимдан кўркмайсанми?

ҲАҚҚУЛ. Кўркман!.. Лекин сен ўлим бўлсанг, сендан кўркмайман! Сендан кўрқшни ор деб биламан!..

УЛТОНТОЗ. Шунча ботирмисан?

ҲАҚҚУЛ. Сен ҳаммани кўрқитдим, ҳамма бош эгади деб ўйлайсанми?..

УЛТОНТОЗ. Бош эгмайдиган ҳам борми?

ҲАҚҚУЛ. Бошини эгганга солиб юрганлар жуда кўп!

УЛТОНТОЗ. Бошини эгмай юрганлари деяпман.

ҲАҚҚУЛ. Бор.

УЛТОНТОЗ. Ким?

ҲАҚҚУЛ. Мен, Ултонтоз, мен!..

УЛТОНТОЗ. Ҳеч кўркмайман де.

ҲАҚҚУЛ. Менга ҳара, Ултон! Бир одамнинг битта умри бор! Бир бошга эса бир ўлим! Барибир ўламмиз-ку! Аммо сени мактаб, шармандачиликда ўлгандан, Алпомишни айтиб, шарафда кетган маъқул эмасми? Биласанми, "Алпомиш" дostonида сен ҳам борсан. Дostonдаги ҳукми-ни эшит! Ўзбак ер юзида тургунча, номингдан лаънат кўтарилмайди. Алпомиш эса қайтади! Энди гапим тамом. Мен кетдим, Ултон!..

ЭРГАШТОЗ (бир Ултонтозга, бир Ҳаққулга ҳараб). Қаёққа кетаяпти? Ҳаммани мот қилиб кета берадимми?

УЛТОНТОЗ. Майли, кетаверсин!

АЛПОМИШ (югурганча бориб Ҳаққулни тўхтатади). Ҳаққул! Ҳақнинг қули!..

ҲАҚҚУЛ. Қултой! Бугунги айтишимни эшитмадинг-да! Ҳаммани йиғлатдим! Бировни йиғлатган ҳақиқат бир кун-мас бир кун қулдирадям!..

АЛПОМИШ. Илоё, қулдирсин! Фақат сен шошма, ҳақнинг қули! Тўхта! Шу Алпомиш билан бир-икки кун муроса қилиб тур!.. Мана бу гапни эшитганмисан!..

Даврон кўнса бир чивиннинг бошига,

Семурғ қушлар таъзим айлар қошида!..

ҲАҚҚУЛ. Оббо, бобо! Оббо!.. Яхши айтганман-да!

АЛПОМИШ. Яхши айтгансан! Энди ўзинг амал қил.

ҲАҚҚУЛ. Мен бу гапларни дунёнинг равишига ҳараб айтганман, бобо! Аммо дунёнинг равишини шоир бузмаса, ким бузади! Хайр, бобо! Хуш қолинглар!

АЛПОМИШ. Кетма. Шу кеча бобонга ҳамроҳ бўл. Гу-ринглашиб тонг откизамиз!..

ҲАҚҚУЛ (эшитмай, ўзининг шавқи билан маст). Ким "Алпомиш"ни эшитмоқчи бўлса, эртага Тангриқул чўпоннинг тўйига ўтсин! (Қуйлаб жўнайди.)

Дўмбирамнинг тори бўлди куйган жон,

Кўнғиротнинг зори бўлди куйган жон.

Худованднинг ёри бўлди куйган жон,

Эл-юртининг ори бўлди куйган жон!..

Ҳаққул билан келганлар саҳнани тарк эта бошлайдилар.

УЛТОНТОЗ. Фовур!

ФОВУР Ултонтозга ялт этиб ҳарайди. Ултонтоз унинг кўзига маъноли тикилади.

УЛТОНТОЗ. Бахшини... а?!

ФОВУР (кўзлари бежо ўтираб, хунук тиржайганча). Ҳа!.. Бажо қиламан!

Уларнинг ҳаракатини четда туриб кузатиб турган Қоражон бирдан югуриб Ултонтозга олдида чиқади.

ҚОРАЖОН Уни ўлдирманглар! Уни ўлдирманглар деяпман!..

ЭРГАШТОЗ (мунофиқона ялтоқланиб). Қоражон ясовул, жинни-пинни бўлдингми? Ким кимни ўлдирди?

ҚОРАЖОН Уни ўлдирманглар!

УЛТОНТОЗ. Ясовул, бўзадан кўп ичдингми?.. Фовур ва-зир, бориб юмишларингни қилабер!

Фовур чиқиб кетади.

ҚОРАЖОН. Фовур Ҳаққулни ўлдиршига кетди! Ўлдиршига кетди!.. Энди ҳақиқатни айтаман! Айтмасам, юрагим ёрилиб, ўлиб кетаман!.. Ултонтоз! Сен Алпомиш эмассан! Худо масхаралаб тахтага ўтказган масхарабозсан! Ҳаммани кўрқитган жаллодсан! Билиб қўй, ажалингдан бурун қонингга беланиб ўласан!..

УЛТОНТОЗ (жаллодга хос осойишталикда). Ясовул жинни бўлибди! Бу бахшининг ахлоқ калласи кимга керак? Ясовулни элтиб андонга ташланглар! Ўзига келса, тўйни ўтказиб, худо хоҳласа, бошини дорга тортирамиз!

ҚОРАЖОН. Уни ўлдирманглар!.. Ҳаммамизни хор қилдиларинг! Ҳаммамизни кўрқитдиларинг! Бу дунёда битта кўркмайдиган одам қолсин! Битта ҳақиқатни айтадиган одам қолсин! Уни ўлдирманглар!.. Уни ўлдирманглар!

3.

Саҳнада Барчининг ўтови. Ўтовдан чанқовузнинг жон-ўртар товуши янграпти. Бир пасдан кейин ўтовдан Барчин билан Ёдгорнинг суҳбати эшитилади. Суҳбат аллақандай акс-садога айланган - осмону фалақдан келаётгандай залга оқади.

БАРЧИННИНГ ОВОЗИ. Ёдгорбек, элингизни нима дейишади?

ЁДГОРНИНГ ОВОЗИ. Кўнғирот.

БАРЧИННИНГ ОВОЗИ. Юртингизни-чи?

ЁДГОРНИНГ ОВОЗИ. Бойсин!

БАРЧИННИНГ ОВОЗИ. Кўнғирот ҳайси халққа ётади?

ЁДГОРНИНГ ОВОЗИ. Ўзбак халқига!

БАРЧИННИНГ ОВОЗИ. Отангизнинг оти ким?

ЁДГОРНИНГ ОВОЗИ. Алпомиш!

БАРЧИННИНГ ОВОЗИ. Насабингизни сананг қани...!

ЁДГОРНИНГ ОВОЗИ. Алпомиш Бойбўрининг ули, Бойбўри Алпонбийнинг ули, Алпонбий Добонбийнинг ули, Добонбий Қорувлибийнинг ули, Қорувлибий Тортиғлибийнинг ули, Тортиғлибий Кўнғирот отанинг ули!..

БАРЧИННИНГ ОВОЗИ. Баракалло, Ёдгорбек!.. Бу гапларни эсингиздан ҳеч чиқарманг. Насиб бўлса, катта бўлсангиз, бу гапларни фарзандларингизга ўргатасиз!.. Хўпми?.. Энди бориб ўйнанг!

Чанқовуз тинмайди. Ёдгор ўтовдан чиқиб, югургилаб саҳнанинг ортига ўтиб кетади. Ўтов эшигида Барчин кўри-нади. Саҳнага Алпомиш киради.

АЛПОМИШ. Келин!.. Хўв, Ойбарчин келин!

БАРЧИН (ноҳос сесканиб, у ҳали ўтов эшигида - Алпомишни кўргани йўқ). Ким? Ким келди?

АЛПОМИШ. Қултой бобонгман!

БАРЧИН. Қултой бобо?.. Ҳа, Қултой бобо экансиз!..

Мен эсам!.. Жоним чиқиб кетай деди бобо!

АЛПОМИШ. Мени кўрсанг қувониш ўрнига!..

БАРЧИН. Мен сизнинг овозингизни бошқа бир одамнинг товушига ўхшатибман!..

АЛПОМИШ. Кимга ўхшатдинг, келин, кимга ўхшатдинг?

БАРЧИН. Қалмоққа кетган бегимга ўхшатдим.

АЛПОМИШ. Мен сенинг олдинга "тўй қулли бўсин"-га келсам, сен мени аллақачон ўлган бегинга ўхшатиб ўтирибсан!.. Тўйинг қуллик бўлсин; келин!

БАРЧИН. Бобо, кет бу ердан!..

АЛПОМИШ. Ие, келин, сенга бир бало бўлдима, ё бирор жин-пин тегдима, авзойинг бузилиб, бежо сузилиб ўтирибсан? Бошингга бахт қуши қўниб турган бўлса!..

БАРЧИН. Бобо, қарғадай қағилламай, бу ердан кет!..

АЛПОМИШ. Кетсам; кетдим! Обрўйимни ер билан битта қилганингдан кейин кетаман-да, ўтираманма сендан гап эшитиб!..

БАРЧИН. Шошма, бобо!.. Сен кўпқарида бўлдингми?

АЛПОМИШ. Бўлдим! Зап кўпқари бўлаяпти!..

БАРЧИН (бирдан жонланиб). Ундай бўлса ўтир, бобо! Гуринг қиламиз!.. (Ўтов олдидаги супани кўрсатиб.) Утир, бобо!

АЛПОМИШ (ўтирар экан). Мана бу ишинг бошқача, келин! (Жойлашиб ўтириб олгач.) Энди гапнинг ўроли шу - кўнглингни икки қилма! Уям Алпомиш эди, буям Алпомиш! Кўнглингни хижил қилмай тега бер!..



БАРЧИН. Мен сени, имонли деб юрсам, имонсиз экансан, бобо! Кет бу ердан! Умримнинг охиригача қорангни кўрмай!..

АЛПОМИШ. Қизиқ экансан-ку, келин! Бир "қол" дейсан, бир "кет" дейсан...
БАРЧИН. Кўнглимни вайрон қилдинг, бобо... Ултонтозга теккунча, қора ерга тегаман!

АЛПОМИШ. ОЙБАРЧИН... Ҳазиллашдим! Мендан хафа бўлма!.. Бир синаб кўрайин деб...
БАРЧИН. Бобо, эса гапир, кўпқарида бўлдингми? Нималарни кўрдинг?..

АЛПОМИШ. Кўпқари кўпқари-да, келин! Кўп чобагон талашиб ётибди улоқни, ўлганиниям билмайди, қолганиниям...
БАРЧИН. Бобо... Кўпқарида... Бойчиборни кўрмадингми?..

АЛПОМИШ. Бойчибор кўпқарида нима қилади, Ойбарчин?..
БАРЧИН. Ернинг тагидан гупирини эшитдим, бобо!

АЛПОМИШ. Юрагингнинг гупирини эшитгансан, келин, юрагингнинг... Юрагингнинг югуришини эшитгансан.
БАРЧИН. Юрагим етти йилдан буён югуриб-югуриб чарчади... Мен ўйлабманки...

АЛПОМИШ. Нимани ўйладинг?..
БАРЧИН. Алпомиш зоримни эшитиб, етиб келдим деб ўйлабман...
АЛПОМИШ. Йўқ одам қаердан келади, Ойбарчин!..

БАРЧИН. Ундай деманг, Култой бобо, Алпомиш келади... Мен бу дунёда бўламанми, йўқми, барибир бир кун Алпомиш келади! Алпомишсиз дунё кулаб тушади, бобо!

АЛПОМИШ. Кулаб тушгани йўқ, Алпомишсиз ҳам турибди...
БАРЧИН. Агар турган бўлса, мен Алпомишни унутмаганим учундир... Бобо, ростини айт...
АЛПОМИШ. Ниманинг ростини айтмай?..

БАРЧИН. Алпомишни... кўрмадингми, бобо?
АЛПОМИШ. Келин, ажабтовур гапларни айтма... Алпомишни қаердан кўраман?

БАРЧИН. Бобо, қара, бутун дунё ўзгарди! Алпомиш шу яқин атрофда - менинг гапларимни эшитиб тургандай.
АЛПОМИШ. Қўнғил яқин бўлса, эштади.

БАРЧИН. Эштадимми?! Эшитса жавоб берар-да, бобо!.. Бий бобомнинг ули!.. Бий бобомнинг ули!.. Мен сизни соғиндим!.. (У дунёга кулоқ солади.) Мен сизни соғиндим деяман, бий бобомнинг ули! (У яна жону дили билан дунёга кулоқ тутади.) Нима? Сиз ҳам соғиндингизми? Соғинган бўлсангиз келинг! Мен бунда талонда қолдим!.. Агар келмасангиз... Агар келмасангиз, у дунёда учрашамиз, бий бобомнинг ули!.. Овозингиз кўлларим етадиган жойдан эшитилапти! Қаердасиз?

АЛПОМИШ. Ойбарчин...
БАРЧИН. Ҳамма айтганларингизни қилганман. Ўғлингизни оти ЁДГОР... Кетишда айтган гапларингизни юрагига сингдирганман!.. Бойсин-Кўнғирот деса, кўзлари ёнади!..

АЛПОМИШ. Барчин...
БАРЧИН. Нима дейсиз, айтинг яна нима қилай? Етти йил кутдим, яна етти юз йил кутамаман! Етти юз йилда келмасангиз, етти дунё адо бўлгунича кутамаман!..

АЛПОМИШ. Ойбарчин... Сенга нима бўлди? Алахсирама!..
ОЙБАРЧИН (ялт этиб ҳараб). Бобо! Култой Бобо!..
АЛПОМИШ. Ўзингни бос, қизим! Ўзингни бос!..

ОЙБАРЧИН. Бий бобом улининг овози илгари олис-олисдан келар эди, ҳозир шундай ёнимдан келди, бобо! Кўнғилгига гап келмаса айтмай... Бобо, унинг товуши сенинг кўксингдан чиққанда ўхшади... (Барчин Алпомишга тикилиб қолади) Бобожон, жоним бобо, тўғрисини айт, бий бобомнинг ули... сен эмасмисан?

АЛПОМИШ. Келин, ўзимнинг Ойбарчин келиним! Алпомишингни соғинибсан! Шундан товушини ҳамма жойдан эшитаёсан... Мен қаердан Алпомиш бўлай!..
ОЙБАРЧИН. Бобо, тумоғингни бир кўтар!..
АЛПОМИШ. Биз даштнинг одамимиз! Тумоғимизни кўп ечмаймиз! Тумоғим калламга ёпишиб қолган, келин!

ОЙБАРЧИН. Ҳа, майли, бобо!.. Кўтармасанг, кўтарма.

Мени ўзи худо урган бўлмаса, сени Алпомиш биламанма?!

АЛПОМИШ. Шайтонга ҳай бер, келин!.. Энди нима учун келганимнинг аслини эшит. Ултонтоз уйингга совчи кўннатди.
БАРЧИН. Жўнатаберсин, бобо! Жўнатаберсин... Етти йилдан буён ҳар кун жўнатади.

АЛПОМИШ. Ултонтоз бугун совчиларга қаттиқ тайинлади. Агар бугун ҳам розилик бермасанг, энди зўрлигини кўрсатиб сенга уйланар экан! Бу гапни эшитиб - нима бўлсам Барчиннинг ҳолидан хабар олай, ёмон кунда ёнида бўлай, у турса мен ҳам турай, у ўлса, мен ҳам ўлай деб, улардан олдин йўртиб келдим.
БАРЧИН. Куллуқ, бобо, куллуқ!..

Отларнинг дупири эшитилади.

АЛПОМИШ. Ана, совчилар! Маҳкам бўл, келин! Бу ёғини менга қўйиб бер! Сен Култой бобонгни кимлигини ҳали билмайсан!

Барчин ўтовнинг ичига кириб кетади. Қисха-узун бўлиб, Ҳасан Қоровулбоши, Амирхожи мулла ва Саид маҳрам кириб келадилар.

АЛПОМИШ. Келинлар, совчилар, келинлар! Қайси тепага жой қилай? (Тўрт тарафни кўрсатиб.) Бу тепагами, у тепагами, ё ҳўв, ана унисигами?.. Бир дам ёнбошлаб, совчиликнинг расм-русумини келтириб...
ҲАСАН ҚОРОВУЛБОШИ. Сен нима қилиб юрибсан бу ерда, Култой?

АЛПОМИШ. Бойбўрибийнинг ишонган оқсоқоллари, бийнинг келинига қандай совчилик қилишини кўргани келиб ўтирибман-да, Ҳасан қоровулбоши!

АМИРҲОЖИ МУЛЛА. Култой, Култойжон! Бизга таъна қилма!
САИД МАҲРАМ. Дунёнинг ҳаттиқлигини ўзинг кўриб турибсан, Култой!

АЛПОМИШ. Мулла билан саидга таъна қилиб, бошим иккитамми? Энди туришларингни ер кўтаролмай, ёрилай-ёрилай деётгани учун айтаяпман-да!
АМИРҲОЖИ МУЛЛА. Кафанимизни бўйнимизга илиб келдик! Алпомиш айтдиларки...
АЛПОМИШ. Ие, Алпомиш Қалмоқдан қайтдимми, Амирхожи мулла!

САИД МАҲРАМ. Култой! Қийшанглама! Ҳозир Алпомиш кимлигини яхши биласан!
АЛПОМИШ. Анаву асирга тушиб келган чўрининг ўғли Ултонтозми? Бойсин-Кўнғиротга асирликдаги ғанимларни оқсоқол қилган ҳалиги... калми?

ҲАСАН ҚОРОВУЛБОШИ. Бу Култой бизни бир балога дуч қилади! Бунинг касофатига ҳаммамиз ўлиб кетамиз! Бу билан айтишмасдан, Ойбарчиннинг ўзини чақиринглар!

САИД МАҲРАМ. Барчин! Ҳўв, Ойбарчин...
Ўтов ичидан Ойбарчин чиқади.

БАРЧИН. Яна келдиларингми? Итни ҳам бир қувгандан кейин, айланиб келмайди!
АМИРҲОЖИ МУЛЛА. Бойсин-Кўнғиротнинг улуг бийи Алпомишбек бугун сенинг рози гапингни эшитганини истар эканлар. Агар бошқа гап айтсанг...
БАРЧИН. Нима бўлар экан?

САИД МАҲРАМ. Қўлидан келганини қилар экан!
БАРЧИН. Ултонтознинг қўлидан парвардигорлик келмайдими?
ҲАСАН ҚОРОВУЛБОШИ. Ойбарчин! Қизим! Зўр билан ўчакишма! Бир оғиз рози гапингни айт! Шу балодан кутилайлик! Етти йилдан буён сарсонмиз! Бизга айтмаган ҳақорат гапи қолмади. Биласан, Алпомишнинг даврида ҳандай обрўйли одамлар эдик!..

БАРЧИН. Билсаларинг, мен сизларнинг обрўйларинг учун талашиб ётибман, Бойсин-Кўнғиротнинг бекари! Бориб охири гапимни айтинглар... Мен Алпомишни яна етти юз йил кутамаман! Етти юз йилда келмаса, етти дунё тугагунча кутамаман!..
АМИРҲОЖИ МУЛЛА. Болам, Алпомиш ўлиб кетди...

Алпомиш ўлиб кетди...

БАРЧИН. Мулла бўлсангиз ҳам дунёнинг равишини билмас экансиз, Амирхожи мулла! Алпомиш ўлмайди! Чунки парвардигор бу дунёнинг равишини шайтонларга топшириб қўймайди! Энди бориб жавобимни айтинглар!..

САИД МАХРАМ. Ўттиз кундан бери тўй бериб ётган одам, сенинг раъингга қарар эканми, Ойбарчин! Урлик қилма!

БАРЧИН. Жавобимни айтдим. Бошқа гапим йўқ. Келган йўлларингга кета беринглар, Ултонтознинг совчилари!..

Совчилар мустар туриб қоладилар. Ҳасан қоровулбоши бирдан ерга тиз чўқади. Бурилаётган Ойбарчин бурилган кўйи тўхтаб қолади.

ҲАСАН ҚОРОВУЛБОШИ. Бойсарининг қизи! Бизга раҳминг келсин!.. Бу гапларингни бориб айтолмаймиз! Айтсақ, бизни хўрлайди. Кеча бу ердан борганимдан кейин, мени соқолимдан ушлаб судради! Ойбарчин! Отанг тенгиман! Оппоқ соқолимнинг қурмати - "хўп" де! У бизни дорга тортиришдан ҳам қайтмайди! (Ҳамроҳларига.) Сенлар нега ҳараб турибсан?! Ялининглар! Бойсарининг қизига ялининглар!

Саид маҳрам билан Амирхожи мулла ҳам тиз чўқади-лар.

САИД МАХРАМ. У менинг молимни олди! Учта акамни ўлдирди! Улим йўқ бўп кетди! Ўзимнинг эмас, уйдагиларимнинг қолганининг жонини сўрайман!

АМИРХОЖИ МУЛЛА. У бизни махлуқ қилиб қўйди, Ойбарчин! Сенинг уйингга келиш осонми? Кафанимизни бўйнимизга илиб келдик! Бизга раҳминг келсин!

Барчин ўша туришида - ерда тиз чўкиб турган уч оқсоқолга бурилиб қарашга кучи етмай турибди.

АЛПОМИШ. Энди бундай гап; оқсоқоллар! Сизлар Ултонтознинг олдига бугунча борманглар. Кўздан пана бир жойга яшириниб ётинглар! Эрта-мертан газабидан тушар...

АМИРХОЖИ. Бу газаби УЛТОНТОЗ... Алпомиш газабидан тушмайди! Қўнғиротни битталаб ўлдирмагунча, ҳазабидан тушмайди!..

АЛПОМИШ. Ҳадеб Ултонтознинг айтганини қилмасдан, Қултой чолниям айтганини бир бажаринглар! Боринглар! Боринглар!..

Улар чиқиб кетишади. Барчин энди ўгирилиб қарайди.

БАРЧИН. Кетишимми?..

АЛПОМИШ. Кетишиди... Келин, булар сенинг мазангни қочирди. Ўтовга кириб дамингни ол. Мен мана бу тепага чиқиб, сени кўриқлаб ўтираман.

БАРЧИН. Майли, бобо, кўриқласанг, кўриқлай бер!

Барчин ўтовнинг ичига кириб кетади. Қултой саҳна ортидаги тепаликка йўналади. Шу пайт от дупири эшитилади. Бу от дупири алоҳида - минглаб отлар баробарига югуриб келаётганидай.

Барчин ўтовдан қайтиб, югургилаб чиқади.

БАРЧИН. Бойчиборнинг дупири! Бойчиборнинг дупири!.. Шу ерга келиб тўхтади! Қултой бобо, Бойчибор!..

ҚУЛТОЙ. Эшитдим, эшитдим... Бойчибор эмас, Аскар тоғдан кўчки кўчди!.. Бу йил ёмғир кўп ёққанини биласан!.. Бор, ўзингни ҳар ёққа урмай, дамингни ол!..

Ташқаридан бардамгина бекзод мўйсафид қиёфасида Қултой киради.

АЛПОМИШ. Э, бекбобо! Келинг! Келинг!..

ҚУЛТОЙ. Сени бир кўрай деб...

АЛПОМИШ (Қултойга кўз қисиб). Кўчки ёмон кўчди-я, бекбобо!

ҚУЛТОЙ. Ёмон кўчди. Тўртта тепа бирдан дарага гум-бирлаб тушди.

БАРЧИН. Бекбобо! Қандай от миниб келдинг!

ҚУЛТОЙ. Мен бировнинг отини минмайман, бийнинг қизи! Ўзимнинг отимни миниб келдим.

БАРЧИН. Отингиз чипорми?

ҚУЛТОЙ. Чипор...

БАРЧИН. Қаердан сотиб олгансиз?

ҚУЛТОЙ. Ўзимнинг зотаки хайвоним.

БАРЧИН. Алдама, бобо! Уни бирор жойдан сотиб олгансан, ё адашиб сенинг қўлингга тушган.

АЛПОМИШ. Ҳалиги Бўзбияннинг боласи-да, шу чипоринг. Қулунлагада мен бор эдим.

БАРЧИН. Рост айтаяпсизларма?

ҚУЛТОЙ. Мендай бекка ёлғон ярашадими, бийнинг қизи!

АЛПОМИШ (Барчинга). Бор! Бор!.. Дамингни ол! Чарчаб, хаёлати бўлиб қолибсан! Бор!..

Ойбарчин уларнинг гапига ишониб-ишонмай, ўйлана-ўйлана ўтовга кириб кетади. Алпомиш Қултойни бир четга бошлайди.

АЛПОМИШ. Бахай, бобо! Нимага келдинг!

ҚУЛТОЙ. Ёмон хабар олиб келдим, Алпомиш, ёмон хабар!..

АЛПОМИШ. Нима бўлди, Қултой бобо, нима бўлди?

ҚУЛТОЙ. Ҳаққул бахши...

АЛПОМИШ. Ҳаққул?..

ҚУЛТОЙ. Ҳаққул энди йўқ...

АЛПОМИШ. Қаёққа кетди?

ҚУЛТОЙ. Парвардигорнинг даргоҳига... Воҳ, Ҳаққул! Ҳақнинг қули!..

АЛПОМИШ. Гапир, бобо, гапир!..

ҚУЛТОЙ. Чўпонлар жасадини Тангрибойнинг овули тарафидан топиб олишибди.

АЛПОМИШ. Ўз ажали билан ўлибдими?

ҚУЛТОЙ. Сўйиб кетишибди! Шаҳид кетибди Ҳаққул! Шаҳид!.. Бу Ултонтознинг иши!.. Воҳ, Ҳаққул! Воҳ, Ҳақнинг қули!..

АЛПОМИШ. Гуноҳ менда, бобо! Тўйлаб юрмасдан тезроқ ҳаракатимни қилишим керак экан! Ҳаққулни бир ўзини қўйиб юбормаслигим лозим эди!..

ҚУЛТОЙ. Минг аттанг! Минг аттанг! Ҳай, эсиз Ҳаққул! Ҳай, эсиз ҳақнинг қули!

АЛПОМИШ. Бир зурруёд қолмади шундай одамдан, бобо!

ҚУЛТОЙ. Пешона, Алпомиш! Пешона!.. Ундан биргина дoston қолди. Дунёнинг пешонасига сенинг номингни шу ҳақнинг қули ёзиб қўйди!.. Воҳ, Ҳаққул! Воҳ, ҳақнинг қули!..

АЛПОМИШ. Бобо юр, бир четга ўтиб маслаҳат қилайлик! Юртни Ултонтоз балосидан қутилтирмоқни ўйлайлик.

ҚУЛТОЙ. Бу куннинг бир онига ҳам тоқат қолмади! Тезроқ бўл, бўйингдан? Тезроқ бўл!

Улар чиқиб кетаркан, оҳиста-оҳиста Ҳаққулни йўқлаб бораптилар.

ҚУЛТОЙ. Во, Ҳаққул!.. Воҳ, ҳақнинг қули!..

АЛПОМИШ (бирдан тўлиқиб). Бир ўзим қолдим, Ҳаққул! Бир ўзим қолдим!.. Ким энди менинг ёнимда туриб, ҳақ деб талашади, Ҳаққул!..

ҚУЛТОЙ. Ҳақиқатдай сўйилган Ҳаққулим!..

АЛПОМИШ. Ким юртнинг ори учун талашади, Ҳаққул!

ҚУЛТОЙ. Во, Ҳаққул! Эсиз Ҳаққул!..

АЛПОМИШ. Жувонмарг бўлган ҳақнинг қули! Во, Ҳаққул!..

Улар чиқиб кетадилар.

Бироздан сўнг саҳнанинг бир тарафидан кийими ва кўриниши бир ҳол, оёқяланг Қалдирғоч кўринади. У кўрқ-писа ўтовга яқин келади.

ҚАЛДИРҒОЧ. Барчин... Чеча... (Атрофга аланглайди.) Барчиной... Барчин деяпман...



Ўтов ичидан шарпа эшитилади. Қалдирғоч чўчиб ўзини панага олади. Ойбарчин ўтовдан ташҳарига чиқади. У бий қизларига монанд кийинган.

БАРЧИН. Ким?..
ҚАЛДИРҒОЧ. (Барчинга кўзи тушгач, кўриниш беради) Қалдирғочман, чечажон, Қалдирғочман...

БАРЧИН. Бий бобомнинг қизи? У ерда турганингиз нимаси?

ҚАЛДИРҒОЧ. Чечажон, қуллар кўриб қолишади...

БАРЧИН. Қуллар кўриб қолса нима?..

ҚАЛДИРҒОЧ. Сизга гап тегади, чечажон!

БАРЧИН. Бий бобомнинг қизи, мени ўйламанг! Келинг, бу ёққа!

ҚАЛДИРҒОЧ. Ўзингиз келинг, чечажон! Улар кўриб қолса...

БАРЧИН. Мени ўйламанг деяпман!

ҚАЛДИРҒОЧ. Қуллар урадилар...

БАРЧИН. Меними?..

ҚАЛДИРҒОЧ. Йўқ, мени, чечажон!.. Ултонтознинг итлари кўрса, куними бир тутам қилишади. Чеча, қақир-тирибсиз?..

БАРЧИН. Бий бобомнинг қизи! Қизжон! Бир илтимосим бор! Ёдгорни ўзингиз билан Чилбир чўлига олиб кетсангиз! Дастёр бўлиб қолди, туяларни қайтариб, сизга қаршиб юрар...

ҚАЛДИРҒОЧ. Майли... Фақат, чеча, мёндан сир яширманг!

БАРЧИН. Нимасини яширай... Ултонтоз совчи кўя бериб, мен совчиларни кува бериб, сабр-тоҳатимиз тугади. У энди мени аямайди. Қўлидан келадиганини қилади! Шунга... Ёдгорим оёқ ости бўлиб кётмасин дейман... Бу қулларнинг инсофи йўқ - болани бола деб аяб ўтирмайди!..

ҚАЛДИРҒОЧ. Сиз нима қиласиз, чечажон, сиз нима қиласиз?

БАРЧИН. Мен ҳам қараб ўтирмайман, қизжон! Мен ҳам қўлимдан келганини қиламан! Ё ўламан, ё Ултонтознинг этисопини қиламан!..

ҚАЛДИРҒОЧ. Чечажон, мен ҳам сиз билан бўлай!

БАРЧИН. Йўқ, сиз Ёдгоржонни бундан олиб кетинг. Агар, одамлар айтиб юрган совуқ гаплар рост бўлса, алпимдан бир Ёдгорлик қолсин! "От ўрнини той босар" дейишади-ку!.. Шояд, бир кун отасининг ўрнини босса, юртини қуллардан озод этса... Энди ҳаммамиз худонинг бандасимиз, бий бобомнинг қизи! Эртага нима бўлишимиз фақат яратганга аён! Аммо келинг, кейин армон бўлмаслиги учун, бугун бир ризолашиб кўйлик, қизжон!.. Мен сиздан бир ёмон сўз эшитмадим...

ҚАЛДИРҒОЧ. Бирга ўсдик, чечажон, талашиб-тортишиб ўсдик. Сиз менинг кўнглимни бирор марта қолдирмадингиз!..

БАРЧИН. Сизни эсласам, суянадиган тоғим бордай туйилади менга...

ҚАЛДИРҒОЧ. Мен сизни оғамдан ортиқ яхши кўрдим...

БАРЧИН. У дунёда учрашсак...

ҚАЛДИРҒОЧ. У дунёда учрашсак, сиз фаришта қиёфасида мени излаб келасиз!

БАРЧИН. Сиз жаннатга бошлайсиз мени!..

ҚАЛДИРҒОЧ. Чечажон!

БАРЧИН. Қизжон! Бий бобомнинг қизи! Мёндан рози бўлинг!

ҚАЛДИРҒОЧ. Сиз мёндан рози бўлинг!..

БАРЧИН. Энди боринг, қизжон!.. Худонинг паноҳига!..

ҚАЛДИРҒОЧ. Худонинг паноҳига, чечажон, худонинг паноҳига!..

БАРЧИН. Йўлларда йиғламай кетинг!..

ҚАЛДИРҒОЧ. Сиз ҳам йиғламанг! Биз Бойсин-Кўнғиротнинг қизларимиз!

БАРЧИН. Ҳа, Бойсин-Кўнғиротнинг қизларимиз!.. Худонинг паноҳига!

ҚАЛДИРҒОЧ. Худонинг паноҳига!..

Қалдирғоч чиқиб кетади. Барчин ўтов керагасига суяниб, ўзи билан ўзи бўлиб турибди. У анчагача шу ҳолда туради. Сўнг бир қарорга келгандай шартта бурилиб, ўтовга кириб кетади.

Бироздан сўнг бир тўда отнинг дупири эшитилади. Саҳнага аёнлари ва навкарлари ўровида Ултонтоз кириб келади.

УЛТОНТОЗ. Барчин! Қаердасан? Барчин?! Чиқ ўтовдан! Мен - Алпомиш келдим.

Сукунат.

Чиқ! Алпомиш келди деяпман!

Сукунат. Бироздан сўнг ичкаридан Ойбарчин чиқади. У эркакча кийинган. Бир қўлида қилич, бир қўлида қалқон. Эгнида совут, бошида дубилҳа... Ултонтоз ва унинг атрофидагилар Ойбарчиннинг салобатини кўриб, бир қалқиб кетадилар-да, шошиб қилич яланғочлайдилар.

УЛТОНТОЗ. Совчилар, қани?

БАРЧИН. Итларим оч эди, совчиларингни итларимга ташлаб юбордим. Итлар емаган бўлса, ялоқнинг ичидан топиб ол!

УЛТОНТОЗ. Уларга нима дединг?

БАРЧИН. Лочин кўнган кўксимга қарға кўндирмайман, дедим!..

УЛТОНТОЗ. Менинг сабримни етти йил синадинг! Энди сенинг айтганинг бўлмайди! Алпомишнинг гапини бу элда ҳеч ким қайтаролмайди!..

БАРЧИН. Алпомиш ким?

УЛТОНТОЗ. Мен!..

БАРЧИН. Сен?.. (Хохлаб кулади.) Гўринг Алпомиш бўладими, бечора қул!..

УЛТОНТОЗ. Менга тегаганми, йўқми?

БАРЧИН. Ултонтоз, тенгим эмассан? Худо ургир, ойна олиб, ўзингга бир қара! (Ултонтознинг одамларига ишора қилиб.) Буларингнинг мақтовига ишонма, улар сени ою кун деб мақташа беради!..

УЛТОНТОЗ. Билиб қўй, мен сенга уйланаман! Энди зўрлик билан уйланаман!

БАРЧИН. Кучинг етмайди, Ултонтоз!

УЛТОНТОЗ (атрофидагиларни кўрсатиб). Қара, мен тарафда қанча куч бор!

БАРЧИН. Мен тарафда, худо бор, Ултонтоз, худо бор!

УЛТОНТОЗ. Фовур, бунга ушлаб отга ўнгар!

Фовурнинг қўлида қилич, Барчин тарафга юради. Барчин ўзини ҳимоя қилишга чоғланади.

ФОВУР. Мен билан ўйнашма келинчак... Бугун Ҳаққул деган бир шоирингнинг қонини ичдим... Ортиқча қон керак эмас...

У Барчиннинг қўлидаги қилични уриб туширгани кескин ҳаракат қилади. Барчин Фовурдан ҳам тезкорлик билан унинг қўлидаги қилични уриб туширади-да, яралайди. Сўнг шиддат билан Ултонтоз тарафга юради. Ултонтоз чўчиб ўзини навкарлари ичига олади.

УЛТОНТОЗ. Ҳамманг ташлан! Нимага қараб, турибсан!..

Навкарлар Барчинни ўраб олиб, ташланадилар. Ҳаммасининг қўлида қилич. Барчин яқин келганини ярадор қилапти... Кўпчилик кўпчилик-да, навкарлар уни ўтов томонга суриб келишяпти. Барчиннинг бир ўзилиги билиниб, жони илиниб тургандай...

БАРЧИН (чорасизлигини сезиб, нола қилади). Алпомиш!.. Қаердасан, Алпомиш!..

Шу пайт саҳна ортидан Алпомишнинг овози эшитилди.

Алпомишнинг овози. Шу ердаман!... Шу ердаман!..

Ҳамма қотиб қолади. Бирдан от кишнаши эшитилади. Бироздан сўнг саҳнага Алпомиш отилиб киради. У уруш анжомида - бир қўлида қилич, бир қўлида ҳалқон... Душманлар қаршисига келиб тўхтади.

АЛПОМИШ. Шу ердаман!

Кимдир аввал секингина "Алпомиш..." дейди, сўнг бошқа биров жони борича бақиради: "Алпомиш!"... Тўстўполон бошланади. Ултонтоз бийлик кийимларини ечиб отиб, қочишга тутинади. Кимлардир Алпомишга ҳаршилик кўрсатмоқчи бўлади. Алпомиш ҳар қилич сермаганида, улар қиличнинг дамига йиқилиб қола берадилар... Шу тўполонда саҳнада қоронғулик тушади.

Саҳна ёришганда яна Ойбарчиннинг ўтови. Култой атрофини саришталаб бўлай деб қолган. Олислардан шодина қилаётган халқнинг овози эшитилиб турибди: "Яшасин Алпомиш!", "Қуларнинг шунча жони бор экан!" "Кўнғирот энди обод бўлади!", "Ултонтоз қаерда? Менга Ултонтоз керак! Отамнинг хунини оламан!", "Кеч қолдинг... Бир йигит Ултонтоздан отасини хунини олиб бўлди!". "Итга ит ўлими!"... Алпомиш ва Қоражоннинг овози эса яқинроқдан эшитилади.

Қоражоннинг овози. Алпомиш!...
 Алпомишнинг овози. Қоражон! Кел, кучоқлай! Ийманма! Мендан ҳам озгина ўтган...
 Қоражоннинг овози. Менга рухсат бер...
 Алпомишнинг овози. Йўл бўлсин?
 Қоражоннинг овози. Юртимга. Қалмоққа!
 Алпомишнинг овози. Мендан хафа бўлма.
 Қоражоннинг овози. Сен ҳам хафа бўлма! Эса хуш қол!
 Алпомишнинг овози. Қаерда бўлсанг ҳам омон бўл!

Яна яқинлашиб келаётган одамларнинг қадам товушлари. Саҳнага Алпомиш билан қувониб-ҳайқириб бир тўда одамлар киради. Алпомиш Барчиннинг ўтовини кўриб тўхтаб қолади. Аста-аста сукунат тушади. Алпомиш ўтов эшигидан кўз узолмайди... Ниҳоят, ўтов эшигидан Барчин чиқади. Чироқ нурлари аста-аста фаҳат Барчин ва Алпомишни алоҳида ёриштишга ўтади. Шу ондан бошлаб уларнинг саҳнадаги гап-сўзлари тушдагидай - акс-садоларга ўралгайдир...

АЛПОМИШ (юрмоқча ҳоли йўқ). Ойбарчин... Мен келдим, Ойбарчин!..
БАРЧИН (ҳам йиғлаб, ҳам кулар экан). Хуш келибсиз... Бий бобомнинг ули, хуш келибсиз!..

Улар бир-бирларига термулиб қоладилар. Саҳнага Ёдгор югуриб киради. У бир зум тўхтайдига, кўзлари билан одамлар орасидан Алпомишни топади, танийди.

ЁДГОР. Ота!

У Алпомиш тарафга югуриб боради. Алпомиш уни чўқкалаб маҳкам кучоқлайди.

АЛПОМИШ. Исмингиз нима?
ЁДГОР. Ёдгор
АЛПОМИШ. Ёдгорбек, элингизни нима дейишади?
ЁДГОР. Кўнғирот.
АЛПОМИШ. Юртингизни-чи?
ЁДГОР. Бойсин!
АЛПОМИШ. Кўнғирот қайси халққа ётади?
ЁДГОР. Ўзбак халқига!
АЛПОМИШ. Отангизнинг оти ким?
ЁДГОР. Алпомиш!
АЛПОМИШ. Насабингизни сананг хани...
ЁДГОР. Алпомиш Бойбўрининг ули, Бойбўри Алпонбийнинг ули, Алпонбий Добонбийнинг ули, Довонбий Қорувлибийнинг ули, Қорувлибий Тортиғлибийнинг ули, Тортиғлибий Кўнғирот отанинг ули...
АЛПОМИШ. Баракалло, Ёдгорбек... Бу гапларни эсингиздан ҳеч чиқарманг. Насиб бўлса, катта бўлсангиз, бу гапларни фарзандларингизга ўргатасиз... Хўпми?..

Бу суҳбатнинг сўнгидаёқ парда туша бошлайди.

Парда.
 БИТДИ

ТУФИЛАЁТГАН ҚЎШИҚ

Хонанда Зулхумор Абаева

Унинг дадаси Бердибой Абаев ўз вақтида Жиззах, Хўжанд вилоят театрларида кўйилган мусиқий драмаларда роль ижро этган, кўшиқ айтган. Яхшигина ном қозонган. Шу боис Зулхумор Абаеванинг Тарозу буржи остида туғилиши, Хўжандда дунёга келиши қанчалик табиий бўлса, унинг кўшиқчилилик қизиқиши ва бора-бора тенг-тўшлари орасида бинойидек эстрада хонандаси даражасига кўтарилиши ҳам худди шу сингари табиий эди.

Камина минглаб санъат мухлислари ичида нима учундир табиийликни кўпроқ хушлайман. Зўракилик, сунъийлик чунон сингшавермайди юракка. Айниқса, эстрада йўналишидаги сунъийдан сунъий қилпилашлари чучмалдан чучмал сўз-иборалар. "Эҳ, садағанг кетай ёшлар", деб қўяверасан беихтиёр. Бу йўсинда баъзан бегона шаҳар ёхуд хорижлик нота-нишнинг хонадонига туйқус меҳмонга кирган янглиф ноқулайлик туясизки, азбаройи қочиб ё учиб чиқиб кетмоқча чоғроқ туйнук тополмай куймаланасиз.

Зулхумор мактаб кўрган, кўзи пишган қиз. Консерваторияда назарий ва амалий илмларни, хуллас, профессионализмни Хусан Набиев раҳнамолигида эгаллаган. Қолаверса, сўзимиз аввалида таъкидлаганимиздек, кўз очиб кўрган устози бор — отаси. Қолаверса, турмуш ўртоғи Қосим Отамирзаев ҳам бўй бермас чолғучи, ўнг ёнида ўғли, чап ёнида қизи билан ҳаётнинг жилвакор симфониясини муттасил ижро этишадики... Хулласи калом, Зулхумор Абаева деганимиз бир лаҳзага бўлсин санъатдан узилолмайди. Бунинг иложи йўқ. Эҳтимол, шунинг натижасидир, "Билмайсиз" (И. Жиянов шеъри, А. Шоҳназаров мус.) "Кўнгил гулшани" (Х. Аҳмад шеъри, Қ. Комилов мус.) каби кўшиқларини нисбатан тўлиқиб айтади, маромига етгандек туюлади ўзига.

Аммо у ўйлайдики, ўзбек эстрадаси ҳали тўла шакллангани йўқ. Шу боис ола-қуроқ, чалакам-чатти кўшиқларга йўл очилиб кетаётир. Профессional эстраданинг меъёрию тартиб-қоидасини ўзимиз ҳам англамаганимиз туфайли шуларга йўл очиб беряпмиз. Ёки кўпинча юзаки қараяпмиз.

Ўзбек меҳмоннинг қуюқ, узоқ ва тантанавор сўрашишларини қўлини кўксига қўйиб, хўп эшитиб бўлгач, "ўзларидан сўрасак" деб қўяди. Биз ҳам Зулхуморга ўзларидан сўрасак, дедик. У қисқагина қилиб:

— Яратилажак кўшиқларимнинг ҳаммаси олдинда деб ўйлайман, — деди. Бу ҳам бир камтарлик. Ҳар бир яратилажак асар каби туғилаётган кўшиқ ҳам довон. Муҳими, довонни иштиёқ билан эгаллашда. Сўнг эса... Александр Пушкин таъкидлагани сингари "Ўтган эса ҳаммиша тотли"...

Акбар АЛИ



Хилола ИСМАТОВА

**БИР
КУЧОК
ТУЛ
ҚОНАБ
ЁТАР
БАҒРИМДА**



Мендан кечиб сенга кетган кўнгил-кул,
Кечдим, қайтарма.
Эрка эди, эркин эди.
Дон сепдингми,
жон сепдингми?
Воҳ, соткин илинди!
Тўзгидим, тўкилдим,
Кўй, сочилган руҳимни йиғма.
Худо етар юрагимга етдинг-ку...

Кимсан менга,
Ким дей сени,
фариштами, маъбудми?..
Бир кучок гул қонаб ётар бағримда.
Бир мусича қисмат айтар,
Айтганингдан ўлдингми?


Юрагингни хушбўй ҳиди бошимни айлантирди,
Дунёمنى айлантирди кўзингда.
Осмон-зим-зиё қабристон.
Бағрим бўш қабрдек очилиб қолди
Юрак йўқ...
Бу қабрга,
бўш қабрга яна келдингми?..
Кет!!!
Кетма!!!
Кўнглимни йўқла, мени йўқлама,
сенда қора, мен-да қора
Ҳар на де, фақат оклама!
Кел

ё келма,
бир нима де,
ё дема,
ўтди бари.
Сендан ўтди, мендан ўтди,
балки ўтмади
(Ҳеч нима ўтмайди ўтказиб юбормасак!
О, юрак!
Фақат Угина мангу.
Унинг билан қол.
Ўзингдан ҳам, ўзимдан ҳам
сени ўтказиб севган
Юрагимни

Ю
Р
А
К

ЛИККА ол-л-л-л...

Атрофимда одамлар -
Тўп-тўп, якка-якка, кўп-кўп.
Одамлар ёнимда
Бирок, ёнимда ҳеч ким йўқ.



ЁНИМДА фақатгина шарпалар.
Балки менинг ёним йўқ?..
Мен нақадар йирокман одамлардан,
Нақадар узокман.
Одамлар ичидан излаб ўзимни,
Фақатгина йирокларни топаман.
Қаерларда МЕНинг яқиним,
Ўзим қаерда?!

Сўрама, ҳеч нима сўрама.
Ёмғир нафас олмаяпти осмонда.
Сўрама. Ёмғир ерга сингган..
Жавоб мушкул -

Ёмғирни осмонга қайтаришдек...

СЕВ, ЮРАК

У, бу, бошқа ва ҳамма
эҳтимол, ҳеч ким севар!
Сев нега тошсан, нега жим?
Сев, юрак, сен ҳам!
Арзимасми заҳматқаш қоракўз эшак?
Ё эшик ёнидаги тутқун ит?
Ҳеч бўлмаса унинг хаёл сурган қулбасини сев!
Мўлтираган хаёлларини
осиб ол хаёлларингга.
Кучукнинг қулишларини ёзиб қол,
тишларини сев.

Ана шу ўриндикни бағрига гул тўша,
тўлдир,
у ҳам бир марта одаммас, гул кучсин...
Эҳтимол, севиб қолар!..
Уфф...


Сен тирилсанми ё туғилсанми юрак?
Бошқалардай ё ҳеч кимдай сев
Қачон?
Туйғуларнинг қафанларини ювиб, илиб қўй.
Шамол учириб кетсин уларни
олис-олисларга.

Кўлингни чўз
учиб юрган қабрларга,
Орзуларни чақириб ол!
Ҳеч бўлмаса бахт эртагин сўйлагин
бахтиёр қовушга айлангин!
Ҳатто ннгоҳим қадашга ҳақсиз ховлига
кириб кетган беармон қовушга айлан!
Давом эт севишда
Бошқа севмасанг!!!

Тоғлар денгиздек окдилар.
Йиллар бағрида.
Тоғлар юрагимга армон ёкдилар.
беҳуда, беҳуда.
Қисмат қаричлаб турди кунимни,
қайчилади ўтганини.
Қисматдошлар тоғлар ортида
тоғдай улуғлигин билмайди.
Сўзим етар унга,
кўзим етмайди!..

Тоғлар, Сизни сидириб ташлайман,
Йўллар, йиғиб қўяман Сизни.
Атиги бир қадам ташлайман,
ёнида пайдо бўламан уни.
Йўқ осони кетмайди:
Кўзим етар унга,
кўлим етмайди!..

Тоғлар, асли Сизда не гуноҳ?
Йўллар, коматингиз йиғмоқлик нечун?
Юрак-хижронхўр-ку,
Юрак-айрилик!!!
Юрак ярим йўлда тўхтайтиди:
Мен етарман унга,
юрак етмайди!..



"ДИЛДАТИ ОҶИМ МЕҶИҶТ..."

Абдулла Ориповнинг муҳаббат лирикаси тўғрисида баъзи мулоҳазалар

Муҳаббат ниҳоятда кўламли, кўп қиррали ва мураккаб тушунча. Ватанга, дўстларга, оилага, фарзандларга, бирон соҳага, адабиёт ва санъатга, табиатга муҳаббат, инсоннинг инсонга муҳаббати. Мажозий, яъни ҳаётий муҳаббат, ишқ-муҳаббат – ўтли бир дард. У инсонни маънавий юксакликка ундайди, унга рухий қанот бўлади. Ҳаётда юрагига севги учқуни тушмаган одам камдан-кам учрайди. Бироқ бу учқун ҳаммининг ҳам юрагига оташин чўғ бўлиб ёнавермайди. Кўпинча майл, хушторлик даражасида қолиб кетиши ҳам мумкин. Рухий ҳарорати юксак, маънавий-рухий олами бой одамларгина бу дард билан қаттиқ "бетоб" бўладилар. Унга мубтало бўлганлар кўпчилликнинг назарида бирмунча галатироқ ҳам туюлиши мумкин. Сиртдан жўялидек бўлиб кўринган бу алдамчи тасаввур воситасида Абдулла Орипов ўзининг бир тўртлигида муҳаббатнинг мазмун-моҳиятини куйидаги тарзда лўнда ифодалайди:

Булбул ўгай эрур зоғлар орасида,
Югурик сув ўгай тоғлар орасида,
Муҳаббат дардидан бемор қалблармиз,
Ўгай бўлсак не тонг соғлар орасида.

Модомики, неча асрлардан бери бетакрор нафис овози, чаманларга зеб берганлиги боис тилдан тушмай келаётган булбул зоғга, замин, ҳаво, офтоб нури билан биргаликда бутун табиатнинг, мавжудотнинг ҳаёт томирларига оби ҳаёт элтаётган, жон бағишлаётган зилол сув яйдоқ тошларга зид қўйилаётган экан, бинобарин "соғлар" эмас, балки муҳаббат дардига йўлиққан "бемор"лар эъзозга лойиқ. Чунки тош-юрак вужуд билан маънавият, эзгулик иморатини тиклаб бўлмайди.

Инсон севгини танламайди, севги инсонни танлайди. Бу туйғу ҳеч бир далил-исбот билан ҳисоблашмайди. Халқ бежиз: "ишқ ўти тушса юракка, дўзах ўтидан ёмон", демайди. Одамнинг вазифаси, миллати, ташқи кўриниши, ёши, оилавий аҳволи – буларнинг бари билан севгининг заррача иши йўқ.

Ишқ-муҳаббат мавзуи санъат, бадиий адабиётнинг асосий мавзуларидан бири бўлиб келди ва шундай бўлиб қолса керак. Антик дунё адабиётидан бошлаб то ҳозирги давргача муҳаббат мавзусида қанчадан-қанча асарлар битилган. Бироқ татар шоири Ҳоди Тоқтош "муҳаббат ул ўзи эски нарса, бироқ ҳар бир юрак уни янгилайди", деб топиб айтганидек, нафақат бутун-бутун даврлар, балки севгучи ҳар бир қалб ҳам ушбу туйғунинг қандайдир янги жиҳатларини кашф этгандек, унга ўзидан ниманидир қўшгандек бўлади. Бу ўзгаришлар бадиий ижодда ҳам ўз аксини топмоғи зарур албатта. Бироқ сўз санъатининг шунча кенг уммонида юксак маънавият учун хизмат қиладиган, китобхонларнинг доимий ҳамроҳига, бадиий адабиётнинг етук намунасига айланган сара асарлар унчалик ҳам кўп эмас. Чунки хоҳ шеърда, хоҳ насрда бўлсин кўҳна туйғунинг янги қирраларини ўзига хос тарзда очиб берадиган умрбоқий асарлар яратиш ҳар қандай ижодкорга ҳам муяссар бўлавермайди.

Йигирманчи аср ўзбек адабиётида, хусусан шеър

риятимизда бу мавзуда талай баркамол асарлар яратилди. Бунда энг аввало Чўлпон, Ойбек, Усмон Носир, Миртемир, Эркин Воҳидов, Рауф Парфининг гўзал ишқий сатрлари ёдга тушади.

Абдулла Ориповнинг муҳаббат лирикаси мана шу сафда ўзининг муносиб ўрнига эга. Шоир ижоди ҳақида кўплаб фикрлар билдирилган. Бироқ унинг муҳаббат лирикаси тадқиқотчилар томонидан деярли ўрганилмаган. Ҳолбуки, башарти шоир шеърятини мавжланиб оқаётган улкан дарёга, унинг асосий йўналишларини бу сўз уммонида қўйилаётган ирмоқларга қиёслайдиган бўлсак, бу ирмоқлардан бирининг номи Ўзбекистон, Ватан, миллий уйғонишга даъват, истиқлол ўйлари, иккинчисининг номи ҳаёт, инсон ҳақидаги образли фалсафий мулоҳазалар ва ниҳоят учинчисининг номи севги ҳақидаги оташин сўздир. Шуниси эътиборлики, бу уч йўналиш шоирнинг илк ижодидаёқ баравар намоён бўла бошлади. Шу ўринда 1962 йилда битилган "Куз ҳаёллари", 1963 йилда ёзилган "Сен баҳорни соғинмадингми", 1964 йилда эълон қилинган "Мен нечун севаман Ўзбекистонни?" шеърларини эслаш мумкин.

Шоир ўз ижод йўли ҳақидаги мухтасар битикларидан мен нимаики ёзган бўлсам бевосита ҳаётдан таъсирланиб, ўзим ҳис қилган туйғуларни қозога туширганман дейди. Бу гаплар бежиз айтилмаганлигига шоирнинг муҳаббат лирикаси ҳам тўла-тўқис далилдир.

Абдулла Ориповнинг ногаҳонда юлдуздек ярқираб, туйқусдан ҳаммининг нигоҳини ўзига қаратган бутун шеърятини сингари муҳаббат лирикаси ҳам ўзига хослиги, теранлиги, туйғуларнинг табиийлиги, ҳаётийлиги, реал воқеликка монандлиги билан шеърят аҳлининг қайноқ муҳаббатига сазовор бўлди. Шоирнинг севги ҳақидаги ҳазин, мунгли оҳанглари билан йўғрилган шеърлари ҳар қандай оҳ-воҳлар, ўлдим-куйдимлардан тамомила йироқ. Унинг муҳаббат лирикасининг мазмунини жавобсиз муҳаббат изтироби, алами, чуқур инсоний кечинмалар ташкил этади. Бор вужуди билан юракдан севган, ҳақиқий, чинакам севги орзуманди бўлган катта қалб эгасининг дарду дунёси, ҳасратлари, ёниш-ўртанишлари, изтиробрлари бутун табиийлиги билан намоён бўлади.

Шоирнинг 1963 йилда ёзилган "Сен баҳорни соғинмадингми" шеърисида ҳали муҳаббат ғавғоларига, қизларнинг "қўлидаги қонли ханжарларга", "ўзини минг битта бозордан олиб, минг битта бозорга солган, тирноқлар безағи сахардан шомгача" эрмаги бўлган таннозларнинг макру ҳийлаларига рўпара бўлмаган, севгида хиёнат қилишнинг азобини тортмаган, ишқ касридан "ҳоли забун", "толеи толато" бўлмаган, пок севги соғинчи, интизорлиги билан тўлиқ ёш қалбнинг баҳор насимидек ҳаётбахш, тоғ булоқларидек мусаффо туйғулари тараннум этилади.

"Эслаш", "Деразангни қоплар оқшом зулмати...", "Чувалади ўйларим сенсиз", "Хайр энди...", "Йўлим бошлар...", "Ёндиму ва лекин ҳижрон тунида...", "Ёмғирли кун эди...", "Кўйгил, у кунларни эслатма менга", "Севги ўлими" каби ўнлаб шеърларни кўнгил-

хушликдан бутунлай бегона чинакам ишқнинг дардчил талқини, ошиқ қалб ўртанишларининг кўтаринки, юксак пардаларда ифодаланган охи, нидоси дейиш мумкин.

"Йўлим бошлар, кетарман бир кун..." деб бошланадиган шеърда муҳаббат изтироби, қийноқли севги "ёрилмаган ярадай севги" деган ўхшатиш воситасида таърифланади. Кечагина бир тан, бир вужуд бўлган икки инсоннинг ҳаёт йўллари қарама-қарши кутблар томон ажралиб кетмоқда. Улар энди бехосдан учрашиб қолсалар ҳам ўзларини мутлақо бегона одамлардек тутишга маҳкум. Ёрилмаган яра қанчалик азоб бергани сингари, бир қарорга келинмаган севги ҳам шунча азобли, қийноқли. Бироқ бир томон бир қарорга келганда ҳам иккинчи қалбда қолган жароҳат изи, изтироби ёрилмаган ярадан ҳам баттар оғриқли. Ўтмишга айланаётган масъуд дамларни унутиш эса мушкул. Шеърда ана шу инсоний дард, фожеий лирик хусусият табиий ёритилади:

Кўчаларда ёр эмас энди
Тўкнашамиз бегона бўлиб.
Наҳот биздан қолмас ҳатто мунг
Наҳот бўлмас бирор хотирот?
Ишонмайман, муҳаббатдан сўнг
Бегоналик бошланса наҳот?!

Шоирнинг муҳаббат мавзусидаги бир қанча шеърларида азалий туйғунинг мана шундай зиддиятли, мураккаб жиҳатлари поэтиклаштирилади

Севги айрилигининг юракда қолдирадиган чўнг зарбаси, оғриқли нуқталари тугалланмай қолган "Соя" драматик достонидан парчада янада шиддатлироқ, янада ҳаяжонли ифодаланади.

"Хайр энди..." шеърини севгисидан жудо бўлган, абадий фироққа дучор бўлган лирик қаҳрамоннинг зардобга тўла юрак фарёди дейиш мумкин. Унинг айрилиқ лаҳзаларида кўнглидан кечган ўй-хаёллари, танг ҳолати бутун драматизми билан юрагидан бир зарбда отилиб чиққандек таассурот қолдиради. Бу кичик шеърда инсон ҳаётининг мураккаблиги, қувонч ва ғам доимо ёнма-ён юриши юксак эҳтирос билан мисраларга жо бўлган. Шеърни ўқир экансиз муҳаббат – бу ўзини фидо этиш, ўз эркинлигидан жудо бўлиш, ўзини ўзгага бағишлаш деган ўйлар ва яна Чингиз Айтматовнинг "инсон ўзи чинакам яхши кўрадиган одамига ҳеч қачон ёмонликни раво кўрмайди. Ҳақиқий муҳаббат билан ҳою ҳаваснинг фарқи ҳам шунда. Ошиқ қалб соҳиби ўзини ўйламайди. Ошиқ ўзини қурбон қилиб, маъшуқасини сақлаб қолишга тайёр туради", деган сўзлари ёдга тушади. Лирик қаҳрамон севгилиси билан тирик туриб видолашаётганда унга фақат яхшилик тилайди:

— Хайр энди...
қалбимда бир видео қолди,
Хайр энди, сен кетдинг, бегуноҳ оху.
Бугун сен қайдасан? Қайларда қолдинг?!
Сен бугун кимларнинг маъсум ҳамроҳи?!
Қайси бир одамнинг бахтига ёрсан,
Очилдими сенга толе дарчаси?!
Бугун сен кимларнинг меҳрига зорсан,
Менинг юрагимнинг мажруҳ парчаси.

"Отелло", "Гўзаллик", "Мен сени куйламоқ истайман" каби бир қанча шеърларда шоирнинг муҳаббат ҳақидаги идеаллари мужассам топган. Лирик қаҳрамон бутун қалб бағишланган, бор вужуд фидо қилинган муҳаббатнигина тан олади. Шу билан бирга "чирой оламининг тенгсиз сайқали" бўлган гўзаллик, малак сиймолар дефъатан юракдан ғам-аламни кетказиб, самовий ҳисларга чўмдирса ҳам эстетик категория сифатида гўзалликнинг ички моҳия-



ти, пари рухсорнинг маънавий олами бирламчи ўринда туради. Маънавияти қашшоқ соҳибжамолнинг совуқ сумбати қоғоздан ясалган ниҳоятда чиройли, бироқ жонсиз, ифорсиз гулдастани эслатади:

Шунчалар гўзалсан, гўзалсан, санам,
Таърифнинг битмоққа ожиздир қалам,
Бир йигит умрини обод этардинг,
Ақл ҳам берганда фалак боқарам...

Шоир наздидаги севги талқини, вафо ва садоқат тушунчалари маънавий қадриятларимиз, миллий урф-одатларимиз чашмасидан сув ичади. "Аёл" шеърисидаги "ўн тўққиз ёшида бева қолган келинчақ"нинг жангчи ёрига садоқати кимларгадир эриш туюлиши, ғарбча яшаш тарзига унчалик ҳам мос келавермаслиги мумкин. Бироқ шарқона мезонлардан келиб чиқиб вафо, садоқат тимсоли, ёрнинг хотираси олдида ўз ҳузур-ҳаловатидан кечишнинг юксак намунаси сифатида талқин қилинади. Худди шундай талқин "Жўнар бўлдим мен бундан дилтанг" деб бошланадиган шеърининг ҳам руҳига сингдириб юборилган. Маъшуқа ҳаётда ўзи танлаган йигитни юракдан севади. Унинг учун ҳар нарсага тайёр. Ҳатто осмондаги юлдузга айланса ҳам ёрининг ёнига тушишнинг иложини топишга ўзида куч топа олишига ишонади. Бироқ биргина монелик ("Отам оқ йўл берсайди бизга") унинг ўз орзусига етишиши йўлида ўтиб бўлмас тўсиққа айланган. Халқимизда "ота рози – худо рози" деган нақл бор. Шарқона одоб-ахлоқ қанчалик оғир бўлмасин ота ризолигини олмасдан қалтис қадам ташлашдан, ўзини юлдуздек ёрнинг бағрига отишдан тияди.

Шоирнинг ушбу мавзудаги шеърларидан энг машҳурлари албатта "Муҳаббат" ва "Биринчи муҳаббатим" шеърларидир. Талабалик йилларимизда Ёзув-

чилар уюшмасининг Хадича Сулаймонова кўчасида жойлашган собиқ биносида ўша пайтлари бот-бот ўтказилиб туриладиган мушоиралардан бирида "Муҳаббат" шеърини ҳали матбуотда босилмасдан шоирнинг ўз оғзидан эшитгандаги таассурот ҳеч ёдимдан чиқмайди. Шоир шеърни ўқиб тамомлагач чапак чалинган-чалинмагани ёдимда йўқ, бироқ шундан кейин бир нафас оғир сукунат чўмганлиги кечагидек эсимда. Менинг назаримда, тингловчилар аянчли, мунгли, рад этилган севги шарҳи таъсирида алланечук фаромуш бўлиб қолгандек эди. Аслида чиндан ҳам шундай эди. Абдулла ака ўз шеърларини шундай ич-ичдан, эҳтиросли, табиий, ёниб ўқирдики, бу бирорта ҳам таниқли актёр эплейолмайдиган юмушдек туюларди. Айниқса муҳаббат ҳақидаги изтиробли бу шеърни шоир бутун борлигидан чиқариб ўқиганлиги боис барча бамисоли сеҳрлангандек, унинг таъсиридан ўзларига келолмаётгандек эди. Мен сингарилар эса шундай буюқ қалбли шоир севгидан бахтиёр эмас экан-да деган ўйда алланечук маъюсланиб қолган эдик. Жуда қисқа муддат ҳукм сурган зил-замбил сукунатни мушоирани бошқариб бораётган устоз Озод Шарафиддиновнинг сўзлари бўлди: "Шеър ниҳоятда яхши. Туйғуларга, эҳтиросларга бой", дедилар у киши. Кейин нечундир ўзига хос жилмайиб, "ўйлайманки бундай севги шеър муаллифининг, яъни Абдуллажоннинг бошига тушмагандир", деб қўшиб қўйди. Мен домла нега бундай деди деган саволга ҳозиргача аниқ жавоб топа олмайман. Эҳтимолки, ўша лаҳзалардаги сукунат, шоирга ачинишга ўхшаш бир таассурот уни шундай дейишга ундаган бўлса керак.

Ҳаёт мендан аямади неъматларини,
Не истасам берди доим, ҳеч бир тонмайман.
Фақатгина бир ғам ўртар юракларимни,
Мен муҳаббат тақдиримдан мақтанолмайман.

Шеър шундай бошланади. Лирик қаҳрамон ўзининг инкор этилган, жавобсиз қолган севгиси тарихини ҳеч нимани яширмасдан тўкиб солади. У ёниб, оташин эҳтирос билан севгану, бироқ кўнгил шисши "йўқ", деган биргина сўздан чил-чил синган. Мана шундан унинг дунёси қоронғу. Вужудини ғам, андух ўраб олган, кайфияти тушкун. Бирок:

Ўтар экан ҳамма нарса, йўқ экан турғун,
Ҳатто севги неларгадир бўларкан таслим.
Бугун ҳаёт нималиги, севги йўриғи -
Бари маълум, ҳаммасига етади ақлим.

Инсон қавмидаги бир жинснинг бошқа жинсга бўлган севгиси қанчалик оташин, эҳтиросли бўлмасин вақт ўтиши билан хиралашади, ўт-олов ёшликдаги тутқич бермас оловли туйғулар ўрнини сермулоҳазакорлик, эҳтиёткорлик эгаллайди, умр йўллари ҳаётдаги бошқа ташвишлар билан ўраллашиб қолади. Шеърдаги "ҳатто севги неларгадир бўларкан таслим" мисраси "Ошиқона шеърят" мақола-си муаллифи Тоҳир Шермуродга қуйидагиларни ёзишга дастак бўлган: "Мавзунинг маҳзун, аммо изҳори қойилмақом куйчиси, шуҳрати юксак кечмиш бошқа шоири (яъни А.Орипов - таъкид бизники Д.Б.) ҳам ана шундай кайфиятни бошидан кечиради. У ҳам севгининг нималаргадир таслим бўлишлигини идрок этди. Кейин "Сокингина бўлиб қолган" юрагини "Муҳаббат" деган шеърда аён қилди. Лирик қаҳрамон энди ўтган биринчи муҳаббатни кўмсаздан наф йўқлигини билади" ("Ўзбекистон адабиёти ва санъати" ҳафталиги, 1998 йил 16 январь). Мунаққиднинг муддаоси бу билан "ёниб, антикиб муҳаббатни куйловчи шуаронинг бари муайян вақт ўтгач, вазмин ва оҳиста наволарга ўтади... Фоний дунё неъматларига-яратикларига бағишлан-

ган жамики севгиларимиз онийдир", деган фикрни исбот қилиш. Бу билангина чекланиб қолмайди. Муҳаббат лирикасини "ботил муҳаббат", деб атаб, унга паст назар билан қарайди, очикдан-очик камситади, нега "жўн ва қашшоқ, сохта ва беибо, маҳдуд ва такаббур, муте ва нотавон ошиқлик шеърятти ҳам барпо бўлди?" деб надомат чекади. Унинг фикрича, "исломий қарашлар фаҳми" билан йўғрилган муҳаббат талқинигина шеърятнинг жонига аро қиради. Тўғри, Тангри Таолога бўлган муҳаббат табиий муҳаббатларнинг энг чўққиси саналади. Бироқ инсоннинг инсонга бўлган муҳаббати билан Худода бўлган муҳаббатни бир-бирига қарама-қарши қўйиш тўғри бўлармикин. Ахир ҳидоятга, Аллоҳни севишга элтадиган йўл инсонларнинг ўз-ўзини, бир-бирларининг қалбларини чуқурроқ ҳис қилишлари орқали осонроқ кечмайди? Севги бошқа бировга муҳаббат қўйиш орқали Аллоҳни теранроқ тушуниш воситаси эмасми? Инсон ўз-ўзини англашида муҳаббат етакчи ўринда турмайди? Юрагида одам зотига муҳаббати бўлмаган кимса қандай қилиб ҳақ ризолиги сари боради? Тўғри, 20, 30-йилларда, умуман шўро даврида муҳаббат мавзусининг ҳам сиёсатлаштирилганлигидан, қашшоқлаштирилганидан, жўнлаштирилганидан, айниқса кейинги вақтларда ҳаёсизлик, шаҳвоният тарғиб қилинган китоблар, кино-телевидение асарлари урчиб кетганлигидан, бу ёшлар онгига салбий таъсир қилаётганлигидан кўз юмиб бўлмайди. Файласуф Ларошфуко қайд этганидек, "Севги битта, бироқ унинг номи билан юритиладиган сохтагарчиликлар минглабдир". Аммо бу муҳаббат лирикасига тақиқ эълон этилиши учун асос бўладими? Ахир инсон яшар экан севади, севилади, изтироб чекади, бир онда унинг ҳаёлидан қанчадан-қанча уй-фикрлар, кечинмалар ўтади. Лирика мана шу оний лаҳзаларни "тутиб олишга", уни ичдан ёритишга даъват этилмаганми?

Аллоҳ ишқи муҳаббатнинг энг юқори чўққисидир. Буни ҳеч ким инкор этмайди. Лекин шу билан бирга аёл ва эркак ўртасидаги севги туйғуси мавжудлигини ҳам инкор этиб бўлмайди. Бу туйғу бизга Одам Ато ва Момо Ҳаводан мерос. Шундай ҳам бўладики, муҳаббат ҳаётнинг мазмунига айланади, дунёнинг бошқа жамики ишлари унинг олдида ҳеч нарса эмас. Унингсиз инсоннинг маънавий қиёфаси шаклланиши даргумон. У бизнинг иродамиздан, ақлимиздан бесўроқ қалбимизга "меҳмон" бўлади. Муҳаббат - инсон қалбининг нозик торларини чертувчи илоҳий бир туйғу, табиат инъом этган эҳсон, юксак кўринишдаги руҳий эҳтиёж, мўжизавий бир туйғудир. Ахир:

Муҳаббатни тарғиб этмоқ жоизмас, бироқ
Айт-чи, нетсин ўз қалбини ахтарса ҳар ким!

"Ҳаким ва ажал" достонидан)

Абдулла Ориповнинг муҳаббат лирикасида севгининг фожеий ҳолатлари ёрқин очиб берилган. Бунинг мисоли ўша "Муҳаббат" ёки бўлмасам "Биринчи муҳаббатим" шеърлари. Шоир бу фожеий севги талқини орқали муҳаббатнинг энг эҳтиросли, теран ва характерли кирраларини очиб беришга муваффақ бўлган. Бир жиҳатдан олганда, севги йўлидаги тўсиқлар қанчалар қаттиқ, оғир бўлса, унинг ички қуввати шунчалар кўп намоён бўла боради. Осон эришилган ва бахтли-саодатли севги ўз кескинлигига кўра фожиали севги билан тенглаша олмайди. "Муҳаббат" шеърда муҳаббатнинг ана шу қирраси моҳирона очиб берилган. Лирик қаҳрамон бутун дарду ҳасратларини очик-ошқора изҳор қилади, севгисининг самимийлигига, туйғуларининг табиийлигига инонтиради.



Жамиятнинг тарихий ривожланиши давомида ҳиссий ҳаёт, унинг ёрқин кўринишларидан бири бўлган севги ҳам ўзгариб боради. Хохлаймизми-йўқми ижтимоий воқелик севгини янги ахлоқий мазмун билан тўлдиради, янгича муносабатлар унда ҳам ўз аксини топа бошлайди. "Севгининг мураккаблиги ва муҳимлиги шундаки, унда физиологик ва маънавий, индивидуал ва ижтимоий, шахсий ва умуминсоний, тушунчали ва изоҳлаб бўлмайдиган, интим ва умум томонидан эътироф этилган йўналишлар узвий бирикиб жамланган" (Қаранг. Философия о лубви. М. Сиёсий адабиётлар нашриёти. 1990. 1-китоб, 205-бет).

Асқад Мухтор ҳам бир вақтлар фалсафий шеърятда "ўз замонамизнинг рангини, нафасини, ўз давримиз фалсафий қарашларини" ифодалаш зарурлигини таъкидлаб: "Абдулла Ориповнинг "Куз ҳаёллари", "Муҳаббат" каби баъзи шеърларида мана шу заифлик сезилади. Унинг лирик қаҳрамони бундай шеърларда замондошимиз белгиларини йўқотади, тўлғониб азоб тортувчи мавҳум бир инсонга айланади, шеър эса предметсиз кўп сўзликлик балосига учрайди" (А.Мухтор. Ёш дўстларимга. "Ёш гвардия" нашриёти, Тошкент, 1971, 129-бет), деб ёзган эди.

Бу фикрлар А.Орипов ижодига қарши ҳам ошқора, ҳам пинҳона тазйиқ бошланган пайтларда билдирилганлигини эътиборга олганда (А.Мухтор маъруза ўқилган ва мақола ёзилган даврда Ёзувчилар уюшмасининг масъул котибларидан бири эди) шоир шеърларидан бирон-бир нуқсон топиш учун бундай хулосага келгандек туюлади. Бизнинг назаримизда эса ушбу шеърда шоирнинг замонавий воқелик материали асосида севги мавзусига ўзига хос ёндашиши, ўз тафаккури ёғдуси билан қарашли муҳассас топган. Лирик қаҳрамон муҳаббатни ҳаётнинг буюк неъматини, табиат инъоми деб билади, "гоҳо пинҳон, гоҳо асов дарёдай тошиб", чин юракдан, самимий севганлигини ошқора изҳор қилади. Шеърда бу мангу туйғуга асир бўлган қалбнинг ўртанишлари, зиддиятли ўй-фикрлари, ички қарама-қаршиликлари, севги драмаси ўзининг ёрқин ифодасини топган. Оҳиста, бир маромда бошланган оҳанг мисрама-мисра таранглашиб, кескинлашиб боради. Бора-бора юрак ҳайқирғига, ўтли нидога айланади. Лирик қаҳрамон гоҳо "севги йўриғи"ни англаб етгандек бўлади. Яъни муҳаббат – бу ҳар бир ёшнинг қалбига меҳмон бўладиган ўткинчи бир ҳавас, лов этиб ёнади-ю, ташвишли ҳаётнинг бошқа синовлари олдида таслим бўлади, деган ўйларга ботиб, ўзини юпантирмоқчи бўлади. Бирок:

Фақатгина бир куч бордир, фақат угина
Зор йиғлатар, қилолмайман мен унга тоқат.
Ҳаётимда чақнамайсан фақат сенгина,
Толемимда сен бўлмадинг, бахтли муҳаббат.

Шеърда "бахтли муҳаббат"га муяссар бўлмаган қалбнинг дарду ҳасратлари, умид-ишончи, илтижоси, ҳеч қандай куч, панду насихат, зўрлаш билан воз кечтириб бўлмайдиган илоҳий туйғунинг сеҳру жозибаси чуқур, мураккаб кечинмалар тарзида берилди. Бировни мажбуран жиноятга ундаш, бирор ўзига ёқмаган юмушни бажаришга кўндириш мумкин, бирок ҳеч қачон зўрлаб сеवдириш мумкин эмас, мажбуран айрилиққа гирифтор қилинган севги ҳам барибир бир умр қалбда қолади. Уни ҳеч қандай куч юрак жавҳаридан айира олмайди. Мана шу ҳолат шеърда ўзининг жозибали ифодасини топган.

Севгининг ўзига хос қийноқлари, ғам-ғуссалари, бемисл синовлари, ўнқир-чўнқирликлари бўлса ҳам инсон барибир бу ҳисга асир. Муҳаббат – инсон ҳаётини олға етакловчи, уни эзгу ишларга ундовчи, ҳаётни севйишга чорловчи мўъжизакор бир куч. Шу ўринда давримизнинг атоқли ёзувчиси, ўз ҳаётида

бутун вужудини қамаб олган, ҳаётини нур бўлиб ёритган муҳаббатни учратган Чингиз Айтматовнинг куйидаги эътирофини келтириш ўринли бўлса керак: "Атрофдаги одамлар, қушларнинг чуғурлаши, япроқларнинг шитирлаши, денгиз тўлқинларининг шовуллаши – ҳамма-ҳаммаси мутлақо бошқача тусга кириб қолди. Менинг атрофимдаги дунё таниб бўлмас даражада ёрқинлашиб, гўзаллашиб кетди". Унинг "бутун ҳаётимга, ижодимга ўтказган таъсирини сўз билан ифодалаб бўлмайди" (Ч.Айтматов, М.Шохонов. Чўққида қолган овчининг охи-зори. "Шарқ" нашриёт-матбаа концерни бош муҳарририяти. Тошкент, 1998, 388-389-бетлар). Шу боисдан ҳам инсон ким бўлишидан қатъи назар бир умр ҳақиқий муҳаббатга талпиниб, жисму жонидан ҳам ортиқ кўрадиган севимли кишини учратишга умид қилиб яшайди. Шу боисдан ҳам "Муҳаббат" шеъри лирик қаҳрамоннинг ҳаётбахш муҳаббатга интиқлиги, унга мушарраф бўлиш орзуси билан яқун топади. Лирик қаҳрамон учун ҳар қанча мушкулликлари бўлса-да севгисиз ҳаёт бўм-бўш, маъносиз, омонат тириклик:

Яна қайта севарманми? О, гар севолсам,
Майли, ҳаёт, бор-йўгингни ташла елкамга.
Ромеодай ўлимга ҳам тайёрман у кез,
Қотиллик ҳам қилай майли Отелло монанд,
Фақат сен кел, юрагимда армон бўлган ҳис,
Сенсиз ҳаёт пуч бир нарса, эрмак, омонат...

Мумтоз адабиётимизда анъанавий инсоний ишқ-муҳаббат мавзуси кўпинча ўз ишқидега собит ошиқ ва ҳусну латофатда тенги йўқ гўзал образлари тимсолида гавдалантирлигини кўрамайди. Ошиқнинг дарду ҳасратлари бевафо ёрнинг ситамлари, нозу истиғноси, ишваю қарашмаларининг муболағали тасвирида очиб берилади. Одатда ёрнинг қадди сарвга, шамшодга, қоши ҳилолга, юзи ойга, ёноқлари қизил гулга қиёсланади ва ҳоказо. Бу жиҳатдан йигирманчи аср муҳаббат лирикаси ерга, заминга янада яқинроқ тушди, реал ҳаётий мазмун билан тўлдирилди. Буни Абдулла Ориповнинг муҳаббат лирикаси мисолида ҳам кўриш мумкин. Унинг шеърларида лирик қаҳрамонни азоблар гирдобига ташлаган маъшуқанинг бирон таъриф-тавсифи учрамайди. У ким, касби-кори нима, юракка чўғ солган муҳаббат учқуни қандай вазиятларда туғилган деган саволлар ҳам жавобсиз қолади.

"Муҳаббат" шеъри асло "предметсиз кўп сўзлик", эзмалик балосига дучор бўлмаган. Унинг ҳар бир банди, мисраси армонли муҳаббатнинг лирик қаҳрамон қалбида қолдирган жароҳатларини, "чандиқларини" чок-чокидан сўкиб ташлашга изчил равишда бўйсундирилган. Оддий гапдек туюлган ҳар бир сўз, ҳатто тиниш белгиси шеър олдида қўйилган ижодий ниятни рўёбга чиқаришга хизмат қилади. Ушбу шеър шоирнинг ўзига хос ижодий услубини аниқлаш борасида ҳам муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Унинг кўпчилик шеърлари монолог шаклида, лирик қаҳрамоннинг эҳтиросли, зиддиятли ўй-фикрлари асосига қурилади. Худди шундай услуб товланишларини "Муҳаббат" шеърида аён кўриш мумкин.

Ёзувчи Шукур Холмирзаевнинг қайд этишича, А.Орипов талабалик йилларида мумтоз адабиётимиз вакиллари, Чўлпон асарлари билан биргаликда Пушкин ижодини севиб ўрганган (Қаранг: "Оила ва жамият" ҳафталиги, 1997 йил, 22 октябрь-28 октябрь, 43-сон). Буюк рус шоирининг анъаналари, тасвирий воситаларига эргашиш, унинг ижодий мактабидан сабоқ олиш самарасини мана шу "Муҳаббат" шеъри мисолида ҳам кўриш мумкин. Пушкиннинг 1826 йилда ёзилган "Жонажон Ватанимнинг мовий осмони остида" элегиясида бундай сатрлар бор:

Но недоступная черта меж нами есть,
Напрасно чувство возбуждал я.
Из равнодушных уст я слышал смерти весть,
И равнодушно ей внимал я.

Абдулла Ориповда:

Юрагимда севги изи топилмас асло,
На бир афсус, на бир алам чиқмайди ундан.
Шоир сатрин такрорлайман секин, бепарво:
"Қайтмас энди, умид қилма, кетган тўлқиндан..."
Сокингина бўлиб қолган юрагим шундоқ,
Ўтирмайман у кунларни сўкиб, қоралаб.
Энди менга бари бирдир, дейману шу чоқ
Ўзга оташ ахтараман ҳаёт оралаб.

Ҳар иккала парчада руҳий қарама-қаршилик, зид-лантириш кучайтирилиши орқали аниқ вазият яратилади. Ҳар иккала шоир ўтмиш бўлиб қолган мунгли севгига нисбатан бепарво бўлишга, хотиржамликка ундайди, бироқ бундай ўзни юпатиш севги оғригини баттар зўриқтиради. Лирик қаҳрамон бехудага ҳаётдан бошқа тимсол излайди. Юракка ханжардай қадалган ўтмиш севги барибир уни тинч қўймайди. Яна Пушкин шеърдан мисол:

Так вот кого любил я пламенный душой
С таким тяжелым напряженным,
С такой нежной, томительной тоской,
С таким безумством и мученьем!...
Где муки, где любовь? Увы! В душе моей
Для бедной легковерной тени,
Для сладкой памяти невозвратимых дней
Не нахожу ни слез, ни пени.

Абдулла Ориповда:

Кимга шошай, кимни кўмсаб, кимга сиғинай,
Фариштам, деб оқ ювибу оқ тарай кимни?
Кимни Лайлим, Шириним деб, бахтим деб атай,
Ҳаётим, деб чўққиларга кўтарай кимни?!
Йўқ, йўқ, ўтган муҳаббатни кўмсамайман ҳеч,
Нима керак кулни титиш, бўлмаса учқун!
Наҳот қайта севолмасам! Наҳот энди кеч!
Наҳот энди кўнгил узсам севгидан бутун?!

Бунда гап айрим санъатларнинг (такрор санъати – Пушкинда: "С таким..., С такой..., Для бедной, Для сладкой..., ни слез, ни пени; А.Ориповда: "Кимга шошай, кимни кўмсаб, кимга сиғинай, кимни Лайлим..., Наҳот қайта севолмасам! Наҳот энди кеч! Наҳот энди кўнгил узсам севгидан бутун?!) ўхшашлигидагина эмас, балки шеърлардаги оҳангнинг бир-бирига уйкашлигида, лирик қаҳрамон руҳиятидаги оний ўзгаришларни, туйғуларнинг баранглигини бериш усулида, ички қарама-қаршиликни жилолантиришдадир. Пушкин, Лермонтов тасвир усулларига оҳангдошликни "Қасам дара" шеърда ҳам кузатиш мумкин.

Замонавий шеърят учун гул ва булбул тимсоли, ёрнинг таъриф-тавсифи эмас, балки севги драматини, қалб кечинмасининг ўзини бера билиш, севгивчи юрак хужайраларининг тебранишларини, титроғини ифодалай билиш мумкиндир. Бу жиҳатдан "Биринчи муҳаббатим" шеъри "Муҳаббат" шеърининг мантиқий давомидек таассурот қолдиради.

Баъзан шеърдаги "биринчи муҳаббатим" атама-сига ишора қилиниб, биринчи муҳаббат бўлгандан кейин, демак иккинчи, учинчи муҳаббат ҳам бўлар эканми. Бўлмаган гап. Муҳаббат фақат битта бўлади, деган фикрларга ҳам дуч келамиз. Бироқ ушбу мавзу билан шуғулланувчи ҳар хил фанларнинг мутахассислари кўплаб кузатишлар натижасида тур-

лича шароитлар тақозосига кўра бир марта севган инсон ҳаёти давомида яна катта, буюк муҳаббатга дуч келиши мумкин деган ҳулосага келишади. Абдулла Қодирий "Ўткан кунлар" ҳам "Ўткан кунлар" та-нқиди устида баъзи изоҳлар"ида Сотти Хусайнга жавобан: "Отабекнинг ишқидан ва умуман муҳаббатдан баҳс қилиниб, "ишқ-муҳаббат" доимий бўлмайдими" дейдилар. Бу фикрга мен ҳам қўшиламан. Аммо ишқнинг беш-ўн йилга тортилиши аниқдир. Бунинг мисоллари ҳаётда беҳад кўп. Отабекнинг ишқи уч ярим-тўрт йилгина. Бундай тинчсиз, ҳажр ва фироқли шароитда ундан ҳам кўпга тортилиши маълум" (А.Қодирий. Кичик асарлар. Ғ.Ғулум номидаги бадий адабиёт нашриёти, Тошкент, 1969, 196-бет) деб далил келтиради. Кўринадики, атоқли адибнинг фикрича, ишқ-муҳаббат бир умрлик бўлмаслиги ҳам мумкин. Шундай экан "биринчи муҳаббатим" деган атама ҳам яшамокка ҳақли деб ўйлаймиз. Ахир "илк муҳаббат" ёки бўлмасам русча "первая любовь" деган атамаларга ҳеч бир эътироз билдирилмайдими.

Шоирнинг асло муҳаббатни даражаларга бўлиш нияти йўқ, "биринчи муҳаббатим" илк, ҳақиқий, яққаю ягона муҳаббат маъносида келмоқда. Ушбу шеърни юракда армон бўлиб қолган муҳаббат ҳақидаги мунгли, ҳазин куйга қиёслаш мумкин. Ҳар бир мисра, ҳар бир сатр, ҳар бир ўхшатиш армонли муҳаббатнинг лирик қаҳрамон қалбида, ўйу фикрида қолдирган асоратини чуқурроқ очиб беришга қаратилган. Лирик қаҳрамоннинг назарида чексиз фалақда кезиб юрган ой ҳам порламайди, бўзариб ботади, Зухра юлдузи ҳам милтираб зўрға нур таратади. Унинг маънос, ғамгин руҳи бутун борлиқни шу тарзда идрок қилади. "Муҳаббат" шеърдаги сингари бу шеърда ҳам лирик қаҳрамон ўз ўтмиш ҳаётини бўяб-бежаб, "сайқаллаштириб" ўтирмайди, борини тўкиб солади. Чархи қажрафторнинг гарди билан юракка, имонга зид йўл туганлигини яшириб ўтирмайди.

Ўтди ёшлик завқ билан, гоҳи тўполон билан,
Гоҳида яхши билан, гоҳида ёмон билан.
Айри ҳам тушдим баъзан қалб билан, имон билан,

Лекин сени йўқотдим, биринчи муҳаббатим,
Мангу гафлатда қотдим, биринчи муҳаббатим.

Шеърда муҳаббат туйғуси минглаб кўз илғамас иплар билан муҳит, жамият билан чамбарчас чатишиб кетганлиги, тириклик, борлиқ дунё гоҳида англаш гоҳида мушкул сир-синаотларга тўлаллиги, қувонч ва ғам инсон ҳаётида ҳаммиша эгизак юриши теран маъноли фалсафий куйма сатрларда юксак санъат-корона муҳрланади:

Дунё деган шундайин англаб бўлмас сир экан,
Гоҳ кенг экан, гоҳида туйнуқсиз қаср экан,
Лекин инсон ҳаммиша бир ҳисга асир экан...

"Ошиқона шеърят" мақоласи муаллифи ушбу шеърни назарда тутиб, шоирга қарата: "фанодаги ёр севгисини тавоф этди, уни ёлғиз аллоҳим деб билди, Худодан устун қўйди, унга саждалар қилди", деб таъна тошларини отади. Қизиқ ҳолат. Шоир дастлаб шеърда "Оллоҳ" сўзини ишлатганлиги учун коммунист мафкурачиларнинг қаҳру ғазабига дучор бўлган, бу сўз баъзи нашрларда "паноҳим" сўзи билан алмаштирилган эди. Энди давр ўзгарганда муҳаббатни Аллоҳдан юқори қўйди, унга сиғинди деган маломатга қолмоқда. Аслида эса шоир биринчи муҳаббатини "ёлғиз оллоҳим менинг" деб атаб, ўз муҳаббатига садоқатини, қалбда армон бўлиб қолган муҳаббатнинг буюклигини таъкидламоқчи. Аллоҳ ягона бўлгани сингари "бор дунёсини" фаромуш



айлаган, “дилдаги ох” бўлиб ёндирган муҳаббат лирик қахрамон учун яккаю ягона, бир умрлик муҳаббат эканлигини уқтирмакчи. Бу шеърятдаги тасвирий усуллардан бири холос. Бунинг мисолларини мумтоз адабиётимизда ҳам кўплаб учратиш мумкин. Ахир Боборахим Машраб:

Халойиқ қиблага боқиб деюрлар ё расуллолох,
Намозу рўзада сан деб, санга сажда қилай дерман.

ёки

Қолган Иброҳимдан ул эски дўконни на қилай?
Бўлмаса васли муяссар икки жаҳонни на қилай?

деб нола қилган-ку. Бу билан у “расуллолох”ни ёки бўлмаса Каъбатуллохни ёмон отлик қилмоқчи эмас. Бундай зидлаш воситасида ғазалнинг таъсир кучини кучайтиришни кўзлаган холос. Хуллас, ҳар не бўлганда ҳам “Биринчи муҳаббатим” замонавий ўзбек шеърятда муҳаббат ҳақидаги санъаткорона битилган энг гўзал шеърлардан бири эканлиги шубҳасиздир. Ёзувчи Исфандиёр “Ижоддан толиққан ва ёки зикланган оналарим Абдулла Ориповнинг шу номли шеърини қайта ва қайта ўқийман. Шунда қисмат исканжасидан холос бўлгандек ва ўша масъуд дамлар оғушига сингиб бораётгандек ҳис этаман ўзимни” (“Ёшлик” журнали, 1992, 9-10-сонлар, 27-бет), деб ифодалайди ушбу шеър ҳақидаги ўз фикрини.

Бу ниҳоятда интим туйғу осмондан тушмайди, кешилар орасидаги муносабатлардан туғилади. Ахир шоир айтганидек:

Муҳаббат ҳам хасталиқдир, инжик, шиквадор,
Кириб келмас юракка у аллақабқдан.

(“Ҳаким ва ажал” достонидан)

“Маъжозий муҳаббат”га, “фано севгиси”га ружу кўйиш “гуноҳга доҳил” бўлиш билан барабардир, деган бизнингча бирмунча мунозарали мулоҳазаларга жавобан мумтоз адабиётимизнинг эътиборли тадқиқотчиларидан саналмиш Маҳбуба Қодированинг куйидаги сўзларини келтириш ўринли бўлса керак: “Инсон мажозий ишқ-муҳаббат билан ҳам ўзининг комиллигини намоиш қилиши керак... Аллоҳ муҳаббати билан пайдо бўлган инсон ҳаёт имтиҳонидан ўтиш билан яна Аллоҳнинг ўзига бориб қўшиллар экан, у айни пайтда мажозий муҳаббат (таъкид бизники. – Д.Б.) йўлини босиб ўтади. Тасаввуфда бундай муҳаббат комил инсонлар учун мақсад қилиб берилган...” (М.Қодирова. Шеърят ва муҳаббат маликаси. Тошкент. Ф.Фуллом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1998, 72-73-бетлар).

Йиллар оша Абдулла Ориповнинг муҳаббат лирикаси янада теранлашди, мазмунан бойиди. Бунинг 1966 йилда битилган “Чувалади ўйларим сенсиз...” ва 1988 йилда ёзилган “Малак” сарлавҳали шеърлар мисолида кўриш мумкин. Биринчи шеърда лирик қахрамон севгилисини тушларида кўришини, бироқ улар ўртасидаги айрилиқ ниҳоятда ҳадсизлигини (“менинг кўлим етмаган юлдуз”), ўйларини чувалантирган гўзалнинг макони ердан кўра кўпроқ кўкда эканга ўхшаб кетишини (“баладдасан тоғлар коридан”), лекин шундай бўлса-да унинг ортидан Маҳшаргача кетишга тайёр эканлигини изҳор қилади. Бироқ шеър сўнгиди:

Сени сўраб қўймаса нетай,
Ерда қолган севги бечора,-

дея хитоб қилади. Охири мана шу икки сатр билан осмоний севгидан кўра заминдаги севги унинг учун қадрли эканлигини ошқор қилади. Энди “Малак” шеърини кўриб чиқайлик:

Нечун ўғирладинг ўйу фикримни,
Нечун хаёлимни айладинг сарсон.
Энди мен билмасман борар еримни,
Энди туйғуларим қолди саргардон.

Маъшуқа лирик қахрамоннинг бутун фикру зикрини эгаллаган, хаёлини банд этган, туйғуларини фармуш айлаган. У ким?

Қай бир жиҳатлари билан Чўлпоннинг машҳур “Гўзал” шеърига руҳий оҳангдош ушбу шеърда лирик объект, яъни малак (Чўлпонда гўзал) тирик вужуддан кўра кўпроқ фақат тасаввурда, хаёлда мавжуд бўлган самовий санам қиёфасида чизилади:

Сени кўргандайман тушимда фақат,
Учиб ўтгандайсан мисоли юлдуз.
Самовий мўъжиза, илоҳий талъат,
Тенги йўқ бир малак, қошлари қундуз.

Буюк бобокалон шоиримиз Алишер Навоий “Маҳбуб-ул қулуб” асарида ишқни авом ишқи, мажозий ишқ ва илоҳий ишқ деб уч турга ажратганлар. Мажозий ишқни қай маънодадир моддийлашган маънавий ишқ, инсоннинг инсонга муҳаббати дейдиган бўлсак, илоҳий ишқни эса ишқнинг энг олий кўриниши, моддийлашмаган маънавий ишқ дейиш мумкин. Шу маънода якунловчи тўрт сатр шоирнинг лирик қахрамони моддийлашган маънавий ишқ билан моддийлашмаган самовий ишқ аросатида тургандек таъсирот қолдиради:

Насиб этармикан бирор кун висол,
Насиб этармикан тутмоқ қўлингни.
Ва ё ношуд қолган мунажжим мисол,
Пойлаб ўтарманми қайтар йўлингни...

Шоирнинг саккиз мисралик “Илк севги” деб номланган шеъри бор:

Оддий машинани кўрса болалар
Ҳайратга тушишни қанда қилмайди.
Олис юлдузларга улкан кемалар
Учиб юрганини улар билмайди.
Биз-чи, дунё ишин биламиз андак,
Оила қурамиз, бола кўрамиз.
Лекин машинага боққандай гўдак,
Ҳамон илк севгини эслаб юрамиз.

Инсоният фан ва техника соҳасида мислсиз кашфиётлар асри бўлган йигирманчи асрдан янада ҳайратланарли ихтиролар яратилиши кутилаётган йигирма биринчи асрга қадам қўяётган бир дамларда, бир қараганда, муҳаббат масаласида ҳам ҳеч бир жумбоқ қолмагандек. Бироқ бола оддий нарсдан ҳайратлангани сингари инсон ҳам муҳаббат тилсими олдида танг аҳволда. Муҳаббат ҳамон сирли, мўъжизали, жумбоқли.

Юқорида кўриб чиққанларимиз Абдулла Ориповнинг бу юксак туйғу олиймақом йўсинда тараннум этилган дилбар шеърлари, ғазаллари ўзбек ишқий лирикасининг гўзал саҳифаларини ташкил этади, маънавийни юксалтиришга, маънавий оламни, қалбларни бойитишга хизмат қилади дейиш учун тўла асос беради деб ўйлаймиз.

Дониёр БЕГИМҚУЛОВ



**ЭЛИМ ДЕБ, ЮРТИМ ДЕБ
ЕНИБ ЯШАШКЕРАК!****Муассислар:****Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон
Республикаси ёшларининг "Камолот" .
жамғармаси****Жамоатчилик кенгаши раиси:**

Абдулла ОРИПОВ

Жамоатчилик кенгаши:Алланазар АБДИЕВ
Ўрол АБИЛОВ
Абулқосим МАМАРАСУЛОВ
Низомиддин МАҲМУДОВ
Аҳмад ОТАБОЕВ
Йўлдош СУЛАЙМОН
Аҳмад УСМОНОВ
Фармон ХУДОЙБЕРДИЕВ
Каҳрамон ҚУРОНБОЕВ**Масъул котиб:**

Акбарали МАМАСОЛИЕВ

Таҳрир ҳайъати:Ҳотам АБДУРАИМОВ
Одил ЁҚУБОВ
Абдул Ғани ЖУМА
Абдусаид КЎЧИМОВ
Тўхтамурод РУСТАМ
Вафо ФАЙЗУЛЛО
Йўлдош ЭШБЕК
Муҳаммад ЮСУФ
Собир Ўнар
Ғаффор ХОТАМОВ
Шодикул ҲАМРОЕВ
Луқмон БЎРИХОНЁшларнинг адабий-ижтимоий журнали. 1982 йилдан
чиқа бошлаган.Журналнинг ушбу сонига ҳомийлик ёрдами кўрсатган
Саноат-курилиш банкига ҳамда Самарқанд саноат-икти-
сод коллежига ўз миннатдорчилигимизни билдираемиз.

© "Ёшлик" № 5-6 (175-76) 2000 й.

Ушбу сон "Ёшлик" журнали таҳририятининг компью-
тер марказида саҳифаланди.Саҳифаловчи:
Саодат ТУЛАГАНОВА**Муқовамизда:**1-бет. Олимпиада чемпиони Муҳаммадкодир
АБДУЛЛАЕВ.2-бет. Самарқанд саноат-иқтисод коллежи
талабалари ҳаётидан лавҳалар.

3-бет. Ўзбекистон шоирлари.

4-бет. Ёш хушовоз хонанда Зулхумор АБДИЕВА

НАВОИЙНОМА

Отабек ЖЎРАБОЕВ. Ҳазинийга аталган зиё.....1

НАЗМШойим ШЕРНАЗАР. Ишққа қилдим ибодат.....3
Вафо ФАЙЗУЛЛО. Менинг куним келади.....20
Расул Жумаев. Тушларимга киргин, Самарқанд...25
Муҳаммад ИСМОИЛ.
Қирлардаги майса каби ундим яна27**НАСР**

Шукур ХОЛМИРЗАЕВ. Шимол ёғдуси.....4

ХУКУКГулчеҳра МАТКАРИМОВА.
Бу ғалати аёл зоти... 22**ТАДКИКОТ**Муҳаё ҲАМИДОВА. Эшнӣез ёки алданганлар
фожеаси.....26**САҲНА**

Усмон АЗИМ. Алпомишнинг қайтиши.....29

МУҚОВАМИЗДА

Акбар АЛИ. Туғилаётган кўшиқ.....40

БИРИНЧИ УЧРАШУВҲилола ИСМАТОВА.
Бир кучоқ гул қонаб ётар бағримда41**МУТОЛАА**Дониёр БЕГИМҚУЛОВ.
Дилдаги оҳим менинг...42Манзилимиз: 700000, Тошкент, Жавоҳарлаъл Неру, 1-
уй. Телефон: 133-40-83Босишга 14.11. 2000 йида рухсат берилди.
Қоғоз формати 60x84 1/8. Шартли босма тобоғи
Нашриёт ҳисоб тобоғи Буюртма Индекс 822
ISSN 0207-9137Журналдан кўчириб босилганда "Ёшлик"дан олинди
деб изоҳланиши шарт."Янги аср авлоди" нашриёт маркази. Тошкент, Қатор-
тол кўчаси. 60-уй.